

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАБИЖОН НОРБОЕВ**

# **ШАХМАТ НАЗАРИЯСИ**

# **ВА МЕТОДИКАСИ**

**Ўқув қўлланма**

**“Yosh kuch“**  
**ТОШКЕНТ**  
**2021**

**УЎК: 794.1(075.8)**

**КБК: 75.581я73**

**Н-79**

**Н.Норбоев.**

Шахмат назарияси ва методикаси (ўқув қўлланма)/ Н.Норбоев.  
Термиз Давлат университети. “Yosh kuch”. – Тошкент, 2021 . – 232 бет.

**Тақризчилар:**

**Ж. Тошпўлатов,**

Термиз Давлат университети, “Спорт бошқаруви”  
кафедраси профессори.

**Ю. Валикулов,**

Термиз Давлат университети, тарих факультети, “Фуқаролик  
жамияти” кафедраси профессори.

**М. Бозоров,**

Ўзбекистон шахмат федерацияси, Бухоро вилояти ҳудудий бўлими  
ижрочи директори.

*Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги мувофиқлаштирувчи Кенгашининг  
2021 йил 23 ноябрдаги 500-сонли буйруғига асосан тасдиқ-  
ланган ва нашрга тавсия этилган.*

**УЎК: 794.1(075.8)**

**КБК: 75.581я73**

**ISBN 978-9943-6353-6-4**

© Набижон Норбоев, 2021 йил

© Шахмат назарияси ва методикаси, 2021 йил

© «Yosh kuch», 2021 йил

## Аннотация

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари талабалари, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари (БЎСМ), мактаб-интернатлари ва мактабгача таълим тизими ўқувчилари ҳамда шахмат ишқибозларига мўлжалланган.

Ушбу ўқув қўлланмада шахмат ўйинининг тарихи, ривожланиш босқичлари, ўтказилган жаҳон чемпионатлари ҳамда Ўзбекистондан етишиб чиққан машхур шахматчилар тўғрисидаги назарий маълумотлар жадваллар, диаграммалар ва расмлар кўринишида берилган.

Бундан ташқари, шахмат ўйинининг назарияси ва методикаси, шахмат атамалари (терминлари), комбинациялар, масала ва этюдлар, глоссарий ҳамда қизиқарли тестлардан ташкил топган.

Қолаверса, шахмат ўйинининг ёшлар маънавий тарбиясидаги ўрни, аҳамияти ва уларнинг ақлий салоҳиятларини ошириши тўғрисида ҳам фикр юритилган.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	8
-------------	---

### I БОБ. ШАХМАТ ҰЙИНИНИНГ ТАРИХИ

Шахматнинг қадимийлиги ва келиб чиқиш тарихи.....	12
Шахмат ўйинининг Осиё ва Европага тарқалиши .....	16
Амир Темур ва Темурийлар сулоласи даврида шахматнинг ривожини .....	20
Амир Темур саройидаги шатранж усталари .....	22
Филология фанлари доктори, профессор Лазиз Қажумовнинг шахмат ҳақидаги фикрлари.....	24

### II БОБ. ШАХМАТ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган шахматчилар .....	26
Биринчи халқаро шахмат турнири .....	27
XIX асргача яшаб ўтган таниқли шахматчилар .....	30
Жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган матчлар .....	31
Шахмат бўйича расмий жаҳон чемпионлари .....	32
Эмануэль Ласкер (1868 – 1941) .....	34
Хосе Рауль Капабланка (1888 – 1942) .....	36
Александр Алёхин (1892–1946) .....	38

#### XX аср бошларида ўтказилган жаҳон чемпионатлари

Махгилис (Макс) Эйве (1901–1981).....	40
Михаил Ботвинник (1911– 1995) .....	42
Василий Смыслов (1921–2010).....	44
Михаил Таль (1936–1992).....	46
Тигран Петросян (1929–1984) .....	48
Борис Спасский (1937 йилда туғилган).....	50
XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон шахмат тожи учун ўтказилган баҳслар.....	52
Роберт Фишер (1943–2008).....	52

Анатолий Карпов (1951 йилда туғилган) .....	54
Гарри Каспаров (1963 йилда туғилган).....	56
Александр Халифман (1966 йилда туғилган).....	58

### XX асрнинг таниқли шахматчилари фаолиятидан

Вишванатан Ананд (1969 йилда туғилган) .....	60
Руслан Пономарёв (1983 йилда туғилган) .....	62
Рустам Қосимжонов (1979 йилда туғилган).....	64
Веселин Топалов (1975 йилда туғилган).....	66
Владимир Крамник (1975 йилда туғилган) .....	68
Магнус Карлсен (1990 йилда туғилган) .....	70
Эркаклар ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпионлари.....	72
Аёллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпионлари .....	73

### III БОБ. АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ

Вера Менчик (1906 – 1944) .....	74
Людмила Руденко (1904 – 1986).....	75
Елизавета Быкова (1913 – 1989) .....	76
Ольга Рубцова (1909 – 1994).....	77
XX асрнинг иккинчи ярмидаги туб бурилиш.....	78
Нона Гаприндашвили (1941 йилда туғилган).....	78
Майя Чибурданидзе (1961 йилда туғилган) .....	80
Се Цзюнь (1970 йилда туғилган) .....	82
Сьюзен (Жужа) Полгар (1969 йилда туғилган).....	84
Чжу Чэнь (1976 йилда туғилган) .....	86
Антоанета Стефанова (1979 йилда туғилган).....	88
Сюй Юйхуа (1976 йилда туғилган).....	90

### XXI асрнинг номдор аёл шахматчилари

Александра Костенюк (1984 йилда туғилган) .....	92
Хоу Ифань (1994 йилда туғилган).....	94
Анна Ушенина (1985 йилда туғилган) .....	96
Мария Музычук (1992 йилда туғилган).....	98
Тань Чжунъи (1991 йилда туғилган).....	100

Цзюй Вэньцзюнь (1991 йилда туғилган) .....	102
“Шахмат Оскари ” мукофоти.....	104
Ўзбекистонда камол топган машҳур шахматчилар .....	106
Шахмат бўйича Ўзбекистонлик биринчи жаҳон чемпиони ва унинг издошлари .....	112

#### **IV БОБ. ШАХМАТ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ**

Шахмат тахтаси .....	116
Тахтанинг бўлиниши.....	119
Катакларнинг номлари .....	120
Шахматчиларга дастлабки таълим бериш услуги .....	121
Шахмат доналари .....	122
Доналарнинг юриши.....	124
Шоҳ фақат бир хона юра олади .....	124
Фарзин .....	125
Рух.....	125
Фил.....	127
От.....	128
Пиёда ва унинг хусусиятлари .....	129
Шоҳни яшириш – рокировка.....	132
Ўйин қоидалари .....	134
Шахмат нотацияси.....	136
Қисқа белгилар .....	136
Шахмат ўйинини чуқур ўргатиш .....	137
Ва уни таҳлил қилиш .....	137
Доналарнинг нисбий кучи .....	137
Ҳужум қилиш ва ҳимояланиш.....	138
Икки ёқлама зарба .....	139
Ўйиндаги режа ҳақида тушунча.....	140
Машқ ва топшириқлар.....	141
Кишт бериш ва мот (оғир сипоҳлар билан).....	142
Икки рух билан мот қилиш .....	143
Машқ ва топшириқлар.....	145
Икки фил билан мот қилиш .....	145
Икки от шоҳга қарши.....	147
От ва фил билан мот қилиш .....	148

Машқ ва топшириқлар.....	149
Пот .....	150
Кишти қойим.....	151
Машқ ва топшириқлар.....	152
Ўйинни қандай бошлаш керак? .....	152
Ўйиннинг бошланиш қисми .....	153
Миттельшпилда нима қилиш керак?.....	154
Эндшпилда қандай ўйнаш керак? .....	155
Эндшпил турлари ва қоидалари.....	156
Шахмат ўйинининг бўлиниши.....	158
Ёпиқ дебютлар мундарижаси.....	159

## **V БОБ. КОМБИНАЦИЯ ВА УНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ**

Машқ ва топшириқлар.....	163
Комбинациялар.....	164
“Тегирмон” усули.....	164
“Жалб қилиш” усули.....	166
“Чалғитиш” усули.....	167
Комбинациялар бўйича топшириқлар.....	168
Ўқув партиялари.....	170
Дебютдаги вазифалар.....	176
Пиёдалар жойлашуви .....	182
Пиёдали эндшпиллар .....	185
Шахмат ўйинидаги айрим атамалар.....	187
Қизиқарли масала ва этюдлар.....	189
Шахмат ва шеър.....	191
Жаҳон чемпионларининг энг чиройли партияларидан намуналар .....	193
Шахмат бўйича тест саволлари.....	217
ХУЛОСА.....	222
Бизнинг таклифлар.....	223
ГЛОССАРИЙ.....	224
Фойдаланилган адабиётлар .....	229

**“Нафақат юқори натижаларни,  
балки оммавий спортни ҳам  
ривожлантириш керак”  
Ш. Мирзиёев**

**К И Р И Ш**

Мамлакатимизда кейинги йилларда спортга бўлган эътибор кучайиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Спорт доимо тинчлик элчиси бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Бизнинг мақсадимиз тинчлик, осойишталик ва шу асосда жаҳон аҳли билан ҳамкорлик қилишдир. Шу билан биргаликда ҳар томонлама камол топган, етук, соғлом авлодни тарбиялашдан иборатдир. Шу тўғрисида ҳам давлатимизнинг биринчи ордени – “Соғлом авлод учун” деб аталди. Соғлом авлодни эса спортсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Спортчи майдонга ўз юрти ва ўз халқи номидан тушади. Унинг ғалабаси шарафига давлат мадҳияси янграйди, мамлакат байроғи кўтарилади. Ҳар бир мамлакат, миллат ўз чемпионлари билан фахрланади, ғурурланади. Шунинг учун ҳам улар ватаннинг ифтихорлари ҳисобланишади.

Бугунги кунда мамлакатимиздан спортнинг кўпгина турлари бўйича Осиё, Жаҳон ва Олимпиада чемпионлари етишиб чиқмоқда. Шулар қаторида жаҳонга машҳур кучли гроссмейстерларимиз ҳам бор. Булар қаторига: Рустам Қосимжонов, Сайдали Йўлдошев, Марат Жумаев, Владимир Егин, Тоҳир Воҳидов, Сергей Загребельный, ёшларимиздан эса: Жавоҳир Синдаров, Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Якуббоев, Шамсиддин Воҳидов, Хумоюн Бекмуродов, Умида Омонова ва Афрўза Хамдамовалар киради. Спортчиларимиз оламшумул муваффақиятларга муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида эришмоқда. Биз ушбу спортчиларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.





Хумоюн Бекмуродов



Ака-ука Синдаровлар

Юртимизда болалар спортини ривожлантиришнинг уч босқичли дастури ишлаб чиқилган: булар – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақаларидир. Ушбу дастурларнинг барчасида бошқа спорт турлари қатори шахмат ҳам бор.

Ҳозирги кунда юртимизда шахматга бўлган эътибор анча кучайган. Ушбу спорт тури бўйича кўплаб мусобақалар ўтказилмоқда. Бир қатор ҳамюртларимиз жаҳон тан олган кучли шахматчилар билан тенгма-тенг дона суришмоқда. Бундан ташқари уларга муносиб ўринбосарлар ҳам вояга етмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда спортга бўлган эътибор самарасидир.

Ўзбекистонда халқ миллий спорт ўйинлари қатори замонавий спорт турлари ҳам ривожланмоқда.

Спорт – спорт учун эмас, энг аввало одамлар учун, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан комил инсонлар этиб тарбиялаш учун ер юзидаги барча кишиларнинг тинчлик-осойишталиги, дўстлик ва ҳамкорлиги, бахт-саодати учун хизмат қилиши керак.

Ҳақиқатдан ҳам юртимизда ёшлар ўртасида спортни ривожлантиришга доимий ғамхўрлик ва эътибор қаратиб келинмоқда. “Спорт – мардлар, чаққонлар ва кучлилар машғулотиدير”.



### Шахмат бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз насл-насабини, келажак авлодини асраб-авайлаб, унинг қадрини билса, бундай миллатнинг ва давлатнинг келажаги буюк бўлади. Зотан, ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқдир.

Мамлакат шон-шуҳратини бутун жаҳонга таратадиган воситалардан бири – спорт экан, уни тобора ривожлантириш, халқаро андозалар даражасига кўтариш йўлида давлатимиз ҳеч нарсани аямаслиги юртбошимизнинг кўрсатмаларида ўз ифодасини топмоқда. Юртимиз ёшлари ҳам бундай эътиборга ўз ҳиссаларини қўшмоқлари лозим.

Спорт билан доимий шуғулланадиган шахснинг уч хислати: мустаҳкам соғлиги, жисмоний кучлилиги ва доимий ғалабага бўлган интилиши билан бошқалардан фарқ қилади.

Спортнинг бирор туридан муваффақиятга эришиш учун, албатта доимий машғулот, кун тартиби ва ўз вақтида дам олишга эътибор қаратиш лозим. Шундагина кўзлаган мақсадга эришиш мумкин.

## Биз ўз шахматчиларимиз билан фахрланамиз



Афрўза Хамдамова



Умида Омонова



Жавоҳир Синдаров



Нодирбек Абдусатторов



Нодирбек Якуббоев



Шамсиддин Воҳидов

# І БОБ. ШАХМАТ ҰЙИНИНИНГ ТАРИХИ

## Шахматнинг қадимийлиги ва келиб чиқиш тарихи

**Таянч сўз ва иборалар:** *Чатуранга, шатранг, шатранж, шахмат, шашқол, мансуба, қўр, археолог, Далварзинтепа, Кушон, Афросиёб, зебу, олия, оқсуяклар, империя, дебют, масала, рух, афсона, салаф, спорт устаси, чемпион, вариант, гроссмейстер.*

Шахматнинг биринчи марта қачон ва қаерда пайдо бўлганлигига изоҳ топиш учун жаҳон олимлари бир неча асрлардан буён уриниб келдилар. Кўп маълумотлар шахматнинг биринчи ватани – Ҳиндистон эканлигидан далолат беради.

Шахмат доналари орасида Ҳиндистонга хос филларнинг бўлиши, қадимий қўлёмаларда “раджа” (шоҳ), “анга” (қўр) каби ҳиндча сўзларнинг қўлланилиши тарихчиларни шу тўхтамга олиб келди. Шахматнинг бошланғич формаси – “чатуранга” – эрамизнинг II–IV асрларида Ҳиндистоннинг Панжоб ва Кашмир вилоятларида пайдо бўлган дейишга етарли асос бор (“чатур”–тўрт, “анга”–қўр, яъни тўрт қўр демақдир. Бу билан ҳиндлар: “жанговар филлар”, “отлиқлар”, “жанговар аравалар” ва “пиёдалар”дан иборат қўшинни англатганлар).<sup>1</sup>

Шахмат тарихини ойдинлаштиришда ўзбек тадқиқотчиларининг ҳиссаси самарали бўлган. 1972 йил охирларида ўзбек археолог олимлари Сурхондарё соҳилларида жойлашган Далварзинтепадан эрамизгача I–II асрлар, яъни Кушонлар империяси даврига оид бир қанча нодир буюмлар ва 2 та шахмат доначасини топганликлари жаҳон матбуотида катта шов-шув бўлди.

---

<sup>1</sup> Муҳиддинов М. “Соҳибқирон дона сурганда”. Тошкент, “Айн”, 2006 йил.

Орадан 5 йил ўтгач, Афросиёбдан топилган доналар дастлабки фараз ва хулосаларни тасдиқлади. Далварзинтепадан топилган “фил” ва “зебу” (хўкиз) доначалари ҳинд чатурангаси



Фил



Зебу (хўкиз)

билан шатранж ўртасида пайдо бўлган ўйинга тегишли бўлса, Афросиёбдан топилган фил суягидан ясалган еттита шахмат донаси – шоҳ, фарзин, от, фил ва пиёдалар нисбий кучларига монанд шаклларда акс эттирилган бўлиб, булар энди такомиллашган Ўрта Осиё шатранжига тегишли эканига шубҳа қилмаса ҳам бўларди.

Бу доначалар кўп марталаб қўлдан-қўлга ўтганлиги, яъни ўйналганлиги туфайли таглари сип-силлиқ ҳолга келган. Пиёдалар баландлиги – 2 см, от ва филларники – 3 см, шоҳ ва фарзинники эса – 4,5 см шаклида ишланган. Археологларнинг хулосасига кўра, бу доначалар VI–VIII асрларга оиддир.



Афросиёбдан топилган фил суягидан ясалган шахмат доначалари

Қизиқ, шатранж доналари таркибига кирувчи Рух худди шу даврга оид қатламдан, Афросиёбдан эмас, балки Фарғона вилояти ҳудудидан шу аср бошларида топилган. Айни чоғда Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейида сақланмоқда.

Заминимиздан шахмат доначаларининг топилиши – Сурхондарё ҳудудида шахмат Осиёнинг бошқа жойларига қараганда анча аввал тараққий этганлигидан далолат беради.



Сурхондарё вилояти ҳудудидаги “Айритом” археологик казишмалари вақтида топилган шахмат доначалари ( XI – XIII асрлар ).



Шахмат доналари таркибига кирувчи Рух – фил суягидан ясалган бўлиб, Фарғона вилояти ҳудудидан топилган. У – қуш шаклида акс эттирилган.

Чатуранга ҳозирги шахматга анча ўхшаса ҳам, лекин ундаги доналар сони ва ўйин тахтасининг кўриниши фарқ қиларди. Энг катта фарқи шуки, ҳинд шахматида махсус шашқол бўлиб, ўйинда ютиш бу шашқолнинг қандай ҳолатда тушишига боғлиқ бўларди.

IV–V асрларда ҳинд чатурангасининг қайсидир формаси асосида бу ўйиннинг такомиллашган тури – шатранг пайдо бўлган деган хулосага олиб келади. Шатранг такомиллаша бориб, доналарининг сони жиҳатидан ҳам, тахтага терилиши



жиҳатидан ҳам ҳозирги шахмат тусига киради. Шатранг ўйинида шашқол тошлари бора-бора қўлланилмайдиган бўлди, унда кураш рақиб доналарининг барчасини қириб ташлагунча эмас, балки шоҳни “мот” ёки “пот” қилгунча давом эттириладиган бўлди.

Шатранг тўғрисидаги дастлабки маълумотлар Ўрта Осиё адабиётларида 600-йилларда тилга олиниши ва ҳинд чатурангаси ҳақидаги дастлабки маълумотлар эса VII асрда пайдо бўлиши ҳамда VIII–IX асрларда шатранг тўғрисидаги маълумотлар Ўрта Осиё адабиётларида кўп учраши бу ўйин Ўрта Осиёда тобора авж олганлигидан далолат беради. Кейинроқ бутунлай шатрангга бағишланган ўйин боши ва “мансуба”ларни (масалаларни) ўз ичига олган қўлёзмалар ҳам пайдо бўла бошлаган.

Рус шахмат тарихчиси ва назариячиси И.Майзелис “Чатуранга ва шатранг бир-биридан тамоман фарқ қилувчи ўйинлардир”<sup>2</sup> деган фикрни биринчи марта илгари сурди.

Шатранг тез орада Ўрта Осиё билан чегарадош мамлакатларга ҳам тарқала бошлади. Эрон салтанати ва Ўрта Осиёнинг бир қисмини босиб олган араб истилочилари шатранг билан VII асрда танишадилар ва “шатранг” сўзини “шатранж” тарзида талаффуз қиладилар.

### **Шахмат ўйинининг Осиё ва Европага тарқалиши**

Бу қадимий ўйин ривожига Ўрта Осиё халқлари катта ҳисса қўшган. Шу даврда шатранж юқори чўққиларга кўтарилган. Унинг назарияси ва композициялари тайёрланган.

VIII–IX асрларда яшаган Абу Ҳофиз, Жобир Кўфий, Абу Жаъфар, Ансорий, Наим Ходимлар Хорун ар-Рашид халифалик қилган даврларда маҳоратли шахмат усталари бўлиб етишган. Хуросонда яшаган, асли хоразмлик бўлган Раброб ҳам маҳоратли бўлган. 819 йилда Хуросонда Жобир, Раброб ва Абу Жаъфарлар ўртасида матч ўтказилган. Бу халифалар кузатувида ўтказилган 3 та машхур матчининг бири эди. Буни кузатган халифа Маъмун: “Шуниси ажабланарлики, мен Шарқда Ҳиндистондан тортиб, Ғарбда Андалузиягача ҳукмрон бўла туриб, кичкинагина шахмат тахтасидаги 32 донани тузукроқ идора қила олмайман” – деган эди.

Халифа яна: “Шатранж ўйинида ҳатто улуғларни ҳам аяб ўтириш ўринли эмас” деган. Ўрта аср тарихчилари юқоридаги уч шахматчи ва Наимга “олия” (гроссмейстер) унвони берилганини ўз асарларида зикр этадилар. Ушбу шахмат олиялари ўша даврда махсус шахмат рисолалари яратганликлари ҳам маълум.

IX–X асрларда Европанинг Италия, Испания ва бошқа бир қатор мамлакатларида ҳам шатранж ўйнала бошлади. Бу

---

<sup>2</sup> Муҳиддинов М. “Шахмат”. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2007 йил.



мамлакатларда айрим шахмат атамалари сақланиб қолди. Масалан: испанлар филни “алфил” деб юритишади. Шундай қилиб, шахмат ўйини билан испанлар, португалияликлар, италянлар, французлар, инглизлар ва кейинроқ немислар ҳамда скандинавияликлар таниша бошлади.

XV–XVI асрларда Ғарбий Европада шахмат ўйини ўзининг классик формасига эга бўлади. Шатранж қоидалари эса аста-секин йўқола бошлайди.

XVI асрда Испанияда жаҳон адабиётининг улуғ намоёндаларидан бири Сервантес яшаган даврда испанлар ҳам жаҳондаги энг кучли шахматчилардан ҳисобланарди. Улар орасида ҳозирги замон мусобақаларида жуда кўп қўлланиладиган “испанча партия”га асос солган машҳур шахматчи Лопес ҳам бор эди.

XVIII асрда Франция маданиятли мамлакатлардан бирига айланди. Французлар шахмат соҳасида жаҳонда пешқадам эди. Ўша даврда яшаган Франсуа Филидор жаҳоннинг кучли шахматчиси деб танилганди. Шахмат назариясида “Французча ҳимоя” деб аталувчи дебют ҳозирги замон шахмат усталари амалиётида ҳамон тез-тез қўлланади.

XIX асрнинг биринчи ярмида Англия энг илғор мамлакатлар қаторига кирди. Ўша даврнинг кучли шахматчиси Стаунтоннинг Байрон ва Фарадейга замондошлиги ҳам бежиз эмас. Инглизча партия, инглизча бошланиш деб аталувчи дебютларСтатунтон яшаган вақтдан ҳозиргача амалиётда қўлланиб келинмоқда.

XIV–XV асрларга келиб Ғарбий Европада айрим шахмат донларининг номлари ва юришлари ўзгарди. XV асрнинг охирлари ва XVI асрнинг бошларида пайдо бўлган шахмат ҳақидаги биринчи босма китобларда ўйин суръатини кучайтириш ва унинг ички мазмунини бойитиш таклиф этилди.

Шундан сўнг фарзин билан фил ҳозиргидек узоқ юра оладиган бўлди. Ракировка қабул қилинди. Шундай қилиб. Европада “шатранж” ўрнини “шахмат” эгаллади.

Россиянинг Киев, Чернигов ва Новгород шаҳарларида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида XI асрга оид шахмат доналари топилган. Европада XV асрдан бошлаб подшо сарой аҳллари – оқсуяклар ўқ-ёй отиш, қиличбозлик, ов қилиш, шеър ёзиш билан бир қаторда шахмат ўйинини ҳам яхши билишлари керак эди.

Араблар Ўрта Ер денгизи бўйидаги бир неча мамлакатларни босиб олгандан сўнг Италия, Испания ва Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам шатранж ўйнала бошланди. Ўша даврларда яратилган кўпгина ажойиб “мансуба”лар (масалалар) бизгача етиб келган. Абул-Абнинг IX асрга тааллуқли қўлёзмаси ҳам бунини исботлайди.

Қадимги шахмат ўйинини такомиллаштиришда Ўрта Осиё шахматчилари алоҳида ўрин тутган. Бу такомиллашган ўйин – шатранж деб аталган. Йиллар ўтиши билан ўйиннинг ҳақиқий усталари пайдо бўлади.

Маълум даврда қайси мамлакат фан ва маданият соҳасида илғор ҳисобланган бўлса, жаҳоннинг кучли шахматчилари ҳам шу мамлакатда яшаган. Чунинчи, X–XI асрларда Ўрта Осиё жаҳонда ўзининг машҳур олимлари Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний билан танилганди. Айни шу даврда Ўрта Осиёда яшаган Абубакр Ас-Сулий ҳам жаҳоннинг кучли шатранжчиси ҳисобланган.

Ўрта аср шатранжчилари яратган мансубалар мазмуни жиҳатидан ҳам мақтовга арзигулик. Улар ҳозиргача ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Шатранж равнақ топмай туриб, албатта бундай ижодий ютуқларга эришиш мушкул эди. Бунини машҳур араб тарихчиси Маъсудий ҳам тасдиқлайди. Маъсудий ўзининг тарихий қомусида шахмат ҳақида “жуда эски рисоалар” борлигини айтади. Шатранж рисоаларининг бошқа қўлёзмалари сақланиб қолмаган.

XI асрнинг иккинчи ярмига келиб Ироқ, Ғазна, Хуросон ва Ҳиндистон мамлакатлари асосий маданий марказлар сифатида эсланади.

**Ғазна** – Ғазнавийлар империясининг маркази бўлиб, XII асрнинг бошларида яқсон қилинган. Шахмат асрлар мобайнида замон имтиҳонларидан ўтиб, жаҳон халқлари ҳаётида, инсон маданияти тарихидан муносиб ўрин эгаллаган.

Шахмат – бутун инсоният тафаккурининг мевасидир. Ўз замонасининг улуғ зотлари шахмат ҳақида кўп ажойиб фикрлар айтишган. Чунончи, шахматни Фирдавсий “кураш”, Низомий “жанг майдони”, Л.Толстой “ҳордиқ чиқариш, ақлни чархлаш воситаси”, М. Охундов “зеҳнга жило берувчи машғулот” деб атаган. Айниқса, “шахмат – ақл гимнастикаси” деган таъриф шахматга берилган баҳоларнинг энг мақбулидир.

Шахмат ғоялари инсоният маданияти умумтараққиётининг босқичлари билан чамбарчас боғлиқ.

Афзалидин Ҳоқоний (XI–XII асрлар) таъбири билан айтганда:

“Бир вазир бўлиб эгри юрмоқдан –  
Бир пиёда бўлиб тўғри юрган афзал”<sup>3</sup>

Минг йил бурун яшаб ижод қилган, асли Ўрта Осиёлик машҳур олим ва замонасининг тенги йўқ шахматчиси Абу Бакр Ас-Сулийнинг рисоласида шундай сатрларни ўқиймиз: “Ўйинлар ичида ва подшоҳларнинг энг сеvimли машғулотлари орасида шахматдан кўра яхшироқ нарса йўқ. Ажам (араблардан ташқари мамлакат) подшолари ҳамма вақт болаларига ўзга илмлардан кўра шахматни кўпроқ ўргатганлар. Ажамларнинг фикрича, шахмат ўйнамайдиган бола ўйнайдиганига нисбатан отасининг назаридан четда қолар экан”.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, шахматни афсоналардаги каби бир киши кашф этган эмас, балки бу наслдан-наслга ўтиб келган халқ ижодининг мевасидир.

Ўрта Осиёда битилган нодир рисоалар ва шу ердан чиққан археологик топилмалар диёримиз – қадимий Туркистон

<sup>3</sup> Муҳиддинов М. “Шахмат юлдузлари баҳси”, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1989 йил.

ўлкаси ҳозирги замон шахматининг салафи – шатранжнинг илк ватанларидан бири эканлигини кўрсатади. Албатта, биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз.

### **Амир Темур ва Темурийлар сулоласи даврида шахматнинг ривож**

**Таянч сўз ва иборалар:** *Шатранжи кабир, шатранжи сағир, дубоба, кунофа, зурофа, шатранжи ҳозирона, шатранжи ғойибона, мансуба, олия, алфил, Табриз, филбанд, Маъмун.*

Маълумки, қадимий Шарқ тахтасида саф тортувчи доналар кўшинни акс эттиради. Улар пиёдаю отлик, филу жанговар аравалар ва саркардалар эди. Кураш жараёни жиҳатидан ҳам икки томон жангини ифодаловчи атамалар жиҳатидан ҳам шахмат чиндан жанг жараёнини ёдга солувчи ўйиндир. Бинобарин, ёшлик чоғлариданоқ ўзини ҳарбий ишга шайлай бошлаган Амир Темур шатранж билан шуғулланмаслиги мумкин эмас эди.

“Темур тузуқлари” да унинг ўз эътирофича, шаҳар ва мамлакатларни кўпинча қурол кучи ёрдамида эмас, балки ақл-заковат, чуқур тафаккур кўмагида шахмат тахтасидаги қонсиз курашдек силлиққина забт этар, рақибини мот қиларди. Бунинг учун у кечалари шатранж тахталари узра доналарни ҳаракатга келтириб, муайян тайёргарлик кўрар, кундузлари эса режаларини амалга оширарди.

Соҳибқирон ўз саройида шатранж мажлислари ўтказиб турган. Амир Темур илм-фан, маданият ва ҳунар аҳлларига ўз салоҳиятларини тобора ошириб боришларига алоҳида аҳамият берган.

Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун нафоис” асарининг шоҳлар ва шаҳзодаларга бағишланган қисмида сўзни Амир Темурдан бошлаб, соҳибқирон шеър айтмасида, баъзан шунчаки келтирган бир сатри шоирларни ҳам лол қолдирарди, дейди. Темурнинг нозик шеър таъбига эга эканлиги, ҳар жиҳатдан

санъаткор бўлганлигини таъкидлайди. Темур билимдонликда суҳбатдошларини таажжубда қолдирганлиги тарихий манбалардан маълум.

Темурийлар сулоласи даврида икки хил шахмат: шатранжи кабир ва шатранжи сағир мавжуд бўлган.

Шатранжи кабирда (катта шахмат) сипоҳлар орасида дубоба (айиқ), зурофа (жирафа), кунофа (туя)лар ҳам бўлган. Амир Темур ана шундай 100 хонали шатранжда ўйнашни афзал кўрган. Шатранжи сағир (кичкина шахмат) эса 64 хонадан иборат тахтада ўйналадиган шахматдир.

Тарихчи олим Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур бир куни яқин одамларидан бири билан шахмат ўйнаб ўтирган. У руҳи билан рақибини мот қилиб турган дақиқада ўғил кўрганини хабар қилишибди. Темур севинганидан фарзандининг исмини Шоҳрух қўйган экан.

Худди шундай, рамзий мансубалардан яна бири Петербург университетининг профессори, таниқли рус шахмат устаси К. Янишга тегишли бўлиб, унда турк султони Боязиднинг 1402 йилдаги урушда Амир Темурдан енгилганлиги ўз ифодасини топган. Ушбу композицияни Яниш “Темурнинг темир қафаси” деб номлаган.

Ўзига хос санъатга айланган шахмат ҳалол курашдан иборат мураккаб ўйин бўлганлиги сабабли жаҳон адабиёти йирик намояндаларининг, ҳатто айрим давлат арбобларининг эътиборини ўзига жалб қилиб келди.

Маълумки, Шарқ маданиятининг атоқли вакилларида бири Абулқосим Фирдавсий ўзининг машхур “Шоҳнома” асарида (X–XI асрлар) шахматга катта ўрин берган.

Темурийлар даврида Ўрта Осиёда маданият қайтадан тараққий эта бошлади. Қисқа вақт ичида ажойиб шоирлар, олимлар, меъморлар етишиб чиқди. Булар қатори шу даврда шахматнинг машхур усталари ҳам пайдо бўлди.

Бобокалонимиз Амир Темурнинг илм-фан ва маданиятни ривожлантириш бўйича бошлаган анъаналари ўзидан

кейин ҳам, Алишер Навоий замонида ҳам давом этди. Унинг фарзандлари, неваралари бу анъанага содиқ қолишган.

Қадимги шатранж – шахматнинг ривожига Алишер Навоий ҳисса қўшганлигини, бу соҳанинг илғор вакиллариغا эътибор қаратиб, уларга раҳнамолик қилганлигини тарихий манбаларгина эмас, балки шоирнинг асарлари ҳам тасдиқлайди. “Мажолисун нафоис” асарида Навоий ўша давр илғор кишилари қаторида шахмат устодларини ҳам тилга олган. Жумладан, шоирнинг “Шатранжи кабир” ҳикоятида:

*Икки шатранж ўйнагувчи устод,  
Арсаи шатранжга айлабон қушод.  
Икки жонибдин бўлиб оромгир,  
Тўкдилар ўртада шатранжи кабир.*

каби сатрларга дуч келамиз. Бунда улуғ шоиримиз шатранжни усталик билан тавсифлангани, Навоий икки томоннинг бир-бирига қарши юришларини урушга ўхшатганлигини ва ҳарбий атамалардан кенг фойдаланганлигини айтади. Навоий доналарни кўриб ўйнашдан (шатранжи ҳозирона) ташқари тахтага қарамай, яъни доналарни кўрмай ўйнаш (шатранжи ғойибона) ҳам маълумлигини ва Хуросон шатранжчилари бу борада анча маҳоратли эканлигини айтган.

### **Амир Темур саройидаги шатранж усталари**

XIV асрнинг иккинчи ярмида Табризда, кейинчалик Эрон ва Озарбайжонда яшаган Хожа Али Табризий ўша даврда шуҳрат топган шахматчи сифатида таърифланади. У шатранж илмида устод даражасига кўтарилган. Ҳатто, ғойибона шахмат ўйинида ҳам ажойиб ўйинлар кўрсатган. У Амир Темур уюштирган шахмат мажлисларининг доимий иштирокчиси бўлган. Хожа Али Табризий бир вақтнинг ўзида тўрт киши билан тўртта тахтада ғойибона ўйнай олган.

Ҳолбуки, у даврларда Европада бу усул билан икки тахтада ўйнаганлар. Амир Темурнинг фармони билан Хожа Али Табризий уста шатранжчи сифатида Самарқандга олиб келинган, Али Шатранжий Самарқандий номи билан шуҳрат топган. XV–XVI асрларда Темур саройида яшаган Али Шатранжий моҳир амалий ўйинчи бўлиш билан бирга, маҳоратли шатранж назариячиси ҳам эди. Ўша даврнинг Ўрта Осиё ва араб қўлёзмалари дебютлар ва ўйин таҳлилларига бағишланган, асосан масалалар тўплами, аниқроқ қилиб айтганда, “мансуба”лардан иборат эди. Ўйналган партиялар (ўзига хос шахмат нотацияси – алифбеси бўйича ёзилган) ва яратилган ажойиб мансубалардан озгинаси бизгача етиб келган. Буни Абул-Абнинг IX асрга тааллуқли қўлёзмаси исботлайди.

Буюк рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой шундай деган эди: “Мен шахматни инсонга ҳордиқ бериши учун хуш кўраман, шахмат чуқур ўйлаб, иш кўришни талаб этади. Киши қанчалик ақлли бўлса, у шунча кўп характерни кўра олади. Бу худди шахматдагидек, яъни моҳир шахматчи тахтадаги жамики сирларни пайқай олса, ёмон ўйинчига ҳамма нарса бирдек туюлади”<sup>4</sup>.

Шахматда тасодифий ўхшашлик ва қутилмаган комбинациялар бўлганидек, ҳаётда ундан ҳам қизикроқ воқеалар содир бўлади. Биласизми, шахмат ўйинининг моҳияти кескин ҳужум бошлаш, қутилмаган ва қалтис юришлар қилиш эмас, балки доналарнинг мураккаб бирлашувининг оҳиста ва ҳақкаламай олға қилган ҳаракатидан иборатлигини унутмаслик даркор.

Ҳар бир шахмат катакчалари – санъат демакдир. Уни бойитмоқ даркор. Буни уддалай олмайдиганлар бошқа санъатдан ўз катагига бирор нарсани суриб оладиларда, янги бир нарса яратдим, деб ўйлайдилар.

---

<sup>4</sup> Муҳиддинов М. “Шахмат”. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2007 йил.

## **Собиқ филология фанлари доктори, профессор Лазиз Қаюмовнинг шахмат ҳақидаги фикрлари**

“Фалсафани биладиган шахматчилар ёки шахматни биладиган файласуфлар шахматнинг табиати ҳақида тез-тез бош қотирадилар. Шахмат ўйинининг мураккаблиги ва аниқлиги янги комбинациялар ўйлаб топиш, ўйиндаги кибернетикага яқин бўлган нарсалардан: гамбитнинг қайси бири ўзинг учун фойдали эканини, аниқ ҳисоблаб топа билиш кераклиги жиҳатидан ҳам – шахмат менга аниқ фанни эслатади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Алёхин, Ласкер, Эйве, Капабланка, Чигорин, Петросян – филолог, Таль журналист, Ботвинник техника фанлари доктори жаҳонга номи таралган олимлар”.

“Шахматнинг завқи худди музика ёки қизиқ шеър тинглагандаги завқ билан тенг. Ўйиндаги хатолар эса композитор ёки шоирнинг хатоларини эслатади”<sup>5</sup>.

“Поэзия каби шахматда ҳам энг муҳим нарса ритм, ўлчовдир. Шахмат доналарининг барчаси жуфт-жуфт. Шеърда буни қофия дейилади. Бундай қофияланишни ўзбекчада – мусамман усули деб аталади”.

“Шеърнинг пафоси, шахматда эса ҳал қилувчи битта юриши бўлади. Ҳикояда кутилмаган яқун, шахматда эса кутилмаган юриш қадрланади. Хонасини топиб устамонлик қилиш шахматчилардагина эмас, балки адабиётчиларда ҳам бордир”.

Сиз: дебют, миттельшпил, эндшпил десангиз, адабиётчилар: тугун, кулминация, ечим, финал дейди.

Цейтнотга тушмаган ёзувчи бўлмаса керак. Ҳаёт кишини доимо шоширгани шоширган. Шахматда эса ҳар бир дақиқа қимматлидир.

Санъат қурбонсиз бўлмайди. Шахмат ҳам шундай. Аммо қурбон беришни билмоқ керак. Нодонлар қурбон бериб ютқазадилар, донолар эса қурбон бера туриб ҳам ютадилар.

---

<sup>5</sup> Муҳиддинов М. “Шахмат юлдузлари баҳси”, Тошкент., “Ўзбекистон”, 1989 йил.



Пиёдаларнинг ўйин давомида фарзига чиқишини кўра туриб, менинг ҳайқиргим келади: Ёшлар, тиришаверинг! Мақсад сари дадил интилувчи бўлинг!

## II БОБ. Шахмат бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг ташкил этилиши

### (XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган шахматчилар)

**Таянч сўз ва иборалар:** *Дебют, этюд, масала, комбинация, нотация, шоҳрух, пиёда, вазир, фарзин, шоҳ, фил, рух, от, мусобақа, турнир, матч, реванш, тахта, тош, соат.*

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, бу ўйиннинг ҳақиқий усталари етишиб чиқди. Диққатга сазовор жойи шуки, маълум бир даврда қайси мамлакатнинг маданияти илғор бўлса, жаҳоннинг зўр шахматчилари ҳам ана шу ерда яшаган. Тарихда бунга мисоллар кўп. Чунончи, оламга машҳур зотлар Муҳаммад Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино замондошлари бўлган Абу Ҳофиз, Раброб, Наим, Ас-Сулий, Абул Фатҳ ўз даврининг шахмат олиялари, яъни гроссмейстерлари бўлган.

Бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Масалан, Лопес (XVI аср, Испания), Греко (XVI аср, Италия), Франсуа Филидор (XVIII аср, Франция), Говард Стаунтон (XIX аср, Англия) ва унинг замондошлари Пол Морфи (АҚШ), Адольф Андерсен (Германия)лар ҳам ўз даврининг тенгсиз шахматчилари бўлган. Аммо улар расмий суратда жаҳон чемпиони деб эътироф этилмаган.

Жаҳон биринчилиги тарихини халқаро шахмат алоқаларига асос солинган ва кўпгина мамлакатларнинг муносиб вакиллари ўзаро мусобақалашига киришган даврдан бошлаш тўғрироқ. Шу нуқтаи назардан олганда, биринчи халқаро турнир шахмат тарихида муҳим воқеа бўлиб қолган. 1851 йил Лондонда ўтказилган бу турнир жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари шахмат ўйини тараққиётига ижобий таъсир кўрсатган. Мусобақалар сони йил сайин ортиб, шахматга

доир журналлар ва клублар ташкил этила бошланди. Мақсад сари дадил ҳаракат қилган истеъдодли шахматчиларгина Олимпияда қатнашган.

Созандаю хонанда чалган куй ёки айтган ашула янграмаса бирор тўхтамга келиб бўлмаганидек, шахматчи маҳоратидан ҳам бирор намунани кўрмагунча кўнгил жойига тушмайди. Шахмат доналарини бизда “тош” деб атайдилар. Модомики шундай экан, шу митти тошларнинг 64 катакли кичкинагина майдон – шахмат тахтасида турли-туман тарзда жойлашувидан вужудга келувчи, аммо асло барбод бўлмайдиган “бино”нинг ўзига хос санъат намунасини мен мангулик дostonлари деб атагим келади. Чунки улар қоғозу дилларда абадий муҳрланиб қолади.

Шоир шундай дейди:

Шахмат абадийдир, шеър ҳам абадий,  
Юриш тугамасу сўз бўлмас тамом.  
Шахмат тахтасида, шеър майдонида,  
Ғоялар кураши этади давом<sup>6</sup>.

**Эркин Воҳидов**

### **Биринчи халқаро шахмат турнири**

Жаҳон биринчилиги тарихи халқаро шахмат алоқаларига асос солинган ва кўп мамлакатларнинг вакиллари мусобақаларда қатнашган даврдан бошланади. Шу нуқтаи назардан биринчи халқаро турнир шахмат тарихида муҳим воқеа бўлиб қолган.

1851 йил 8 февралда Лондонлик Говард Стаунтон имзоси билан 32 шахматчига таклифнома юборилди. Бу турнирда тўрт мамлакатдан 16 шахматчи қатнашди. Турнир ҳозиргидан бутунлай бошқача, мураккаб ва чалкаш тизим

<sup>6</sup> Муҳиддинов М. “Катакларда яширинган олам”, Тошкент., “Ўзбекистон”, 1976 йил.

бўйича ўтказилган. Натижада, 1-ўринни Германия вакили Адольф Андерсен эгаллаган, 2–3–4-ўринларни эса Англия вакиллари – Уэйвил, Виллиамс ва Стаунтонлар бўлиб олган.

Биринчи халқаро турнир жаҳоннинг бошқа мамлакатларида шахмат тараққиётига зўр ижобий таъсир кўрсатди. Мусобақаларнинг сони йил сайин ортди, шахмат клублари ташкил этилди. 1857 йил октябрида Нью-Йоркда Америка шахмат Конгресси бўлиб ўтди. Конгресс билан бир вақтда АҚШнинг биринчи чемпионати ўтказилди. Унда Америка ва европалик 14 та энг кучли шахматчилар, жумладан Л.Паульсен, Т.Ликстенгейн қатнашди. Бу турнир шахмат тарихида алоҳида ўрин тутган. Шахмат тарихида ўзига хос из қолдирган Пол Морфининг шу мусобақадан кейин шуҳрати янада ошди.

Пол Морфи 1837 йил 22 июнда АҚШнинг Нью-Орлеан шаҳрида туғилган. У 1850 йилга келиб номдор шахматчи бўлиб етишади. 1857 йил ўтказилган АҚШ чемпионатида Пол Морфи биринчи мукофотни қўлга киритади. Шундан сўнг у Европанинг энг кучли шахматчилари билан учрашиш ва ўз маҳоратини синаб кўриш ҳаракатига тушади. Шу мақсадда 1858 йил июнь ойида Англияга жўнайди. Пол Морфи Европада деярли бир йилча бўлиб, таниқли шахматчиларнинг ҳаммаси билан ўйнайди ва кетма-кет ғалаба қозонади. 1858 йил декабрда Морфи Европанинг энг кучли шахматчиси Андерсен билан баҳслашади.

Бу мусобақа расмий бўлмаса ҳам, аслида жаҳон биринчилиги учун ўтказилган ўйин эди. Бу матчда 11 партия ўйналди. Шундан 7 тасини Морфи ютган, 2 партиядо ютқазган ва 2 партия дуранг билан якунланган. Ажойиб ғалабаларга эришган Пол Морфи 1859 йил июнда АҚШга қайтиб келади. Пол Морфининг иқтидорига қойил қолган ишқибозлар зўр олқишлар билан кутиб, Нью-Йорк университети катта залида доналари олтин ва кумушдан бўлган, бадий безаб ясалган шахмат тахтаси ҳамда шахмат доналари ёпиштирилган олтин соат совға қилишади.

Морфи Нью-Орлеанга қайтгач, юридик фанлар билан шуғулланди. Мамлакатнинг шимолий ва жанубий қисмлари ўртасида фуқаролар уруши бошланиб кетганлиги сабабли Морфи 1862 йил Гаванага (Куба), сўнг Францияга кетади ва 1864 йил ватанига қайтиб келади. Пол Морфи 60-йилларнинг бошларида мусобақаларга қатнашмай қўяди ва 1869 йил шахмат ўйнашдан бутунлай воз кечади. Пол Морфи шахматдан кетгач, 1862 йил Лондонда бўлиб ўтган жаҳон шахмат жамоатчилигининг иккинчи халқаро турнирида Андерсен ғолиб бўлган.

Шахмат ўйнамай қўйган Пол Морфи руҳий касалликка чалинади ва 1884 йил вафот этади. Унинг шахматдаги ютуқлари тарихдан муносиб ўрин олди.

1866 йилда Андерсен ўтган аср охирининг ажойиб шахматчиси Вильгельм Стейниц билан баҳслашади. Бу беллашув расмий бўлмаса ҳам аслида жаҳон биринчилиги даражасидаги ўйин эди. Учрашув 8:6 ҳисоби билан ёш Стейниц фойдасига ҳал бўлади.

Ўтказилган 14 партиянинг бирортасида ҳам дуранг қайд этилмаганлиги баҳслар нақадар кескин ва муросасиз кечганлигидан дарак беради.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган унвонни расман биринчи бўлиб Вильгельм Стейниц (1886 йил) олган. Лекин унга қадар ҳам Европада тан олинган моҳир шахматчилар бўлган.

Улар қуйидаги жадвалда келтирилган.

## XIX асргача яшаб ўтган таниқли шахматчилар

<b>Чемпионлик йиллари</b>	<b>Чемпион</b>	<b>Яшаган йили</b>	<b>Мамлакати</b>
1495	Луис Рамирес де Лусена	1465 – 1530 йиллар атрофида	Испания
1560 – 1575	Руи Лопес де Сегура	1540 – 1580 йиллар атрофида	Испания
1575 – 1587	Жованни Леонардо да Кутри	1542 – 1587	Неаплитан қироллиги
1619 – 1634	Жоакино Греко	1600 – 1634	Неаплитан қироллиги
1747 – 1795	Франсуа Филидор	1726 – 1795	Франция
1820 – 1840	Луи Шарль Марэ де Лябурдонне	1785 – 1840	Франция
1843 – 1851	Говард Стаунтон	1810 – 1874	Англия
1851 – 1858 1862 – 1866	Адольф Андерсен	1818 – 1879	Пруссия
1858 – 1862	Пол Чарлз Морфи	1837 – 1884	АҚШ
1866 – 1886	Вильгельм Стейниц	1836 – 1900	Австро-Венгрия

Биринчи йирик халқаро турнир 1851 йил Лондонда ўтказилган. Ушбу чемпионатда дунёнинг энг номдор шахматчилари иштирок этган. Турнирда Адольф Андерсен ғалаба қозонган. Шу сабаб тарихда жаҳон чемпиони ҳақида сўз борганда Адольф Андерсен тилга олинади.

## Жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган матчлар

<b>Т/р</b>	<b>Учрашганлар</b>	<b>Йиллар</b>
<b>1</b>	В. Стейниц – И. Цукерторт	1886
<b>2</b>	В. Стейниц – Эм. Ласкер	1896 – 1897
<b>3</b>	Эм. Ласкер – Х.Р. Капабланка	1921
<b>4</b>	Х.Р. Капабланка – А. Алёхин	1927
<b>5</b>	А. Алёхин – М. Эйве	1935
<b>6</b>	М. Эйве – А. Алёхин	1937
<b>7</b>	М. Ботвинник – В. Смыслов	1957
<b>8</b>	В. Смыслов – М. Ботвинник	1958
<b>9</b>	М. Ботвинник – М. Таль	1960
<b>10</b>	М. Таль – М. Ботвинник	1961
<b>11</b>	М. Ботвинник – Т. Петросян	1963
<b>12</b>	М. Ботвинник – М. Таль	1960
<b>13</b>	Т. Петросян – Б. Спасский	1966
<b>14</b>	Т. Петросян – Б. Спасский	1969
<b>15</b>	Б. Спасский – Р. Фишер	1972
<b>16</b>	Анатолий Карпов	1975
<b>17</b>	А. Карпов – Г. Каспаров	1985
<b>18</b>	Александр Халифман	1999
<b>19</b>	В. Крамник – В. Топалов	2006
<b>20</b>	Вишванатан Ананд	2002, 2007 – 2013
<b>21</b>	Руслан Пономарёв	2002
<b>22</b>	Рустам Қосимжонов	2004
<b>23</b>	В. Топалов – В. Крамник	2005
<b>24</b>	М. Карлсен – В. Ананд	2013

## Шахмат бўйича расмий жаҳон чемпионлари



### Вольф (Вильгельм) Стейниц (1836 - 1900)

В. Стейниц 1836 йил 14 майда Чехословакиянинг Прага шаҳрида туғилган. Шахматга 12 ёшидан қизиқа бошлаган. Жаҳон биринчилиги учун биринчи расмий учрашув 1886 йилда АҚШда ўтказилади.

Бунда Стейниц Андерсеннинг талантли шогирди И. Цукерторт (1846–1888) билан учрашади. Бу ўйинда ҳам ғалаба қозонган В. Стейниц **I расмий жаҳон чемпиони** бўлган. Унинг чемпионлик даври – 8 йил (1886–1894).

Моҳир шахмат ўйинчиси Вильгельм Стейниц шахмат стратегияси ва тактикасига доир талай интизомий қоидаларни яратди ва уни “янги мактаб” деб атади. Стейниц шахмат тарихида биринчи бўлиб маълум вазиятда вужудга келадиган заиф ва кучли пунктлар ҳақидаги таълимотни ҳам яратди.

Вильгельм Стейниц кўп йил жаҳон чемпионлигини ўз қўлида сақлаб турди. “Стейниц шахмат назарияси билан ҳам жиддий шуғулланган. Унинг икки томлик “Замонавий шахмат мактаби” (1889–1895) китоби жуда ҳам машҳур”<sup>7</sup>.


1894 йил Вильгельм Стейниц ёш Эмануэль Ласкер (1868–1941)дан енгилди. Кўплар Ласкер ғалабасини аввал тасодифий ҳол деб тушунди. Бир-икки йил орасида Ласкернинг чиндан ҳам моҳир шахматчи эканлиги маълум бўлди. У бир неча халқаро учрашувларда ғалаба қозонди. 1896 йил эса Стейницни реванш матчида осонгина енгди.

Вильгельм Стейниц қариган чоғида қаровсиз қолади, камбағаллик туфайли касалга чалинади ва 1900 йил 12 августда вафот этади.

---

<sup>7</sup> Примқулов М. “Шахмат олами”, Тошкент, “Ўзбекистон”, 2016 йил.





Эркалар ўртасида I расмий жаҳон чемпиони Вильгельм Стейниц ҳисобланади. Уни ҳозирги кунда “шахматчилар отаси” деб аташади



Дастлабки жаҳон чемпионатларида ўйналган шахмат соатлари



Стейниц шахматчилар даврасида



Нью-Йорк.  
“Evergreens” қабристони



## Эмануэль Ласкер (1868–1941)

Э. Ласкер 1868 йил 24 декабрда Польшанинг Барлинёк шаҳрида туғилган. 1894 йил Вильгельм Стейниц билан кечган баҳсда ғалаба қозонган. **II жаҳон чемпиони** мақомини олган Эмануэль Ласкер дунёнинг машҳур шахматчилари орасида алоҳида ўрни бор. Чунки у чемпионлик унвонини узлуксиз 27 йил (1894–1921 йиллар) сақлаб туролган ҳамда жаҳон рекордини ўрнатган.

Бошқа жаҳон чемпионлари сингари Ласкер фаолияти ҳам бениҳоя кўпқирралидир. 1921 йилгача жаҳон чемпиони бўлиб турган Эмануэль Ласкер В.Стейниц назариясини такомиллаштириб, ундаги айрим қоидаларни ўзгартирган. Ласкер мусобақаларда жуда кўп ғалабаларга эришган.

У шахмат оламида юксакликка кўтарилгач, бу соҳани вақтинча тарк этиб фан оламига шўнғиган. Кўп ўтмай у, фалсафа ва математика фанлари доктори унвонини олган. Аслида, Ласкерни жаҳонга танитган ва чинакам шуҳрат келтирган, аввало – шахмат бўлади. Ласкернинг шахматга санъат сифатида қараши ўқитиш методикасида ҳам акс этган. “Шахмат ўйинини ўргатиш – мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришдан иборат бўлиши керак” – деб ёзганди Ласкер<sup>8</sup>.

Ҳатто, у жаҳон чемпионлигини Хосе–Рауль Капабланкага бериб қўйганидан (1921 йил) кейин ҳам бир неча йил халқаро мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб турди.

Ласкернинг шахмат адиби сифатида ҳам хизмати катта. У кўп тилларга таржима қилинган ва анча шуҳрат қозонган “Шахматдаги идрок” ҳамда “Шахмат ўйини дарслиги” китоблари муаллифидир. Эмануэль Ласкер 1941 йилнинг 13 январида Нью-Йоркда вафот этади.

<sup>8</sup> Муҳиддинов М. “Ўн тўққиз чемпион”, Тошкент., “Юлдузча”, 1988 йил.



II жаҳон чемпиони Эмануэль Ласкер дунё рекордини ўрнатган. У узлуксиз 27 йил чемпионлик тожини ҳеч кимга бермай келган



Унинг хотирасига Германия давлатида тайёрланган эсдалик медали



Эмануэль Ласкерни ҳамон илиқ хотиралар билан эшлади



## Хосе Рауль Капабланка (1888 – 1942)

Х. Р. Капабланка 1888 йил 19 ноябрда Кубанинг Гавана шаҳрида туғилган. У 4 ёшида шахмат ўйини қоидаларини ўрганган эди. 13 ёшида Корцони матчда ютиб, Куба чемпиони бўлган. 1921 йил Эмануэль Ласкерни енгиб, **III жаҳон чемпиони** бўлган. Чемпионлик даври – 6 йил (1921–1927).

“Шахмат тарихида истеъдоди жиҳатидан буюк Капабланкага тенглашадиган шахматчи йўқ ва бўлмаган ҳам” – деган эди Алёхин<sup>9</sup>. Бу эътироф кубалик шахматчининг муваффақиятлари сабабини аниқ ифодалайди.

Капабланка 1906 йил Колумб Университетига ўқишга киради. 1908–1909 йиллар АҚШ шаҳарлари бўйлаб саёҳатига чиққан пайтида 130 партия шахмат ўйнаб атиги 2 тасида ютқасади, 2 партияни дуранг билан якунлайди. Бу натижа унинг қай даражадаги шахматчи эканлигини исботлайди.

У кичик устунликлардан фойдаланиш техникасини яхши ўзлаштирган. Кўплар уни “шахмат машинаси” деб аташган, исмига “буюк”, “енгилмас” сўзларини кўшиб қўйишарди. Капабланка ҳаддан зиёд ўзига бино қўяди ва шахматда ҳеч қандай янгилик қолмади, ҳамма нарса аниқланиб бўлди, деган хулосага келади. Бу фикри хато бўлиб чиқади. 1927 йил охирларида Буэнос–Айресда ўтказилган матчда Александр Алёхинга ютқазиб қўяди. Капабланка – “Менинг шахмат фаолиятим”, “Шахмат ўйини асослари”, “Шахмат ўйини дарслиги” ва “Пиёдали эндшпиллар” номли китоблар муаллифидир.

Хосе Рауль Капабланка 1942 йил 8 мартда Нью–Йоркда вафот этади.

<sup>9</sup> Муҳиддинов М. “Ўн тўққиз чемпион”, Тошкент., “Юлдузча”, 1988 йил.



Эркаklar ўртасида III жаҳон чемпиони  
**Х. Р. Капабланканинг** 1914 йил Петербург турнирида  
**Александр Алёхин** билан бўлган учрашуви



Куба давлати **Капабланка**  
шарафига шундай медаллар чиқарган



Капабланка Гавана қабристонида дафн этилган.  
У шахмат қироли эди



## Александр Алёхин (1892–1946)

А. Алёхин 1892 йил 19 октябрда Москвада туғилган. 7 ёшидан бошлаб шахмат ўйнай бошлаган. Русшахматмактабинингасосчиси Михаил Иванович Чигориннинг ишини давом эттирган гениал рус шахматчиси Александр Александрович Алёхин 1927 йил Хосе Рауль Капабланка билан кечган матчда галаба қозониб, **IV жаҳон чемпиони** бўлган.

Унинг чемпионлик даври – 17 йил (1927–1935, 1937–1946).

А. Алёхин шахмат ўйинини янада такомиллаштириш учун чексиз имкониятлар борлиги ва ҳали жуда кўп нарсалар номаълум эканлигини айтган. Ажойиб комбинацияларнинг устаси Алёхин ўйин стратегияси ва тактик назариясини бойитишга катта ҳисса қўшган.

**Александр Алёхин жаҳон чемпионлигини умрбод сақлаб қолган ягона шахматчи ҳисобланади.** Чунки вафот этгунча ҳеч кимга ютқазмаган.

1932 йил Алёхин немис офицерлари билан 32 тахтага қарамай сеанс ўтказиб, ғойибона ўйинда рекорд ўрнатади. 30 партиядо ғолиб бўлиб, 2 партиядо дурангга эришади.

1935 йил А. Алёхин жаҳон чемпионлигини голландиялик гроссмейстер Макс Эйвега бериб қўяди. Кутилмаган бу ҳолга Алёхин соғлигида муаммо борлиги ҳамда яхши тайёргарлик кўрмаганлиги сабаб бўлди. М. Эйве икки йилгина жаҳон чемпиони бўлиб турди. 1937 йил бўлиб ўтган реванш матчида (такрорий матчда) М. Эйвени енгган А. Алёхин фахрий унвонини қайтариб олади. Вафот этгунига қадар бошқа ютқазмаган.

Александр Алёхин 1946 йил 24 мартда Португалия пойтахти Лиссабон яқинидаги Эшторил шаҳрида вафот этади. 1956 йил Париждаги “Монпарнас” қабристонига қайта дафн этилган. Унинг қабртошида “Россия ва Франциянинг машҳур шахматчиси” ёзуви битилган.

Я не играю в шахматы — в шахматах я борюсь.

Александр Алехин



IV жаҳон чемпиони Александр Алёхинни “ўлмас чемпион” номи билан аташади. Чунки у вафот этгунига қадар ҳеч кимга ютқазмаган



## XX аср бошларида ўтказилган жаҳон чемпионатлари



### Махгилис (Макс) Эйве (1901–1981)

Макс Эйве 1901 йил 20 майда Нидерландиянинг Амстердам шаҳрида зиёли оилада туғилган. У 4 ёшида шахмат билан танишган ва 10 ёшидан мусобақаларда қатнаша бошлаган. 12 ёшида ўзи яшаётган шаҳардаги шахмат клубига қабул қилинган.

14 ёшидан бошлаб Нидерландия Шахмат Федерацияси ўтказадиган расмий мусобақаларда иштирок эта бошлаган. 1918 йил мактабни тугатгач, Амстердам Университетининг математика факультетига ўқишга киради. 1935 йил А.Алёхинни енгиб, **V жаҳон чемпиони** бўлади. Унинг чемпионлик даври – 2 йил (1935–1937).

Эйве кўплаб мусобақаларда қатнашган. Жумладан, 90 та турнир ва 30 та матчда иштирок этган. XX асрнинг барча кучли шахматчилари унга рақиб бўлган. Шунга қарамай 1940 йилнинг охирларигача дунёнинг моҳир шахматчиларидан бири ҳисобланган. Макс Эйвенинг ўйини мантиқлилиги ва вариантлари аниқлиги билан бошқалардан фарқ қиларди.

Лекин Макс Эйве ҳеч қачон профессионал шахматчи бўлмаган. Аввал лицейда математикадан дарс берган, кейин университет профессори бўлган. Албатта, шахмат кўп вақтни оларди. У фақат турнирларда ўйнамай, китоб ва мақолалар ёзарди, газеталардаги бир қанча бўлим мақолалари унинг таҳрири остида чиқарди.

1970 йилдан 1978 йилгача Бутунжаҳон шахмат федерацияси ФИДЕнинг президенти бўлган Макс Эйве жамоат арбоби сифатида ҳам шахмат ривожига муҳим роль ўйнаган.

Макс Эйве 1981 йил 26 ноябрда 80 ёшида Амстердамда вафот этган.





Амстердам кўчаларидан бири  
Макс Эйве номи билан аталади.



Ишқибозлар кўчада  
шахмат ўйнашмоқда



1970–1978 йилларда нидерландиялик Макс Эйве ФИДЕ президентлигига сайланган. Нидерландия (Голландия)да унинг шарафига шахмат музейи ташкил этилган



## Михаил Ботвинник (1911– 1995)

Михаил Моисеевич Ботвинник 1911 йил 4 августда Ленинграднинг Куоккалақишлоғида туғилган. Шахмат билан анча кеч – 12 ёшида танишади. Бу ёшда кўп тенгқурлари шахмат бўйича катта муваффақиятларга эришиб бўлган эди. Лекин Ботвинник феълда мустақкам ва кучли ирода, мақсад сари дадил интилиш мавжуд эди.

1946 йил жаҳон чемпиони А.Алёхин тўсатдан вафот этади. Бўшаб қолган шахмат тахти атрофида кураш бошланади. Бу тахтни эгаллашга хоҳловчи кўп эди. 1947 йил ФИДЕ конгресси янги жаҳон чемпионини аниқлаш мақсадида энг кучли 6 гроссмейстер (М.Ботвинник, М.Эйве, П.Керес, В.Смыслов, С.Решевский ва Р.Файн) ўртасида матч-турнир ўтказишга қарор қилади. 1948 йил апрель ва май ойларида бўлиб ўтган мусобақа Ботвинникнинг ажойиб ғалабаси билан тугаган ва **VI жаҳон чемпиони** бўлган. Унинг чемпион бўлган йиллари – (1948–1957, 1958–1960, 1961–1963).

Ботвинникнинг 15 йиллик “подшолик даври” шундай бошланганди. Тўғри, шу даврда у 2 марта: 1957 йил Василий Смысловга ва 1960 йил Михаил Тальга шахмат тожини фақат бир йилга беришга мажбур бўлган. Такрорий баҳсларда тожни яна қайтиб олган.

1963 йил Тигран Петросянга ютқазган Ботвинник бошқа жаҳон биринчиликларида қатнашишдан воз кечади. Бу даражадаги кескин қарорга келишига ўзининг ўйин савияси пасайганлиги эмас, балки жаҳон биринчилигини ўтказиш регламентига рози бўлмаган.

У техника фанлари доктори, профессор эди. Шахмат ҳақидаги бир неча китоблари чоп этилган.

Михаил Ботвинник 1995 йил 5 майда 84 ёшида вафот этган.



VI жаҳон чемпиони **Михаил Ботвинник** шахмат тожини 3 марта қайтариб олган ва 15 йил давомида жаҳонда тенгсиз шахматчи бўлган. Собиқ Иттифоқнинг шахмат мактаби асосчиси ҳисобланади. Россиялик жуда кўп гроссмейстерлар ва жаҳон чемпионлари шу мактабда камол топишган





## Василий Смыслов (1921–2010)

Василий Смыслов 1921 йил 24 мартда Москвада туғилган. 6 ёшидан бошлаб шахмат билан шуғулланган. Шахмат тожи учун курашда Ботвинник билан уч марта беллашган. 1957 йили ғалаба қозониб, **VII жаҳон чемпиони** бўлган. У бор йўғи бир йил (1957–1958 йиллар) чемпион бўлган.

Ҳар бир шахматчи фаолиятида эсда қоладиган даврлар бўлади. 1938 йил Смыслов Бутуниттифоқ ўсмирлар биринчилигида ғалаба қозонди, Москва чемпионатида 1–2-ўринни олиб, биринчи уринишдаёқ спорт устаси талабини бажарди. 17 ёшли шахматчининг қўллаган тактикаси энг чигал вазиятларда ҳам математик аниқ ҳисоб-китоб юритиши ҳаммани лол қолдирган.

Смысловни Ботвинникдан кейин “жаҳоннинг иккинчи шахматчиси” деб аташди. 1948 йил “жаҳон тожи учун” бўлган биринчи уриниш муваффақият келтирмади. 1954 йил иккинчи уринишда ҳам Ботвинникнинг қўли баланд келди. Ва ниҳоят 9 йиллик тайёргарлик ва тажриба ўз сўзини айтди. 1957 йилги учинчи уринишида Ботвинникни енгган.

Смысловдан: шахматда кўпроқ нимани қадрлайсиз, – деб сўрашганда, “шахматни бир қолипга солиб бўлмайди, менинг учун шахмат ўйиндан кўра кўпроқ санъатдир. Фантазия ва ижодсиз чинакам санъат бўлмаслиги маълум”, – деб жавоб берган.

Василий Смыслов 63 ёшида ҳам тож талабгорлари сафидан жой олади ва финалга чиқади. Яқунловчи беллашувда Гарри Каспаровдан енгилган бўлсада, кўпчилик унинг юксак маҳоратию йигитларга хос ғайратига қойил қолади.

Василий Смыслов 2010 йил 27 мартда 89 ёшида Москвада вафот этган.



Эркаклар ўртасида VII жаҳон чемпиони Василий Смыслов бир қанча халқаро турнирлар ғолиби ва совриндори эди



Василий Смыслов хотираси мангу





## Михаил Таль (1936–1992)

Михаил Нехемьевич Таль 1936 йил 9 ноябрда Латвиянинг Рига шаҳрида туғилган. 10 ёшида шахмат ўйнашни ўрганган. У олти марта Европа чемпиони, 1960–1970 йиллар “Шахмат” журнаlining бош муҳаррири вазифасида ишлаган. Михаил Таль 1960 йил Михаил Ботвинникни енгиб, 23 ёшида **VIII жаҳон чемпиони** бўлган. Михаил Таль ҳам бор йўғи 1 йил (1960–1961) чемпионлик унвонини сақлай олган.

Ҳар бир шахматчининг маҳорат йўли бор. Тални бирданига мактабнинг 3 синфига қабул қилишган, 15 ёшидаёқ Латвия университети талабаси бўлган. 7 ёшида шахмат ўйнашни ўрганган, 11 ёшида шахмат тўғарагига аъзо ва 18 ёшида эса спорт устаси бўлган.

“Таль шахмат бўронларини кўзгай олади ва шундай шароитда тўғри йўлларни далиллик билан топа билади”, деб ёзганди гроссмейстер А.Котов. Михаил Таль ўткир психолог бўлган, рақибларининг нозик томонларини пухта ўрганган.

Дунё шахматчилари орасида фарзинни энг кўп қурбон қилган гроссмейстер ҳам Михаил Талдир. Унинг “Фарзин қурбони” номли китоби бор. Шу сабабли шахмат ишқибозлари уни “Комбинациянинг даҳоси” деб атаганлар.

Михаил Тални ёрқин таланти учунгина эмас, балки камтарлиги, хайрихоҳлиги, дилкашлиги, касал бўла туриб, “жанг майдони”ни тарк этмай кўрсатган фидокорлиги учун ҳам севишган. Шахматга нисбатан чексиз садоқати ва муҳаббати учун ҳам Таль шахмат оламида ҳаммадан кўра кўпроқ мухлисга эга.

Михаил Таль 1992 йил 27 июнда 56 ёшида вафот этган.



Михаиль Таль 23 ёшида VIII жаҳон чемпиони бўлган. Унинг номини абадийлаштириш мақсадида Рига шаҳрида музей ташкил қилинган





## Тигран Петросян (1929–1984)

Тигран Вартанович Петросян 1929 йил 17 июнда Грузиянинг Тбилиси шаҳрида туғилган. Шахмат билан анча кеч – 13 ёшдан шуғуллана бошлаган. 1963 йили Михаил Ботвинникни енгиб, **IX жаҳон чемпиони** бўлган. Унинг чемпионлик даври – 6 йил (1963–1969). Петросян ўзининг ҳимояланиш санъати билан жаҳонга “Темир Тигран” бўлиб танилган. Жаҳон шахмат тожи учун талабгорларнинг навбатдаги турнири 1962 йил узоқ Кюрасао оролида ўтказилиб, унда 8 та номдор гроссмейстер иштирок этган. Булар: М. Таль, Т. Петросян, П. Керес, Е. Геллер, В. Корчной, Р. Фишер, П. Бенко ва М. Филип эди. ФИДЕ тасдиқлаган шартларга кўра, қатнашчилар ўзаро 4 мартадан учрашиб, энг кўп очко тўплагани жаҳон чемпиони М.Ботвинник билан беллашарди. Бу Тигран Петросян бўлди. У бирор марта ҳам мағлуб бўлмади.

1963 йил баҳорида М.Ботвинник – Т. Петросян матчи ўйналди ва 12,5:9,5 ҳисобида Петросян ғолиб бўлди. Шахматчилар “шер”и – Ботвинник шахмат “йўлбарс”и Тигранга таслим бўлди.

Жаҳон чемпиони Макс Эйве: “Агар Петросян салгина кескинроқ ўйнаса борми, у билан баҳслашиш мумкин бўлмай қолади” – деган эди. Т. Петросян ўзининг “темир” ҳимояси билан машхур эди. У чидами, сабр-бардоши туфайли кескин вазиятлардан чиқиб кета олган.

Петросян шахмат тахтини 6 йил ҳеч кимга бермади. Шу даврда Спасскийнинг ҳужумини қайтарди ва йирик турнирларда ажойиб ғалабаларга эришди.

Петросян оғир касалликдан сўнг, 1984 йил 13 август куни 55 ёшида Москвада вафот этди. Унинг номи абадийлаштирилди. Чунончи, Еревандаги шахматчилар уйи ва бу ерда ўтадиган анъанавий халқаро турнирлар Петросян номи билан аталади.





IX жаҳон чемпиони Тигран Петросян хотирасини абадийлаштириш мақсадида унинг бир неча ҳайкали Ереван шаҳрида ўрнатилган. Бундан ташқари Арманистон пул бирлигида расми акс эттирилган



Тигран Петросян хотирасига халқаро турнирлар ўтказилади





## Борис Спасский (1937 –йилда туғилган)

Борис Васильевич Спасский 1937 йил 30 январда Ленинградда туғилган. Шахмат билан 5 ёшидан шуғулланишни бошлаган. 1969 йили Т. Петросянни енгиб, **Х жаҳон чемпиони** бўлди. Унинг чемпионлик даври – 3 йил (1969–1972).

“Энг ёш”. Бу сўз унинг фамилиясида кўп марта тилга олинган эди. 9 ёшида мамлакатдаги биринчи тоифали энг ёш шахматчи, 11 ёшида энг ёш спорт усталигига номзод ҳамда 16 ёшида жаҳон тожиги талабгорлар учрашуви иштирокчиларидан бири эди.

Жаҳон чемпионлигига даъвогарлик қилган моҳир шахматчиларнинг ҳеч бири Борис Спасскийдек кўп тўсиқларга дуч келмаган. 1956 йил, яъни 19 ёшида даъвогарлар турнирида 3–7-ўрин учун кечган баҳсда Борисга жаҳон чемпиони билан яккама-якка беллашиш насиб қилмади.

1963 йил Спасскийга ишни қайта бошлашга тўғри келди. У бир амаллаб ярим финалдан финалга чиқди. Финалда 1–3-ўринни эгаллаб, зона турнирида қатнашиш ҳуқуқига эришди. Бу мусобақада 1–4-ўринни бўлишдилар. Бу галги даъвогарлар турнири матч тизимида ўтказилди.

Чорак финалда П.Кересни, ярим финалда Е.Геллерни ва ниҳоят финалда М.Тальни енгиб, жаҳон чемпиони билан рўпара бўлишга муяссар бўлди. 23 партиядан сўнг 12,5:10,5 ҳисобида ғолиблик қилиб, охири ниятига етди – жаҳоннинг 10-чемпиони бўлди. Спасский кўп қиррали ўйинчи, шу билан бирга тактикавий чигалликлар ҳамда позициявий курашни бир хил идрок эта олган. Барча миттельшпил ва эндшпилларнинг нозик томонларини яхши билган. Унинг ютуғи ҳам ана шунда.



Эркаклар ўртасида X жаҳон чемпиони Борис Спасский 83 ёшда бўлишига қарамай ҳали ҳам мусобақаларда қатнашади



Исландиянинг Рейкьявик шаҳрида шахмат бўйича жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган “Спасский–Фишер” матчи шарафига 1972 йил ясалган эсдалик медали



Памятная медаль в честь матча “СПАССКИЙ - ФИШЕР” за звание чемпиона мира по шахматам в Рейкьявике (Исландия)

## XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон шахмат тожи учун ўтказилган баҳслар



### Роберт Фишер (1943–2008)

Роберт Джеймс Фишер 1943 йил 9 мартда Американинг Чикаго шаҳрида туғилган. 6 ёшидан шахмат билан шуғуллана бошлаган. 13 ёшида АҚШ чемпиони, 14 ёшида халқаро спорт устаси, катталар ўртасида бир неча бор АҚШ чемпиони, 15 ёшида энг ёш халқаро гроссмейстер ва 1957–1967 йиллар АҚШнинг 8 карра чемпиони бўлган. 1972 йил Исландияда ўтказилган матчда Борис Спасскийни енгиб, **жаҳоннинг XI чемпиони** бўлган. Унинг чемпионлик даври – 3 йил (1972–1975).

“Шахматни математикасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо шахматни фақат математикага менгаб ҳам бўлмайди” деганди Фишер. Унинг ҳаётида шахмат энг муҳим нарсалардан бири бўлиб қолди. Туну кун шахматга доир журнал ва китобларни варақларди. Шахмат бўйича беқиёс иқтидорга эга бўлган Фишер жаҳон биринчилиги ғолиби бўлишга асосий даъвогарлардан бири бўлган.

Фишер учун шахмат тахтасидан бошқа дунё йўқ, бошқа ҳеч нарса қизиқтирмасди. У қандай бўлмасин жаҳон чемпионлигини қўлга киритиш учун ҳаракат қиларди.

Фишер – фавқулудда мураккаб шахс бўлиб, шахматда энг юксак чўққиларга эришди. Тактикавий ва техникавий усулларни мукамал эгаллаган Фишер позициявий ўйиннинг антиқа устаси эди.

Роберт Фишер 2008 йил 17 январда 65 ёшида Исландияда вафот этган



Эркаклар ўртасида XI жаҳон чемпиони Роберт Фишер  
“антиқа” гроссмейстер эди. У мусобақаларда жуда кўп  
эътироз билдирарди



У Рейкьявик шаҳридаги  
Селфосс қабристониди  
дафн қилинган



“Фишер бутун дунёга қарши”  
номли бадий фильм  
ишланган



## Анатолий Карпов (1951 – йилда туғилган)

Анатолий Евгеньевич Карпов 1951 йил 23-майда Ленинграднинг Златоуст қишлоғи- да туғилган. 4 ёшидан бошлаб шахмат билан шуғуллана бошлаган. 9 ёшида биринчи тоифали шахматчи ва 15 ёшида спорт устаси талабини бажарган. 1975 йил жаҳон чемпионлиги учун ўтказиладиган матчда Роберт Фишер билан ўйнаши керак эди. Фишер матчга келмаганлиги сабабли Карпов **XII жаҳон чемпиони** деб эълон қилинди. Унинг чемпионлик даври – 10 йил (1975–1985).

Навбатдаги матч 1978 йил А.Карпов билан В.Корчной ўртасида Филиппин оролларида ўтказилди. Ниҳоятда кескин ўтган матч Карповнинг ғалабаси билан яқунланган ва у унвонини сақлаб қолган. 1981 йили жаҳоннинг 3 карра чемпиони бўлган.

Карпов 18 ёшида ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони, 19 ёшида халқаро гроссмейстер бўлди. Бир қанча халқаро турнирлар ғолиби сифатида унга 9 марта “Шахмат Оскари” мукофоти берилган.

“Менинг учун шахмат санъат эмас, балки аввало спорт, ижодий ҳамда психологик курашдир”<sup>10</sup> дея шахматга таъриф берган.

Анатолий Карпов узоқ йил “Шахматное обозрение-64” журналида бош муҳаррир бўлган.

Карпов “Тўққизинчи вертикаль” китобида “Шахмат – менинг ҳаётим, лекин менинг ҳаётим – шахматгина эмас...” деб ёзган.

У 1978 йил “Меҳнат қизил байроқ”, 1981 йил “Ленин” орденлари билан тақдирланган.

---

<sup>10</sup> Муҳиддинов М. “Ўн тўққиз чемпион”, Тошкент, “Юлдузча”, 1988 йил.



Анатолий Карпов 24 ёшида XII жаҳон чемпиони бўлган,  
“Шахмат Оскари” ва бир нечта давлат мукофотларига лойиқ  
кўрилган



Анатолий Карпов 2011 йил Россия Федерацияси Президенти  
Дмитрий Медведев томонидан “Дўстлик” ордени билан  
тақдирланади





## Гарри Каспаров (1963 – йилда туғилган)

Гарри Кимович Каспаров 1963 йил 13 апрелда Озарбайжоннинг Боку шаҳрида туғилган. 6 ёшидан шахмат билан шуғуллана бошлаган. 9 ёшида биринчи тоифали шахматчи, ёшида спорт усталигига номзодлик талабини бажарган. Унинг А.Карпов билан чемпионлик учун бўлган “жанги” шахмат тарихида энг узоқ давом этган тур ҳисобланади (1984 йил сентябрдан 1985 йил февралгача).

Анатолий Карпов узоқ вақт ўзига муносиб рақиб ахтарди, уни кутди. Ҳа, моҳир спортчи учун муносиб рақиб билан куч синашишдан ортиқ бахт йўқ. Ниҳоят у топилди. 1984 йил куз ойида бошланган матч 13–11 ҳисобида Г. Каспаров фойдасига ҳал бўлди.

Гарри Каспаров 22 ёшида **жаҳоннинг XIII чемпиони** деб эълон қилинди. Унинг чемпионлик даври – 15 йил (1985–2000). Шахмат тарихида ҳали ҳеч ким бу ёшда жаҳон чемпиони бўлмаганди.

Энг яхши шахматчига бериладиган “Шахмат Оскари” мукофотиغا Г.Каспаров 1982 йил лойиқ деб топилди. Бир неча халқаро турнирлар ғолиби, икки карра СССР чемпиони Александр Белявскийни Гарри Каспаров 6:3 ҳисобида мағлуб этган.

Жаҳон экс чемпиони М. Таль у ҳақда шундай деган:

– Мураккаб ҳисоб-китобларни тез аниқлашда Гарри Каспаровга тенглашадиган шахматчи йўқ.

Каспаров Алёхин сингари шахматда ўзлигини намоён қила олган буюк “санъаткор”дир.

“Ҳаётдаги мақсадим – шахмат, лекин ҳаётимнинг мазмуни эмас... Бордию мен тўсатдан кимсасиз оролга тушиб қолсам, ишни ўзимга шахмат ясашдан бошлаган бўлардим”, – дейди Каспаров.





Гарри Каспаров 22 ёшида жаҳоннинг XIII чемпиони бўлган ва унга энг нуфузли мукофот “**Шахмат Оскари**” топширилган



Гарри Каспаров 1997 йил **IBM** компанияси ишлаб чиқарган “**Deep Blue**” суперкомпьютерига қарши ўйнамоқда.





## Александр Халифман (1966 – йилда туғилган)

Александр Валеревич Халифман 1966 йил 18 январда Санкт-Петербургда туғилган. 8 ёшидан шахмат билан шуғуллана бошлаган. Петербург Давлат университетининг математика ва механика факультетида таълим олган. 1982 йил 16 ёшида СССР ёшлари орасида, 1986 йил 20 ёшида Европа ёшлари орасида чемпион, 1990 йил халқаро гроссмейстер унвонига эга бўлган.

Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасини 3 карра ғолиби (1992, 2000, 2002 йиллар), Россия чемпиони (1996 йил), 2 карра (1996, 1997 йиллар) Санкт-Петербург чемпиони бўлган. Халифман XX асрнинг сўнгги чемпиони сифатида этироф этилади.

Александр Халифман шахматни деб институтдан кетган. У шахматни ҳаётдаги касби бўлиб қолишини хоҳлаганди. 1998 йил жуда қаттиқ шуғулланади. Халифман кўплаб дебют вариантларини биларди. Ҳатто, ўз стратегиясини ишлаб чиққанди.

1999 йил Лас-Вегасда ФИДЕнинг нокаут тизимида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғалаба қозониб, **XIV жаҳон чемпиони** бўлган. Бу чемпионатда Гарри Каспаров билан Вишванатан Анандлар қатнашишдан бош тортганди.

Халифман мамлакатдан кетмаслигини тушунгач ўзи туғилиб ўсган шаҳарда шахматни ривожлантириш мақсадида Питерда хусусий шахмат мактабини очди.

2010 йил “Югра” шахмат клубида мураббий, 2013 йил Озарбайжон терма жамоаси бош мураббийи бўлиб ишлади.

Шахматга доир китоблар ва 50дан ортиқ мақолалар муаллифи. Унинг машҳур асарларидан бири 13 томдан иборат “Ананд бўйича оқлар учун дебют” китобидир.



**ФИДЕ таснифи бўйича XIV жаҳон чемпиони  
Александр Халифман**



**Александр Халифман сеанс ўйинларини ўтказмоқда**



**Элистадаги шахмат мусобақалари ўтадиган бино майдони**

## XX асрнинг таниқли шахматчилари фаолиятидан

### Вишванатан Ананд (1969 – йилда туғилган)



Вишванатан (Виши) Ананд 1969 йил 11 де-кабрда Ҳиндистоннинг Мадрас шаҳрида туғилган. 6 ёшидан шахмат билан шуғуллана бошлаган. 14 ёшида Ҳиндистоннинг ёшлар ўртасида чемпиони, 15 ёшида халқаро тоифадаги спорт устаси бўлган. 16 ёшида катталар ўртасида Ҳиндистон чемпиони. 1987 йил ёшлар ўртасида Осиё чемпиони, 19 ёшида халқаро гроссмейстер бўлган.

ФИДЕ таснифи бўйича XV жаҳон чемпиони (2000–2002 йиллар). 2007 йил апрелидан 2008 йил июлгача жаҳон рейтинги пешқадами (лидери), 2007 йил **XV мутлақ жаҳон чемпиони** бўлиб, 2013 йилгача (6 йил) унвонни сақлаб турди. Унинг чемпионлик даври – 8 йил (2000–2002, 2007–2013).

1997 йилдан 2008 йилгача В. Ананд 6 марта “Шахмат Оскари” мукофотини қўлга киритган. “Менинг энг зўр шахмат партияларим” китоби Лондон Шахмат Ассоциациясининг “йил китоби” мукофотига сазовор бўлган.

Вишванатан Ананд 2008 йил жаҳон чемпионатида олган олтин медалини аукционда катта миқдордаги пулга сотиб, Ҳиндистондаги кам таъминланган оилалар болаларининг иқтисодий шароитини яхшилашга сарфлаган.

Бир қанча халқаро мусобақалар ғолиби бўлган Ананд ўз оиласига кам вақт ажратган. Бўш вақтларида тил ўрганган. Инглиз тилини билишига қарамай француз, испан, италян, немис тилларини ҳам қизиқиш билан ўрганади.



15-жаҳон чемпиони **Вишванатан Ананд** нуфузли “**Шахмат Оскари**” мукофотининг 6 марта совриндори бўлган



Эркаклар ўртасида 15-жаҳон чемпиони **Вишванатан Анандни** ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов ғалаба билан табриклайди.





## Руслан Пономарёв (1983 – йилда туғилган)

Руслан Олегович Пономарёв 1983 йил 11 октябрда Украинанинг Донецк вилояти, Горловка шаҳрида туғилган. 5 ёшидан шахмат билан шуғуллана бошлаган. 1997 йил халқаро спорт устаси ва 1998 йил дунёдаги энг ёш гроссмейстер бўлган. Шахмат бўйича Украина терма жамоасида қатнашиб, 36 ва 39-шахмат Олимпиадаси ғолиби бўлган. ФИДЕ қондаси бўйича ўтказилган дунё Кубогининг 2 карра (2005, 2009) финалчиси. 2010 йил Германиянинг Дортмунд шаҳрида ўтказилган халқаро турнир ғолиби.

Руслан Пономарёв 12 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида (1994 йил) 3-ўринни эгаллаган. 1995 йил эса шу ёш тоифасида жаҳон чемпиони бўлган. 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Европа ва Жаҳон чемпионати (1996 йил) ғолиби. Унинг рейтинги 13 ёшида – 2550 баллга етганди. 1997 йил у Фишер рекордини янгилаб, 14 ёшида гроссмейстер талабини бажарган ва ўша даврдаги жаҳон рекордини ўрнатган. 1998 йил эса дунёдаги энг ёш гроссмейстер бўлган. Ўз рейтингини 2011 йилда – 2764 баллга етказган.

Руслан Пономарев 2002 йил финалда Василий Иванчукни енгиб, **ФИДЕ таснифи бўйича XVI жаҳон чемпиони** бўлган. Чемпионлик даври – 2 йил (2002–2004). У 18 ёшида биринчи энг ёш чемпион бўлиб, Гарри Каспаров рекордини янгилади ва шахмат тарихида қолди. 26 ёшида (2009 йил) Руслан Пономарёв Ирландияда ўтказилган сеанс ўйинларида 8 та тахтага қарамай ўйнаган ва ҳаммасида ғалаба қозонган.

Руслан Пономарёвни 2002 йил Жаҳон чемпионати ҳамда 2004 йил Испанияда ўтказилган 36-шахмат Олимпиадасида эришган ютуқлари учун Украина Президенти “Князь Ярослав” ва I даражали “Буюк хизматлари учун” орденлари билан тақдирлаган.



ФИДЕ таснифи бўйича XVI жаҳон чемпиони **Руслан Пономарёвни** Украина Президенти **“Князь Ярослав”** ҳамда I даражали **“Буюк хизматлари учун”** ордени билан тақдирлаган





## Рустам Қосимжонов (1979 – йилда туғилган)

Рустам Машрукович Қосимжонов 1979 йил 5 декабрда Тошкентда туғилган. 5 ёшидан шахмат билан шуғуллана бошлаган. 1987 йилдан мураббий А.В. Грушевский раҳбарлигида шахмат сирларини мукамал эгаллашга киришди. 1990 йил ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони, 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида 1994 йил Осиё чемпиони (Қатар), 1996 йил халқаро спорт устаси, 1997 йил катталар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлган ҳамда халқаро гроссмейстер талабини бажарган. 1998 йил катталар ўртасида Осиё чемпионати ғолиби (Эрон), 1999 йил 20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори (Арманистон), 2002 йил жаҳон Кубоги (Ҳиндистон) мусоба-қасида 2-ўринни эгаллаган.

2004 йил Ливиянинг Триполи шаҳрида ўтган ФИДЕ чемпионатининг финалида 24 ёшли гроссмейстер Рустам Қосимжонов англиялик Майкл Адамсни мағлуб этиб, **ФИДЕ таснифи бўйича XVII жаҳон чемпиони** бўлган. 2015 йил рейтингини 2715 баллга етказган. Чемпионлик даври – 1 йил (2004–2005).

Ўзбек ўғлони бу ғалабаси билан муқаддас заминимизда камолга етган буюк зотларга муносиб ворис эканини исботлади. Оламшумул ғалаба ўзбек халқи юксак салоҳият, бой ақл-заковат соҳиби эканлигини кўрсатиб, жаҳон миқёсида обрўсини ва ватанимиз шон-шухратини оширди.

Рустамнинг бу ютуғи мамлакатимиз ёшларини ақлни пешлайдиган ўйинга нисбатан қизиқишларини ошириб, жаҳон ареналарида иштирок этишларига туртки бўлди.

2000 йил у “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвонига сазовор бўлди. 2004 йил “Амир Темур” ордени билан мукофотланди.





ФИДЕ таснифи бўйича XVII жаҳон чемпиони **Рустам Қосимжоновни** Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти **Ислом Каримов** 2004 йил “**Амир Темур**” ордени билан тақдирламоқда



Рустам Қосимжоновнинг халқаро мусобақаларда эришган ғалабалари





## **Веселин Топалов** **(1975 – йилда туғилган)**

Веселин Александрович Топалов 1975 йил 15 мартда Болгариянинг Русе шаҳрида туғилган. 8 ёшидан шахмат билан шуғуллана бошлаган. 12 ёшида мураббий Сильвио Данаилов билан учрашиб, шахмат билан жиддий шуғулланиш мақсадида Испанияга кўчиб боришга рози бўлади ва у ерда тажрибасини орттиради.

Пуэрто-Рикода 1989 йил ўтказилган 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ғолиби. Ўша йили халқаро спорт устаси унвонини олган. Сингапур давлатида ўтказилган (1990 йил) 16 ёшгача бўлган ўсмирлар жаҳон чемпионатида 2-ўринни эгаллайди. 1990 йил Топалов жаҳоннинг энг кучли 10 та гроссмейстери сафидан жой олган.

17 ёшида гроссмейстерлик талабини (нормасини) бажарди. Шахмат Олимпиадасида 1994 йил Гарри Каспаровни енгиб, ўз мамлакатининг биринчи рақамли шахматчисига айланди. Шундан сўнг унга халқаро турнирларда иштирок этишга таклифлар кела бошлади.

2005 йил бўлиб ўтган ФИДЕ чемпионатининг финалида Веселин Топалов ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжоновни мағлуб этиб, **ФИДЕ таснифи бўйича XVIII жаҳон чемпиони** бўлади. 2015 йил рейтингини – 2816 баллга етказди. Чемпионлик даври – 1 йил (2005–2006).

**Веселин Топалов – 4 та жаҳон чемпионини мағлуб этган ягона шахматчидир.** У халқаро турнирлар ғолиби, ўз ўйин услубига эга шахматчи. Топалов қисқа ва дуранг партияларни хуш кўрмайди, қора рангда ўйнаса ҳам фақат галаба учун курашади.



ФИДЕ таснифи бўйича XVIII жаҳон чемпиони **Веселин Топаловга** чемпионлик кубоги ва **“Шахмат Оскари”**ни топшириш жараёни





## Владимир Крамник (1975 – йилда туғилган)

Владимир Борисович Крамник 1975 йил 25 июнда Россиянинг Краснодар ўлкаси, Туапсе шаҳрида туғилган. 4 ёшидан шахмат ўйнашни ўрганган. 7 ёшида биринчи тоифали шахматчи, 10 ёшида Туапсе чемпиони бўлган. 11 ёшида оила аъзолари билан Москвага кўчиб келишади ва ёш Володя М.Ботвинник шахмат мактабига аъзо бўлади. Ўшанда Гарри Каспаров мактабда мураббий бўлган.

1988 йил 13 ёшида спорт устаси талабини бажарган. 1990 йил Россия чемпиони ҳамда хизмат кўрсатган спорт устаси, 16 ёшида (1991 йил) дунё ёшлари чемпионати ғолиби, 17 ёшида эса халқаро гроссмейстер бўлган.

Россия термаси таркибида Бутунжаҳон Шахмат Олимпиадаси 3 карра ғолиби (1992, 1994, 1996 йиллар). 2000 йил Лондонда Гарри Каспаровни енгиб, шахмат бўйича **XIV мутлақ жаҳон чемпиони** бўлган.

2006 йил Элистада ФИДЕ таснифи бўйича жаҳон чемпиони Веселин Топаловни енгиб, **ФИДЕ таснифи бўйича XIX жаҳон чемпиони** бўлган. 2016 йил рейтингини – 2817 баллга етказди. Чемпионлик даври – 1 йил (2006–2007).

Россия Федерацияси Президенти В.В.Путин фармонига биноан Россия жисмоний тарбия ва спортини ривожига қўшган ҳиссаси учун В.Крамникка фахрий орден топширилган.

2000 ва 2006 йилларда “**Шахмат Оскари**” мукофотини қўлга киритган. 2013 йил эса Жаҳон Кубоги совриндори бўлган.

Крамник 9 марта “**супер турнир**” ғолиби бўлгани учун номи 2009 йил Гиннеснинг **рекордлар китобига** киритилган.

Ҳозир Владимир Крамник оиласи билан Францияда яшамоқда.



Эркактлар ўртасида XIX жаҳон чемпиони  
**Владимир Крамникни** Россия Федерацияси президенти  
**Владимир Путин** 2006 йил нуфузли мукофот  
“**Фахрий Орден**” билан тақдирлаган





## Магнус Карлсен (1990 – йилда туғилган)

Магнус Карлсен 1990 йил 30 ноябрда Норвегиянинг Тёнсберг шаҳрида туғилган. 8 ёшидан шахмат билан жиддий шуғулланган. 11 ёшида ФИДЕ устаси, 12 ёшида халқаро спорт устаси, 13 ёшида эса гроссмейстер талабини бажаради. 2006 йил мамлакат чемпиони бўлди. 16 ёшида рейтингини – 2710 баллга, 2014 йил 2882 баллга етказди ва жаҳон рекордини янгилади.

У 2013 йил Ҳиндистонлик машҳур шахматчи Вишванатан Анандни 6,5:3,5 ҳисобида енгиб, 22 ёшида жаҳоннинг энг ёш **XVI-расмий чемпиони бўлади. Блиц, рапид ва классик шахмат бўйича шахмат тарихида ягона чемпион.**

2009 йилдан Гарри Каспаров билан шуғулланиб, шахмат позицияларини мукамал эгаллади. Вазиятларга тўғри ва аниқ баҳо берадиган даражага эришди.

2016 йил жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган матчда Магнус Карлсеннинг рақиби россиялик Сергей Карякин бўлди. Ўйин кескин ва мурасиз ўтиб, 6:6 дуранг ҳисобида яқунланди. Шундан сўнг 4 партиялик тай-брек ўтказилди. 3:1 ҳисобида ғалаба қозонган Карлсен ўз чемпионлик тожини сақлаб қолди.

2018 йил жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган матчда Магнус Карлсеннинг рақиби италиялик Фабиано Каруана бўлди. Ўйинда 6:6 ҳисобидаги дуранг қайд этилди. Сўнг 4 партиялик тай-брекда 3:0 ҳисобида ғалаба қозонган Карлсен чемпионлик тожини яна ўзида сақлаб қолди.

Магнус Карлсен кетма-кет 4 марта **“Шахмат Оскари”** мукофоти совриндори. 2013 йилдан ҳозиргача **мутлақ жаҳон чемпиони** унвонини ўзида сақлаб келмоқда.



Норвегиялик **Магнус Карлсен** 2013 йилдан буён мутлақ жаҳон чемпиони



ФИДЕ Президенти Кирсан Илюмжинов  
Магнусга Жаҳон Кубогини топширмақда



**ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА ШАХМАТ  
БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ**

<b>т/р</b>	<b>Исм-шарифи</b>	<b>Туғилган йили</b>	<b>Чемпионлик йиллари</b>
1	Вильгельм (Вольф) Стейниц	1836 – 1900	1886 – 1894
2	Эмануэль Ласкер	1868 – 1941	1894 – 1921
3	Хосе–Рауль Капабланка	1888 – 1942	1921 – 1927
4	Александр Алёхин	1892 – 1946	1927 – 1935, 1937–1946
5	Макс (Махгилис) Эйве	1901 – 1981	1935 – 1937
6	Михаил Ботвинник	1911 – 1995	1948 – 1957, 1958 – 1960, 1961–1963
7	Василий Смыслов	1921 – 2010	1957 – 1958
8	Михаил Таль	1936 – 1992	1960 – 1961
9	Тигран Петросян	1929 – 1984	1963 – 1969
10	Борис Спасский	1937 –	1969 – 1972
11	Роберт Фишер	1943 – 2008	1972 – 1975
12	Анатолий Карпов	1951 –	1975 – 1985
13	Гарри Каспаров	1963 –	1985 – 2000
14	Александр Халифман	1966 –	1999 – 2000
15	Вишванатан Ананд	1969 –	2000 – 2002, 2007–2013
16	Руслан Пономарёв	1983 –	2002 – 2004
17	Рустам Қосимжонов	1979 –	2004 – 2005
18	Веселин Топалов	1975 –	2005 – 2006
19	Владимир Крамник	1975 –	2000 – 2001, 2006–2007
20	Магнус Карлсен	1990 –	2013 – ҳозиргача



## АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ

т/р	Исм-шарифи	Туғилган йили	Чемпионлик йиллари
1	Вера Менчик	1906 – 1944	1927 – 1944
2	Людмила Руденко	1904 – 1986	1950 – 1953
3	Елизавета Быкова	1913 – 1989	1953 – 1956, 1958–1962
4	Ольга Рубцова	1909 – 1994	1956 – 1958
5	Нона Гаприндашвили	1941 –	1962 – 1978
6	Майя Чибурданидзе	1961 –	1978 – 1991
7	Се Цзюнь	1970 –	1991 – 1996, 1999–2001
8	Сьюзен (Жужа) Полгар	1969 –	1996 – 1999
9	Чжу Чень	1976 –	2001 – 2004
10	Антоанета Стефанова	1979 –	2004 – 2006
11	Сюй Юйхуа	1976 –	2006 – 2008
12	Александра Костенюк	1984 –	2008 – 2010
13	Хоу Ифань	1994 –	2010 – 2012, 2013 – 2015, 2016–2017
14	Анна Ушенина	1985 –	2012 – 2013
15	Мария Музычук	1992 –	2015 – 2016
16	Тань Чжунъи	1991 –	2017 – 2018
17	Цзюй Венъцзюнь	1991 –	2018 – ҳозиргача

### III БОБ. АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ

#### Вера Менчик (1906–1944)



Вера Менчик 1906 йил 1 мартда Россиянинг Москва шаҳрида туғилган. 9 ёшидан шахмат билан шуғуллана бошлаган. 1921 йил оиласи билан Англияга кўчади. 1927 йил Лондон шаҳрида аёллар ўртасида биринчи Бутунжаҳон Шахмат Олимпиадаси ташкил этилади. Мусобақада 11 имкониятдан 10 очко тўплаган Вера Менчик турнир ғолиби бўлиб, аёллар ўртасида

**I жаҳон чемпиони** бўлди ва бу унвонни 8 карра ўзида сақлаб қолган. Чемпионлик даври – 17 йил (1927–1944).

Иккинчи жаҳон урушига қадар чемпионлик мавқеини сақлаб турди. Шунингдек: 1930 йил Гамбург, 1931 йил Прага, 1933 йил Фолькстон, 1935 йил Варшава, 1937 йил Стокгольм, 1939 йил Буэнос-Айрес шаҳарларида ўтказилган турнирларда қатнашиб, юқори натижаларга эришган. Умрининг охиригача жаҳон чемпионлигини сақлаб қолган.

1929 йилдан бошлаб Вера Менчик биринчи аёл шахматчи сифатида эркеклар ўртасидаги мусобақаларда ҳам фаол қатнашган. Рамсгейт шаҳрида эркеклар ўртасидаги мусобақада юқори натижага эришиб, А. Рубинштейн билан 1-2 ўринни бўлишиб олди. Тож даъвогарлари – М. Эйве, Ж. Мизес, Э. Колле, С. Решевский, М. Султан-Ханларни ҳам енгган.

Эркеклар билан ўйналган 487 партиянинг 147 тасида ғолиб бўлган, яна шунча партиядо дурангга эришган.

Вера Менчик 1944 йил 27 июнда вафот этади. 1950 йилгача қадар аёллар ўртасидаги жаҳон чемпиони бўлмаган.



## Людмила Руденко (1904–1986)

Людмила Руденко 1904 йил 17 июлда Россия империясининг Полтава губернияси-га қарашли Лубны қишлоғида туғилган. 1925–1929 йилларда Москва шаҳрида яшаган. У илк бор 1925 йил “Комсомольская правда” газетаси соврини учун ўтказилган шахмат бўйича аёллар мусобақасида қатнашади. 1927 йил Собиқ Иттифоқ аёллар биринчилигида Москва шаҳри термаси сафида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди ва 5-ўрин билан кифояланди. Қатор муваффақиятсизликлардан сўнг тажрибали мураббийларга эҳтиёж сезган.

1928 йил Ленинград шаҳрига қўчиб келгач П. Романовский ва А. Толуш каби мураббийлар раҳбарлигида шахматнинг тактика ва стратегиясини ўрганиб, маҳорати ўсиб борди. 7 карра Ленинград чемпиони бўлган. Собиқ Иттифоқ биринчилигида 17 карра қатнашган. 1929 йил 12 имкониятнинг барчасида ғолиб бўлиб, Москва шаҳар чемпионига айланган.

1936, 1945, 1947, 1948 йиллар жаҳон тожи учун ўтказилган мусобақаларда фахрли 2-ўринни эгаллаган.

1950 йил Москва шаҳрида ўтган аёллар ўртасидаги жаҳон биринчилиги ғолибаси ва **II жаҳон чемпиони** бўлган. Чемпионлик даври – 3 йил (1950–1953).

1952 йилда мамлакат чемпиони бўлган. 1953 йил жаҳон тожи учун ўтказилган матчда 6:8 ҳисоби билан Елена Быковага имкониятни бой берган. Шу орада нуфузли халқаро мусобақаларда қатнашган. 1957 йил “Хурмат белгиси” ордени билан тақдирланган.

Людмила Руденко 1986 йил 26 февралда Ленинград шаҳрида вафот этган.



## Елизавета Быкова (1913–1989)

Елизавета Быкова 1913 йил 4 ноябрда Москва шаҳри, Владимир вилояти, Боголюбов қишлоғида туғилган. Шахматдаги биринчи муваффақияти 1937 йил Москва шаҳар биринчилигида 3-ўрин. Бир йилдан сўнг Москва шаҳар чемпионлигига эришиб, бу мартабани 5 марта сақлаб турди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин (1947–1950 йилларда) мамлакат чемпиони. 1949–1950 йиллар Москвада ўтган жаҳон биринчилигида В.Борисенко билан 3–4-ўринни бўлиб олган. Елизавета Быкова жаҳон чемпиони бўлишдан аввал 6 карра Москва шаҳри ва 3 карра Иттифоқ чемпионлигини қўлга киритган.

1952 йил Москвада ўтказилган жаҳон тожи даъвогарлари турнирида 1-ўринни эгаллаб, жаҳон биринчилигига қатнашиш йўлланмасини қўлга киритади ва Людмила Руденкони 8:6 ҳисобида енгиб, аёллар ўртасида **III жаҳон чемпиони** бўлади. Чемпионлик даври – 7 йил (1953–1956, 1958–1962).

1950 йил аёллар ўртасида, 1953 йил эркаклар ўртасида халқаро спорт устаси, 1976 йил халқаро гроссмейстер.

1956 йил Москвада ўтказилган матч–турнирда О.Рубцовага имкониятни бой бериб, 2-ўринни эгаллаган. 1958 йил реванш матчида олийунвониниянақайтариболишга муяссар бўлган (8,5:5,5). 1960 йил тож даъвогари К.Зворыкина билан бўлган матчда чемпионликни ўзида сақлаб қолган (8,5:4,5). 1962 йил Москвада ўтказилган жаҳон биринчилигида даъвогар Н.Гаприндашвилига имкониятни бой берган.

Нидерландиянинг Амстердам шаҳрида бўлиб ўтган (1960 йил) аёллар халқаро турнир ғолибаси. Е.Быкова оддий позицияларни баҳолашда ва эндшпилда аёллар ўртасида тенгсиз эди.

Елизавета Быкова 1989 йил 8 мартда Москва шаҳрида вафот этган.



## Ольга Рубцова (1909–1994)

Ольга Рубцова 1909 йил 20 августда Москва шаҳрида туғилган. Шахмат ўйнашни отасидан ўрганган. 1926 йил “Комсомольская правда” газетаси соврини учун ташкил этилган қиз болалар турнирида 17 ёшли О. Рубцова ғалабага эришган. 1927 йил аёллар ўртасида биринчи Иттифоқ чемпионатида ғолиб бўлган.

40 йил мобайнида (1927–1967 йиллар) 20 марта Иттифоқ чемпионатларида қатнашган. 1931, 1937, 1949 йиллар 1-ўринни эгаллаган, 1936, 1948, 1952, 1954 йиллар 3-ўрин соҳиби бўлган. Бундан ташқари 1935 йил мамлакат чемпиони О. Семёновани енгган. 1965 йил қизи Фаталибекова билан бирга Иттифоқ биринчилигида қатнашган. 1947, 1950, 1953 йиллар Н.Войчик билан 1–2-ўринни бўлишиб олган. Ольга Рубцова 3 карра Москва шаҳар чемпиони бўлган.

1949–1950 йиллар жаҳон чемпионатида иштирок этиб, 2-ўринни эгаллаган ва даъвогарлар ўртасидаги учта мусобақада (1952, 1955, 1959 йилларда) 1-ўринни эгаллаган. 1956 йил жаҳон тожи учун ўтказилган матч-турнирда Е.Быкова ва Л.Руденколарни ортда қолдириб, аёллар ўртасида **IV-расмий жаҳон чемпиони** бўлган. Чемпионлик даври – 2 йил (1956–1958).

1957 йил Иттифоқ командасининг сардори сифатида 1-аёллар Олимпиадасида қатнашиб, 14 имкониятдан 9,5 балл тўплаган. 1958 йил жаҳон тожи учун ўтказилган реванш матчида Е. Быковага имкониятни бой берган. 1960 йил охирларида ёзишма (переписка) бўйича ўтказилган мусобақаларда ҳам муваффақиятли қатнашиб, аёллар ўртасида биринчи жаҳон чемпионлигини қўлга киритган. Шахмат мусобақаларидаги ютуқлари учун 1957 йил “Меҳнат қизил байроқ” ордени билан тақдирланган.

Ольга Рубцова 1994 йил 13 декабрда Москва шаҳрида вафот этган.

## XX асрнинг иккинчи ярмидаги туб бурилиш



### Нона Гаприндашвили (1941– йилда туғилган)

Нона Гаприндашвили 1941 йил 3 майда Грузия Республикасининг Зугдиди шаҳрида туғилган. Шахмат ўйнашни акаларидан ўрганган. 12 ёшидан Тбилисидаги пионерлар саройида шуғуллана бошлаган. 15 ёшида Грузия чемпиони бўлган. 1960 йил Югославияда ўтказилган даъвогарлар турнирида 16 имкониятдан 13 балл тўплаган. 1962 йил Москва шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида Е.Быковани 9:2 ҳисобида мағлуб этиб, аёллар ўртасида **V-жаҳон чемпиони** бўлган. Чемпионлик даври – 16 йил (1962–1978).

Чемпионлик учун 3 марта А. Кушнир ва 1 марта Н. Александрия билан ўйнаб, 16 йил давомида чемпион бўлиб турди. Аёллар ўртасидаги халқаро мусобақаларда 20 марта ғолиб бўлган. ФИДЕнинг собиқ президенти Макс Эйве Н.Гаприндашвили маҳоратини юқори баҳолаб, унинг “эркакча ўйин” кўрсата олишини таъкидлаган.

1976 йил аёллар ўртасида, 1978 йил эркаклар ўртасида биринчи халқаро гроссмейстер бўлган. 5 карра собиқ Иттифоқ чемпиони. 1980–1986 йилларда ФИДЕда аёллар комиссияси раиси.

1982 йил эришган ютуқлари учун аёллар орасида биринчи **“Шахмат оскари”** мукофоти берилган. 1989–1996 йиллар Грузия Миллий Олимпия қўмитаси президенти. Собиқ Иттифоқ жамоаси таркибида 10 марта жаҳон Шахмат Олимпиадаларида ғолиб бўлган (1963–1986 йиллар). 1992 йил Грузия термаси таркибида шахмат Олимпиадасида ғалаба қозонган.

Шахматдаги ютуқлари учун 1965 йил “Меҳнат аълоҳиси” медали, 1966 йил “Ленин” ордени ҳамда 1985 йил “Ҳурмат белгиси” ордени билан мукофотланган.



ФИДЕ ташкил этилганлигининг 75 йиллиги муносабати билан ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов **Нона Гаприндашвилини** қимматбаҳо шахмат Оскари – “Каисса” билан тақдирлаган





## Майя Чибурданидзе (1961– йилда туғилган)

Майя Чибурданидзе 1961 йил 17 январда Грузия Республикасининг Кутаиси шаҳрида туғилган. Шахматни 8 ёшида акасидан ўрганган. Бўш вақтини Кутаисидаги пионерлар саройида ўтказарди. 1971 йил 10 яшар Майя мактаб ўқувчилари ўртасида Грузия чемпиони бўлади. 12 ёшида собиқ Иттифоқ терма жамоаси аъзоси бўлган. 17 ёшида 500дан ортиқ жиддий партияларда ўйнаган. 1978 йил Нона Гаприндашвилини енгиб, дунё аёллари ўртасида энг ёш **VI жаҳон чемпиони** бўлган. Чемпионлик даври – 13 йил (1978–1991).

Бу унвонни 4 марта: 1981 йил Н. Александрия билан Тбилисида, 1984 йил И. Левитина билан Волгоградда, 1986 йил Е.Ахмыловская билан Софияда ҳамда 1989 йил Н.Иоселиани билан Грузияда муваффақиятли ҳимоя қилди. 1977 йил Майя Чибурданидзе эркаклар ўртасидаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, халқаро гроссмейстер бўлган.

1978 йил 8-аёллар Шахмат Олимпиадасида собиқ Иттифоқ терма жамоасини бошқарган. **Майя Чибурданидзе Шахмат Олимпиада тарихида 9 карра ғолиб бўлган ягона аёл шахматчидир.** У 5 карра собиқ Иттифоқ жамоаси таркибида ва 4 карра Грузия жамоаси таркибида нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этган. 1991 йил хитойлик Се Цзюньга имкониятни бой берди.

Майя Чибурданидзе 10 марта халқаро аёллар мусобақаси ва 5 марта аёллар шахмат Олимпиадаси ғолиби.

Шахматдаги ютуқлари учун 1984–1987 йиллар 4 марта “Шахмат оскари” мукофоти топширилган. Бундан ташқари 1981 йил “Халқлар дўстлиги”, 1985 йил “Меҳнат қизил байроқ” ҳамда 2008 йил Грузиянинг “Фахр” ордени билан мукофотланган.





Аёллар ўртасида VI жаҳон чемпиони грузиялик **Майя Чибурданидзе** нуфузли **“Шахмат оскари”** мукофотининг 4 марта совриндори





## Се Цзюнь (1970– йилда туғилган)

Се Цзюнь 1970 йил 30 октябрда Хитойнинг Баодин вилояти, Хэбэй қишлоғида туғилган. Шахмат ўйнашни 6 ёшида ўрганган. 10 ёшида қизлар ўртасида Пекин шаҳри чемпиони бўлган. Сўнг халқаро мусобақаларда иштирок этиб, тажриба орттирди. 1990 йил 20 ёшида зоналараро турнир ғолиби. 1991 йил жаҳон тожи учун ўтказиладиган матчга қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди ва ўша йил Майя Чибурданидзени 8,5:6,5 ҳисобида енгиб, аёллар ўртасида **VII жаҳон чемпиони** бўлди. Чемпионлик даври – 7 йил (1991–1996, 1999–2001).

Аёллар ўртасида дунёнинг энг номдор шахматчиси бўлиш баробарида 1990 йил фалсафа фанлари доктори бўлган.

1993 йил Нано Йоселиани билан кечган матчда унвонини сақлаб қолди. 1996 йил Жужа Полгарга имкониятни бой берди. 1999 йил Алиса Галлямова билан бўлган матчни енгиб, яна дунёнинг кучли аёл шахматчисига айланди. 1998 йил Элистада ўтказилган Бутунжаҳон Шахмат Олимпиадасида Хитой терма жамоаси сафида иштирок этиб ғолиб бўлган.

2001 йил нокаут тизимда ўтказилган даъвогарлар матчида Цинь Каньинни мағлуб этиб, чемпионлик унвонини сақлаб қолди. 2002 йилги чемпионатга (турмушга чиққанлиги сабабли) иштирок эта олмаган ва шахматдаги фаолиятини тугатишга қарор қилган.

Се Цзюнь 2004 йил ФИДЕнинг халқаро арбитри ҳамда хизмат кўрсатган мураббийи бўлган. Хитой спорт вазирлигида ишлаш билан бирга гроссмейстерлар марказини ҳам бошқарган.

Се Цзюнь шахмат оламида позицион услубдаги ўйинчи сифатида эътироф этилади. У тарихда унвонини яна қайтариб олган учинчи аёл шахматчидир.



Аёллар ўртасида VII жаҳон чемпиони **Се Цзюнь** жаҳон тожини 7 йил давомида ўзида сақлаб турган



Татаристоннинг Қозон шаҳрида 2013 йилда бўлиб ўтган “Универсиада” мусобақасида **Се Цзюнь** Хитой аёллар терма жамоаси бош мураббийи сифатида иштирок этган



## Сюзен (Жужа) Полгар (1969 – йилда туғилган)

Сюзен (Жужа) Полгар 1969 йил 19 апрелда Венгрия давлатининг Будапешт шаҳрида туғилган. (Унинг Жужа деб аталиши Сюзанна исмининг қисқартма шаклидир). Шахмат ўйнашни 4 ёшида отаси (педагог-психолог, спорт устаси Ласло Полгар)дан ўрганган. Маълум муддат гроссмейстер Л. Сабо мураббийлигида шуғулланади. Оилада уч опа-сингил: Жужа, София ва Юдит.

Сюзен Полгар 1981 йил 12 ёшида 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Жаҳон чемпиони, 13 ёшида аёллар ўртасида спорт устаси, 15 ёшида халқаро спорт устаси бўлган. 1986 йил Венгрия чемпионатида 3-ўринни эгаллаган. 18 ёшида аёллар ўртасида ва 22 ёшида эркеклар ўртасида гроссмейстер.

1996 йил Се Цзюнь билан жаҳон шахмат тожи учун ўтказилган матчда ғолиб бўлиб, аёллар ўртасида **VIII жаҳон чемпиони** бўлган. Чемпионлик даври – 3 йил (1996–1999).

Сюзен Полгар венгер тилидан бошқа яна олтита: эспиран, немис, рус, испан, инглиз ва иврид тилларида бемалол гаплашади. Сюзен Полгар аёллар жаҳон шахмат Олимпиадасида 4 марта қатнашиб, (1988, 1990, 1994, 2004 йилларда) 5 та олтин, 4 та кумуш ва 1 та бронза медалларига эга бўлган.

Опаси Юдит Полгар асосан эркеклар ўртасидаги халқаро мусобақаларда иштирок этарди. У Анатолий Карпов, Гарри Каспаров ва Магнус Карлсенларни 1 мартадан ҳамда Вишванатан Анандни 4 марта енгган.

Шахматдаги муваффақиятлари учун 2012 йил ФИДЕнинг нуфузли мукофоти аёллар шахмат Оскари – “**Каисса**” билан тақдирланган.



Аёллар ўртасида VIII жаҳон чемпиони **Сюзен Полгарга** ФИДЕ нинг нуфузли мукофоти шахмат Оскари – “**Каисса**”ни топшириш жараёни





## Чжу Чэнь (1976– йилда туғилган)

Чжу Чэнь 1976 йил 16 мартда Хитойнинг Вэньчжоу вилояти, Чжэцзян шахрида туғилган. Шахмат ўйнашни болалик чоғларида ўрганган. 1988 йил 12 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида катта устунлик билан ғалабага эришган. 1994 йил 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида қатнашиб, чемпион бўлган. Ўша йили Москва шахрида бўлиб ўтган аёллар Олимпиадасида Хитой терма жамоаси таркибида қатнашиб, 3-ўринни эгаллаган. 1996 йил 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 13 имкониятдан 12 балл тўплаб, иккинчи марта чемпион бўлди.

2001 йил Москва шахрида нокаут системада ўтказилган жаҳон биринчилигида Александра Костенюк билан финалга чиқди ва уни 5:3 ҳисобида мағлуб этиб, аёллар ўртасида **IX жаҳон чемпиони** бўлган. Чемпионлик даври – 3 йил (2001–2004).

2000 йил қатарлик Муҳаммед ал-Мадиахига турмушга чиқади ва фарзандлик бўлгач, 1 йил давомида мусобақаларга қатнашмайди. 2002 йил Блед шахрида ўтказилган Олимпиадада Хитой терма жамоасини бошқариб, ғалабага эришган. 2010 йилдан Чжу Чэнь Қатар мамлакати байроғи остида мусобақаларга қатнашади.

Туркиянинг Анталия шахрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида учинчи даврагача бориб, Хоу Ифань билан ўйнайди. Матчда дуранг қайд этилгач, ғолиб тай-брек орқали аниқланади. Тай-брекда омад Хоу Ифанга кулиб боқди. 2015 йил Чжу Чэнь Осие чемпионати блиц турнирида ғолиб бўлди.

2010–2014 йиллар ФИДЕ қўмитасининг аёллар бўйича аъзоси. Ҳозирда Қатар давлатида хитой тили клубининг раиси. Чжу Чэнь Қатар мамлакатида шахмат Академиясини тузган ва ўзи бошқармоқда.



Аёллар ўртасида IX жаҳон чемпиони **Чжу Чэнь** 2001 йил Москва шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг ғолибаси



(чапда: эркаклар ўртасида X жаҳон чемпиони Борис Спасский)



## Антоанета Стефанова (1979– йилда туғилган)

Антоанета Стефанова 1979 йил 19 апрелда Болгариянинг София шаҳрида туғилган. Шахматни 4 ёшида отасидан ўрганган. 7 ёшида аёллар ўртасида шаҳар чемпиони, 1989 йил 10 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Жаҳон чемпиони, кейин эса тезкор шахмат бўйича 14 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Европа чемпиони. 15 ёшли Антоанета 1984 йил эркаклар ўртасидаги Болгария чемпионати финалчиси. 1994 йил аёллар ўртасида, 2002 йил эркаклар ўртасида халқаро гроссмейстер бўлган.

2004 йил россиялик Екатерина Ковалевскаяни 2,5:0,5 ҳисобида енгиб, аёллар ўртасида **Х-жаҳон чемпиони** бўлган. Чемпионлик даври – 2 йил (2004–2006).

2006 йил хитойлик Сюй Юйхуага имкониятни бой беради. Аммо аёллар ўртасида доимо пешқадам.

2012 йил Россиянинг Ханты-Мансийск вилоятида аёллар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилиги финалининг тай-брекида украиналик Анна Ушенинага ютқазиб, 2-ўринни қўлга киритади. Омадсизликлар унинг руҳини синдира олмади ва таниқли мураббий В. Георгиев раҳбарлигида шуғулланишни давом эттиради. Кейинги йилларда 2600 рейтингга эга эркаклар ўртасидаги халқаро мусобақаларда ҳам ютуқларга эришган.

Антоанета Стефанова ФИДЕ аёллар комиссияси аъзоси. У ҳанузгача яхши спорт формасида. Яқинда Россиянинг Ханты-Мансийск вилоятида бўлиб ўтган Жаҳон чемпионати чорак финалигача беллашиб, Анна Муzychукка имкониятни бой берди.

Айни пайтда чиройли ва ёрқин партиялари билан мухлис-ларни хушнуд қилиб келмоқда.





2012 йил Грузиянинг Батуми шаҳрида аёллар ўртасида  
тезкор шахмат ва блиц бўйича ўтказилган жаҳон  
чемпионати ғолиб ва совриндорлари



Антоанета Стефанова халқаро турнирлар ғолибаси





## Сюй Юйхуа (1976 – йилда туғилган)

Сюй Юйхуа 1976 йил 29 октябрда Хитойнинг Цзиньхуа шаҳри, Чжецзян қишлоғида туғилган. Шахмат ўйнашни 6 ёшида отасидан ўрганган. 1988 йил ўзи яшаган Чжецзян терма жамоаси сафига кирган, миллий терма жамоа таркибида машғулотларни бошлаган. 1998 йил Осиё чемпиони бўлган. 2001 йилаёллар ўртасида гроссмейстер. Ўша йили Европа-Осиё матчида Сюй Юйхуа Майя Чибурданидзе ва Елена Ковалевскаяларни ишончли енгиб, 2000–2002 йиллар жаҳон Кубоги ғолиби бўлган. Хитой терма жамоаси сафида Олимпиада ўйинларининг 3 карра чемпиони. (2000, 2002, 2004 йиллар).

2006 йил Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида Алиса Галлямовани 2,5:0,5 ҳисобида мағлубиятга учратиб, аёллар ўртасида **XI жаҳон чемпиони** бўлган. Чемпионлик даври – 2 йил (2006–2008).

Екатеринбургдаги ғалабасидан сўнг Сюй Юйхуа хитойлик шахматчи аёллар орасида Олимпиада олтин медали соҳиби ва Жаҳон Кубогини қўлга киритган биринчи спортчидир.

2007 йил эркаклар ўртасида халқаро гроссмейстер бўлади. 2009–2010 йиллар Нанкин шаҳрида ФИДЕ томонидан ташкил этилган иккинчи босқич Гран-при мусобақалари ғолиби. Осиё жамоавий биринчилигида хитойлик жамоадошлари Се Цзюнь, Чжу Чэнь ва Цинь Каньинлар билан ишончли ғалабага эришган. Россиялик тўрт нафар номдор аёл гроссмейстерларни енгган ягона хитойлик аёл шахматчи.

Хитой давлатида шу пайтгача шахматда аёллар эришган натижага эркаклар эриша олмаган. Сюй Юйхуа шахматни тарқ этгани йўқ ва нуфузли халқаро мусобақаларда фаол иштирок этмоқда.



Аёллар ўртасида XI жаҳон чемпиони хитойлик **Сюй Юйхуа** ғалабадан сўнг журналистларга интервью бермоқда



2006 йил Россиянинг Екатеринбург шаҳрида аёллар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати олдидан руҳий тайёргарлик

## XXI асрнинг номдор аёл шахматчилари



### Александра Костенюк (1984 – йилда туғилган)

Александра Костенюк 1984 йил 23 апрелда Россия давлатининг Пермь вилоятида туғилган. Шахматни 5 ёшида отаси (Россияда хизмат кўрсатган мураббий Константин Костенюк) дан ўрганган. 1985 йил улар Москва шахрига кўчиб келади ва 7 ёшида Москва шаҳар чемпионлигини қўлга киритади. 1998 йил 14 ёшида аёллар ўртасида гроссмейстер бўлади.

У отаси билан бирга “14 ёшда қандай гроссмейстер бўлиш мумкин?” номли китобни икки йилда ёзиб тугатади. Китоб рус, инглиз ва испан тилларида чоп этилган. 2003 йил Москва давлат жисмоний тарбия ва спорт университетини тамомлайди. 2004 йил 20 ёшида эркаклар ўртасида гроссмейстер, ўша йил Европа чемпиони, 2005 йил Россия чемпиони бўлган. 2008 йил хитойлик Сюй Юйхуани мағлуб этиб, аёллар ўртасида **XII жаҳон чемпиони** бўлган. Чемпионлик даври – 2 йил (2008–2010).

2011 йил Москва давлат Жисмоний маданият академияси магистратура бўлимига ўқишга киради ва шу йилнинг ўзида Швейцария чемпиони, 2012 йил тезкор шахмат бўйича Жаҳоннинг вице-чемпиони бўлган. Шахмат Олимпиадаси 3 карра чемпиони, (2010, 2012, 2014 йиллар), Европа жамоавий чемпионати 5 карра ғолиби (2007, 2009, 2011, 2015, 2017–йиллар) ҳамда блиц турнир бўйича 2 карра Европа чемпиони бўлган (2017–2019 йиллар). 2019 йил тезкор шахмат бўйича иккинчи марта Европа чемпионлигини қўлга киритган.

Жисмоний тарбия ва спорт ривожига қўшган ҳиссаси ва спортда эришган муваффақиятлари учун (Норвегиянинг Тромсё шаҳрида ўтказилган 41-Бутунжаҳон Шахмат Олимпиадасида) 2014 йил 25 октябрда I даражали “Ватан олдидаги хизматлари учун” ордени билан тақдирланади.



Аёллар ўртасида XII жаҳон чемпиони **Александра Костенюк** 2014 йил Россиянинг нуфузли мукофоти I даражали **“Ватан олдидаги хизматлари учун”** ордени билан тақдирланган





## Хоу Ифань (1994 – йилда туғилган)

Хоу Ифань 1994 йил 27 февралда Хитойнинг Синхуа шаҳри, Янчжоу қишлоғида туғилган. Шахмат ўйнашни 6 ёшида ўрганган. 10 ёшга тўлганида шахмат билан янада жиддийроқ шуғулланиши учун Пекиндаги миллий шахмат Академиясида ўқитишади. Унинг мураббийи биринчи Хитой гроссмейстери Е.Цзяньчуань бўлган.

Хоу Ифань ўқиш давридаёқ вазиятни яхши баҳолаши ва ўзига хос фикрлаши билан бошқалардан ажралиб турарди.

Шахматда моҳирлигини 2003 йилдаёқ кўрсата олди ва 10 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. 2004 йил ўғил болалар ўртасида 1–3-ўринларни бўлишиб олди. 12 ёшидаёқ 2-гроссмейстерлик нормасини бажариб, мамлакатнинг аёллар терма жамоаси сафига кирди. Бир йилдан сўнг Хитой тарихида аёллар ўртасида мамлакатнинг энг ёш чемпиони бўлиб, янги рекорд ўрнатди. 2007 йил аёллар ўртасида, 2008 йил эркаклар ўртасида гроссмейстерлик нормасини бажарди. Ўша йили Нальчик шаҳрида ўтказилган аёллар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида пешқадам (фаворит) сифатида иштирок этди. Турнирда мухлислари ишончини оқлаб, финалгача етиб борди.

2010 йил орзулари амалга ошди. Аёллар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Александра Костенюкни мағлубиятга учратиб, Майя Чибурданидзенинг рекордини янгилади ва 16 ёшида аёллар ўртасида **XIII жаҳон чемпиони** бўлди. Чемпионлик даври – 5 йил (2010–2012, 2013–2015, 2016–2017).

Хоу Ифань аёллар ўртасида 4 карра жаҳон чемпиони, Хитой терма жамоаси таркибида аёллар ўртасидаги жамоавий жаҳон биринчилиги 3 карра ғолибаси. Шахмат тарихида жаҳон чемпионлик тожини 3 марта қайтариб олган аёл шахматчидир.



Аёллар ўртасида XIII жаҳон чемпиони **Хоу Ифань** ФИДЕнинг  
нуфузли мукофоти аёллар шахмат Оскари –  
“**Каисса**” соҳибаси





## **Анна Ушенина (1985– йилда туғилган)**

Анна Ушенина 1985 йил 30 августда Украинанинг Харьков шаҳрида туғилган. Шахмат ўйнашни 7 ёшида онасидан ўрганган. 1997 йил Киев шаҳрида ўтказилган 12 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги чемпионатда ғолиб бўлган. 1998–1999 йиллар 14 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги чемпионат ғолибаси.

2000–2002 йиллар халқаро спорт устаси Артём Цепотан мураббийлигида Харьковдаги Олимпия захиралари спорт мактабида шахмат билан шуғулланади. 2002 йил Анна Ушенина Украина миллий терма жамоаси сафида 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги Европа чемпио-натида олтин медални қўлга киритган. Шу йил 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги Украина чемпионатида ғолиб бўлган. 2003 йил аёллар ўртасида халқаро гроссмейстер бўлиб, 2005 йил Украинанинг Алушта шаҳридаги турнир ғолибаси.

2006 йил Турин шаҳрида ўтказилган Олимпиадада унинг жамоаси олтин медални қўлга киритган. 2007 йил Ираклион шаҳрида ўтказилган Европа жамоавий биринчилигида Украина жамоаси таркибида 3 тахтада ўйнаб, ўз тахтасида олтин медал соҳибаси бўлган. 2008 йил Дрезден шаҳрида ўтказилган жамоавий биринчиликда 3 тахтада ўйнаб, 2- ўринни қўлга киритган. 2012 йил Туркиянинг Истамбул шаҳрида ўтказилган 40-халқаро шахмат Олимпиадасида Украина терма жамоаси таркибида Анна Ушенина фахрли 3-ўринга сазовор бўлган.

2012 йил Россиянинг Ханты-Мансийск вилоятида аёллар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигида Антоанета Стефановани мағлуб этиб, аёллар ўртасида **XIV жаҳон чемпиони** бўлган. Чемпионлик даври – 1 йил (2012–2013).





Аёллар ўртасида XIV жаҳон чемпиони **Анна Ушенина** Украина президенти Виктор Янукович томонидан 2013 йил нуфузли мукофот II даражали **“Княгиня Ольга”** ордени билан тақдирланган



ФИДенинг Президенти Кирсан Илюмжинов Анна Ушенинани Жаҳон чемпиони бўлганлиги билан табриклар, мусобақа кубогини топширди





## Мария Музычук (1992– йилда туғилган)

Мария Музычук 1992 йил 21 сентябрда Украинанинг Львов вилояти, Стрый шахрида туғилган. Шахматни 5 ёшида ўрганган. 7 ёшида мамлакат биринчилигида қат-нашган. 2002 йил 10 ёшида Украина чемпиони бўлган. Ўша йил 10 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Европа чемпиони. 2004 йил 14 ёшгача бўлган қизлар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритган.

Борган сари ютуқлари кўпайган. 2006 йил халқаро спорт устаси талабини бажарган. 2007 йил аёллар ўртасида, 2008 йил эркаклар ўртасида халқаро гроссмейстер бўлган. Украина давлатининг 2 карра чемпиони (2012–2013). Ўша йил Украина терма жамоаси таркибида Европа жамоавий чемпионати ғолиби бўлган.

2015 йил Россиянинг Сочи шахрида аёллар ўртасида нокаут системада ўтказилган жаҳон биринчилигининг финалида канадалик Юаньлинь Юаньни мағлуб этиб, аёллар ўртасида **XV жаҳон чемпиони** бўлган. Чемпионлик даври – 1 йил (2015–2016).

Жаҳон чемпионатида унга халқаро гроссмейстер Александр Белявский мураббийлик қилган. Мария Музычук дунёнинг бир неча мохир аёл шахматчилари устидан ғалаба қозонган. Булар: канадалик Юаньлинь Юань, полшалик Монико Соцко, болгариялик Антоанета Стефанова, ҳиндистонлик Харику Дронавалли ва Хампи Конерулар.

2015 йил йилнинг энг кучли шахматчи аёли сифатида ФИДЕнинг Шахмат Оскари “**Каисса**” мукофотига муносиб кўрилган. Бу мукофот унга 2016 йил 8 сентябрда Боку шахрида ўтказилган 42-Бутунжаҳон Шахмат Олимпиадасида берилган. Шахматдаги ютуқлари учун Мария Музычук 2015 йил 8 апрелда Украина Президенти томонидан III даражали “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган.



Аёллар ўртасида XV жаҳон чемпиони **Мария Музычук** Украина президенти Пётр Порошенко томонидан 2015 йил нуфузли мукофот III даражали **“Буюк хизматлари учун”** ордени билан тақдирланган





## Тань Чжунъи (1991– йилда туғилган)

Тань Чжунъи 1991 йил 29 майда Хитойнинг Чунцин вилояти, Сычуань шаҳрида туғилган. Шахматни ёшлик чоғларидан ўрганган. Ёшлар ўртасидаги мусобақаларда ўзини намоён қилди.

2000–2002 йиллар ўз ёшида дунёнинг 3 карра тенгсиз шахматчиси бўлган. Бир неча бор жаҳон шахмат Универсиадаларида ғолибликни қўлга киритган. 2009 йил аёллар ўртасида гроссмейстер бўлган. Хитой терма жамоаси таркибида шахмат Олимпиадасида (2008, 2014, 2016 йиллар) 3 марта ва жамоавий жаҳон биринчилигида 4 марта иштирок этган. 2014–2015 йиллар Осиё чемпионатининг блиц ва рапид йўналишларида ғолиб бўлган. 2015 йил Хитой чемпиони.


2016 йил Озарбайжоннинг Боку шаҳрида бўлиб ўтган аёллар ўртасидаги шахмат Олимпиадаси чемпиони. 2017 йил эркаклар ўртасида гроссмейстер ва шу йили Эронда нокаут системада ўтказилган жаҳон чемпионатида Анна Ушенинани мағлубиятга учратиб, аёллар ўртасида **XVI жаҳон чемпиони** бўлган. Чемпионлик даври – 1 йил (2017–2018).

2018 йил ўтказилган жаҳон биринчилигида ватандоши Цзюй Веньцзюньга имкониятни бой беради. 2019 йил унга яна омад келтирди. Гибралтар бўғозида ўтказилган очиқ биринчиликда аёллар учун бериладиган 1-мукофотни қўлга киритган. Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган жамоавий биринчиликда Хитой терма жамоаси таркибида биринчи тахтада ўйнаб, ғолибликни қўлга киритган.

Хитойлик аёллар орасида Тань Чжунъи жаҳон чемпиони бўлган учинчи шахматчидир. Бугун хитойлик шахматчи аёллар жаҳон аренасида пешқадам.



Аёллар ўртасида XVI жаҳон чемпиони **Тань Чжунъига**  
ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов Жаҳон Кубогини  
топширмоқда





## Цзюй Вэньцзюнь (1991 – йилда туғилган)

Цзюй Вэньцзюнь 1991 йил 31 январда Хитойнинг Шанхай шаҳрида туғилган. Шахмат ўйнашни 7 ёшдан ўрганган. Ўзидан катта ёшлилар билан ўйнашни ёқтирарди. 13 ёшида Осиё биринчилигида қатнашиб, кумуш медалга сазовор бўлган. Хитой биринчилигида эришган ғалабалари кейинги муваффақиятларига йўл очди. 2008 йил жаҳон биринчилиги учун ўтказилган ўйинда ярим финалгача, 2010 йил чорак финалгача етиб борган. Россиянинг Ханты-Мансийск шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон биринчилиги ярим финалчиси. 2009 йил аёллар ўртасида гроссмейстер. 2009–2011 йиллар жамоавий жаҳон биринчилиги ғолибаси. 2014 йил эркаклар ўртасида халқаро гроссмейстер. 2016–2018 йиллар миллий терма жамоа билан жаҳон шахмат Олимпиадасида ғолиб бўлади.

2017 йил 29 декабрда тезкор шахмат бўйича Саудия Арабистонида ўтказилган жаҳон биринчилигида олтин медал соҳибаси бўлган. 2018 йил май ойида классик шахмат бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюрти Тань Чжунъини 5,5:4,5 ҳисобида мағлуб этиб, аёллар ўртасида **XVII жаҳон чемпиони** бўлади. Чемпионлик даври – 2018 йилдан ҳозиргача.

2018 йил 23 ноябрда жаҳон чемпионати мусобақасида Цзюй Вэньцзюнь россиялик Екатерина Лагнони тай-брекда мағлуб этиб, чемпионлигини сақлаб қолади. 2020 йил 24 январда россиялик Александра Горячкина билан тай-брек учрашувида 2,5:1,5 ҳисобида устун келиб, яна ғолиб бўлади. ФИДЕ президенти Аркадий Дворкович Цзюй Вэньцзюньга шахмат тожини шахсан ўзи топширади.



Аёллар ўртасида XVII жаҳон чемпиони **Цзюй Вэньцзюньга** 2020 йил 24 январда ФИДЕ Президенти Аркадий Дворкович шахмат тожини шахсан топширди



## “Шахмат Оскари ” мукофоти

**Шахмат Оскари** – Ҳар йили 12 ой ичида спорт ва ижодда аъло натижаларга эришган шахматчига бериладиган мукофот.

Шахмат Оскари – 1967 йил шахмат мавзусида қалам тебратадиган журналистларнинг овоз бериши орқали таъсис этилган. Кейинчалик журналистларга мусобақа ташкилотчилари ва мураббийлар ҳам қўшилган. 1988 йил журналистлар уюшмаси тарқаб кетганидан сўнг ушбу мукофот берилмай қолди.

1995 йил “Шахматное обозрение-64” журнали тахририяти ташаббуси билан мукофот қайта тикланди. 2014 йилдан шахмат Оскари мукофотини бериш яна тўхтатилган.

### “Шахмат Оскари” мукофоти совриндорлари:

<b>Йил</b>	<b>Ғолиблар</b>	<b>Мамлакатлар</b>
2013	Магнус Карлсен	Норвегия
2012	Магнус Карлсен	Норвегия
2011	Магнус Карлсен	Норвегия
2010	Магнус Карлсен	Норвегия
2009	Магнус Карлсен	Норвегия
2008	Вишванатан Ананд	Ҳиндистон
2007	Вишванатан Ананд	Ҳиндистон
2006	Владимир Крамник	Россия
2005	Веселин Топалов	Болгария
2004	Вишванатан Ананд	Ҳиндистон
2003	Вишванатан Ананд	Ҳиндистон
2002	Гарри Каспаров	Россия
2001	Гарри Каспаров	Россия
2000	Владимир Крамник	Россия
1999	Гарри Каспаров	Россия
1998	Вишванатан Ананд	Ҳиндистон
1997	Вишванатан Ананд	Ҳиндистон



1996	Гарри Каспаров	Россия
1995	Гарри Каспаров	Россия
1989–1994 йиллар оралиғида берилмаган.		
1988	Гарри Каспаров	СССР
1987	Гарри Каспаров	СССР
1986	Гарри Каспаров	СССР
1985	Гарри Каспаров	СССР
1984	Анатолий Карпов	СССР
1983	Гарри Каспаров	СССР
1982	Гарри Каспаров	СССР
1981	Анатолий Карпов	СССР
1980	Анатолий Карпов	СССР
1979	Анатолий Карпов	СССР
1978	Виктор Корчной	Швейцария
1977	Анатолий Карпов	СССР
1976	Анатолий Карпов	СССР
1975	Анатолий Карпов	СССР
1974	Анатолий Карпов	СССР
1973	Анатолий Карпов	СССР
1972	Роберт Джеймс Фишер	АҚШ
1971	Роберт Джеймс Фишер	АҚШ
1970	Роберт Джеймс Фишер	АҚШ
1969	Борис Спасский	СССР
1968	Борис Спасский	СССР
1967	Бент Ларсен	Дания

**“Шахмат Оскари” мукофоти 1982–1988 йилларда жаҳондаги таниқли шахматчи аёлларга ҳам берилган**

1982	Нона Гаприндашвили	СССР
1983	Пиа Крамлинг	Швеция
1984	Майя Чибурданидзе	СССР
1985	Майя Чибурданидзе	СССР

1986	Майя Чибурданидзе	СССР
1987	Майя Чибурданидзе	СССР
1988	Юдит Полгар	Венгрия

### Эркаклар ўртасида мамлакатлар бўйича

Т/р	Мамлакат	Ғолиблик
1	СССР	17
2	Россия	7
3	Ҳиндистон	6
4	Норвегия	5
5	АҚШ	3
6	Болгария	1
7	Дания	1
8	Швейцария	1

### Ўзбекистонда камол топган машҳур шахматчилар

Мамлакатимизда шахмат маданиятининг ривожланишида қадимги шарқ анъаналарининг таъсири катта. Жараённинг жадал давом этиши туфайли ўзбек шахмат мактабининг такомиллашган шакли вужудга кела бошлади.

Ажойиб ўйинлари билан танилган ва ташкиллаштирилаётган мусобақаларда муваффақиятли қатнашаётган шахматчиларимиз оз эмас. Рисоламизда республикамизда шахмат маданиятини ривожлантиришга, қадимги шахмат назарияси ва амалиётини бугунги ютуқлар билан уйғунлаштиришга, Ўзбекистон спорт шарафини улуғлашга ва шахмат мактаби вакиллари жажонда юқори чўққиларини забт этишга ўз ҳиссасини қўшган таниқли шахматчиларнинг айримлари ижодий йўлига қисқача тўхтаб ўтамиз.

**С.Н.Фрейман** (1882–1946). Ўзбекистонда шахмат ҳаракатининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлардан бири, умрининг охиригача Тошкентда яшаган.

Сергей Николаевич Фрейман 1907 йил ўтказилган шахмат бўйича Бутунроссия бешинчи турнирида қатнашиб, тажриба орттиради. 1911 йил расман шахмат бўйича спорт устаси бўлади.

Инқилобдан кейин ўтказилган йирик мусобақаларда қатнашади. 1929 йил собиқ СССР биринчилиги баҳсида мамлакатнинг иккинчи шахматчиси даражасига кўтарилади. Тўрт марта жумладан, (1932, 1934, 1935, 1936 йилларда) Ўзбекистон чемпиони бўлади.

1929 йил Туркманистон чемпионатида, 1937 йил Қирғизистон чемпионатида конкурсдан ташқари қатнашиб биринчи ўринни эгаллайди.

1927 ва 1934 йилларда ўтказилган Ўрта Осиё биринчиликларида ҳам ғолиб бўлади. С. Н. Фрейман жаҳоннинг таниқли шахматчилари Алёхин, Рубинштейн, Шлехтер, Ласкер, Тейхман, Шпильман ва бошқалар билан яккама-якка куч синашган.

С.Н.Фрейман зўр амалиётчи ҳамда машҳур шахмат назариётчиси. У баъзи назарий таҳлилларни “Тошкент варианты” деб атаган, адабиётда улар Фрейман номи билан юритилади.

Ўзбек шахматчиларининг кўпини маҳоратини оширишда, шахматни оммалаштиришда, Сергей Николаевич Фрейманнинг хизматлари катта.

**Н.Н.Руднев** (1895–1944). 1926 йили Харьковдан Тошкентга кўчиб келади ва умрининг охиригача шу ерда яшайди. Николай Николаевич Руднев ихтисоси бўйича музикачи эди. У билан бирга ишлаган аввалги Ҳамза номли, ҳозирги Тошкент академик драма театри ходимлари ниҳоятда камтар бу инсонни ҳозир ҳам ҳурмат билан эсга олишади.

1924 йил Мангеймда ўтказилган шахмат конгрессининг бош турнирида эришган ютуқлари учун Н.Рудневга шахмат бўйича спорт устаси унвони берилади.

Николай Николаевич Руднев 1927 йил Тошкентда ўтказилган шахмат бўйича Ўрта Осиё турнирида қатнашиб,

Фрейман билан биринчи ва иккинчи ўринларни бўлишади ҳамда қўшимча матчда чемпион бўлади. 1932 йил Ўзбекистон чемпионатида Фреймандан кейин иккинчи ўринни, 1938 йил биринчи ўринни эгаллайди ва Ўзбекистон чемпиони бўлади.

**Азмиддин Хўжаев** (1892–1946). 1924 йилгача ўзбек шахматчилари амал қилиб келган эски қоидалардан халқаро қоидаларга ўтиши ва Ўзбекистонда шахматни кенг тарқалишига ҳисса қўшган ташаббускорлардан бири. Шахмат ўйнагани учун мадрасадан ҳайдалган, шунга қарамай шахматни тарк этмай, билганларини бошқаларга ўргатган.

Эски шатранж қоидаларидан халқаро янги қоидаларга ўтилгач, Азмиддин Хўжаев эски шаҳарда (Тошкент) шахмат тўғаракларини очиб, раҳбарлик қилади ва шогирд тайёрлайди, ўз маҳоратини йилдан-йилга оширади.

А. Хўжаев 1929 йил биринчи тоифали шахматчи бўлади. 1930 йил Самарқандда ўтказилган республика биринчилигида чемпион унвони берилади. Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони бўлади.

Азмиддин Хўжаев шахмат назариясини яхши биларди. Айниқса, эндшпиллар соҳасида маҳоратли эди. Спорт устаси В.Панов у ҳақда шундай ёзган: “Азмиддин Хўжаев – ўзбеклар орасидаги “европалашган” шахматчи. У Ўзбекистон Чигорини – миллий шахмат кадрлари устози ҳамда тарбиячисидир”.

**Пўлатхон Саидхонов** (1892–1950). Ўзбекистонда шахматни ривожлантиришга ҳисса қўшган қалдирғочлардан. Қўқонлик Пўлатхон Саидхонов 1927 йилдаёқ мамлакатимизда моҳир шахматчи сифатида танилган.

Ўша йили Москвада ўтказилган касаба союзлари биринчилигида қатнашган Пўлатхон ярим финалгача ютқазмай финалда спорт устаси Василий Пановни енгган.

Шиддатли комбинациялари билан барчани ўзига маҳлиё қилган Пўлатхон Саидхонов ўта қобилятли шахматчи эди. Республикамиздаги кўп шахматчилар Пўлатхон Саидхоновни устоз деб билади.

**Г. Шахзода** (1913–1976). 1913 йил Самарқанд шаҳрида туғилган. 30-йилларда моҳир шашкачи сифатида танилган. 1935–1936 йиллар шахмат билан ҳам жиддий шуғулланди, 1945 йилги республика чемпионатида 3–4–5-ўринни бўлишиб олди.

1950 йил Республика чемпиони бўлди. Шахзода 1948, 1951, 1953, 1960 йилларда ўтказилган собиқ СССР жамоа биринчиликларида Ўзбекистон терма жамоаси таркибида қатнашди, 1948 йил унга спорт устаси унвони берилди.

**А.В.Грушевский** 1932 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Александр Васильевич Ўзбекистон шахматчилари орасида энг кўп муваффақият қозонган. 1949–1964 йилларда ўтказилган чемпионатларда қатнашиб, ўн марта ғолиб чиққан. Бундан ташқари мамлакат шахсий ва жамоа биринчиликларида ҳам фаол иштирок этган. А.Грушевский рақиби ким бўлишидан қатъи назар тахтада содир бўлган вазиятга аниқ баҳо бера олган.

У 1951 йил спорт усталигига номзод, 1960 йил собиқ СССР спорт устаси бўлди. А.Грушевский қўллаган кўп партияларга шахмат тўғрисидаги адабиётларда кенг ўрин берилган. А.Грушевский 1959 йили Москвада СССР халқлари иккинчи спартакиадасида белоруссиялик халқаро спорт устаси Г.Вересовни, 1966 йил СССР биринчилигида халқаро гроссмейстер А.Суэтинни енгиб, анча танилганди.

**Е.Б.Мухин.** Ўзбекистонлик шахматчилар Евгений Борисович Мухинни гроссмейстерларнинг “кушандаси” дейишади. Мухин 1946–1950 йиллар Тошкентдаги ўқувчилар саройи қошидаги шахмат тўғарагида шахмат сирларидан воқиф бўлган. 1952 йил республика катталар чемпионатида 4–7-ўринга даъвогарлик қилди ва пешқадамлар қаторига ўтди. Унинг комбинацион қобилияти тобора сайқал топиб борди. Шу туфайли спорт усталари билан бўлган учрашувларда ҳам ғолибликни қўлга киритди.

1953 йил Ленинградда ўтказилган СССР жамоа биринчилигида спорт устаси Шамаевни енггани кўпчиликка кутил-

маган ҳодисадек туюлди. Лекин бу ғалаба Мухин маҳорати тобора ортиб бораётганлигидан далолат эди. 1955 йилги республика чемпионатида Мухин 2–3-ўринни эгаллаб СССР спорт усталигига номзод бўлди. 1967 йил СССР спорт усталиги талабларини бажарди. Мухин тактик маҳоратли, мураккаб ҳисобларни тез бажарарди. Унинг қобилиятли шахматчи эканлигини гроссмейстерлар ҳам эътироф этишган.

**Г.Агзамов** (1954–1986). Ўзбекистоннинг биринчи гроссмейстери Георгий Агзамов 1954 йил Тошкент вилоятининг Олмалиқ туманида туғилган. 20 ёшида СССР спорт устаси талабини бажарган. 1981 йил СССР халқлар спартакиадасида Ўзбекистон терма жамоаси сафида биринчи тахтада уч нафар жаҳон чемпиони – М.Таль, Т.Петросян ва Б.Спасский ҳамда Л.Полугаевский ва М.Тайманов каби гроссмейстерлар билан ўйнаган.

1982 йил халқаро спорт устаси ва 1984 йил халқаро гроссмейстер унвонларини олган. Икки йилда 6 та халқаро турнир ғолиби бўлган ва 5 марта гроссмейстерлик талабини бажарган. 1986 йил Севастопольда бахтсиз воқеа туфайли 31 ёшида вафот этган.



Ўзбекистонлик биринчи гроссмейстер Георгий Агзамов хотирасига бағишланган “Toshkent Open” XII халқаро турнирининг очилиш маросимидан фотолавҳа

Ўзбекистон шахмат федерацияси 2007 йилдан буён ҳар йили Тошкент шаҳрида Георгий Агзамов хотирасига бағишлаб шахмат бўйича халқаро турнир ўтказиб келмоқда.

**Мамажон Муҳитдинов** (1927–2002). 1927 йил Наманган вилоятида туғилган. Марказий Осиёда шахмат бўйича биринчи спорт устаси (1956 йил). 4 марта Ўзбекистон чемпиони (1952, 1954, 1957, 1965 йиллар). 1965 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий унвони берилган. 1987 йилдан халқаро тоифадаги ҳакам бўлган.

1949 йил Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини тугатгач, 1960 йилгача темир йўл бошқармасида муҳандис, 1960 йилдан 1971 йилгача республика ўқувчилар саройидаги шахмат тўғарагида ва мамлакат шахмат терма жамоасида бош мураббий бўлган.

1971 йилдан 1981 йилгача Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих институтида илмий ходим бўлган, тарих фанлари номзоди.

1961 йилдан 1982 йилгача Ўзбекистон шахмат федерациясига раислик қилган. 1956 йилдан “Совет Ўзбекистони” газетаси шахмат бўлимида ва 1967 йилдан “Гулистон” журналида муҳбир бўлган.

Узоқ йил “Ўзбекистонда шахмат маданияти тарихи” мавзусида тадқиқот олиб борган. Шахмат назарияси ва услубига оид дарслик, оммабоп китоблар ёзган ва таржима қилган.

Жисмоний тарбия ва спортга қўшган ҳиссаси учун 1997 йил “Дўстлик” ордени билан мукофотланган. Унинг шахмат ўйинига доир “Шахмат ва адабиёт”, “Ўзбекистонда шахматчилик”, “Ақл мўъжизаси”, “Аъзамовлар сулоласи”, “64 катак – 32 дона”, “Шарқ – шахмат ватани”, “Азмиддин Хўжаев хотира турнирлари”, “От суриб, фил ўйнатиб”, “Соҳибқирон дона сурганда”, “Катакларда яширинган олам”, “Шахмат”, “Мароқли ҳикоялар” каби асарлари ҳозиргача китобхонлар томонидан қизиқиш билан ўқилмоқда.

Ажойиб мураббий, шахмат жонкуяри ва фидойиси Мамажон Муҳитдинов 2002 йил 8 февралда 75 ёшида вафот этган.

## Шахмат бўйича Ўзбекистонлик биринчи жаҳон чемпиони ва унинг издошлари

**Рустам Машрукович Қосимжонов** 1979 йил 5 декабрда Тошкентда туғилган. 5 ёшидан А.В. Грушевский раҳбарлигида шахмат билан шуғуллана бошлаган. 1990 йил ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони, 1994 йил 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони (Қатар), 1996 йил халқаро спорт устаси, 1997 йил катталар ўртасида Ўзбекистон чемпиони, халқаро гроссмейстер.

1998 йил катталар ўртасида Осиё чемпионати ғолиби (Эрон), 1999 йил 20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори (Арманистон), 2002 йил жаҳон Кубоги совриндори (Ҳиндистон).

2004 йил Ливиянинг Триполи шаҳрида бўлиб ўтган ФИДЕ чемпионатининг финалида ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжонов англиялик Майкл Адамсни мағлуб этиб, **ФИДЕ таснифи бўйича XVII жаҳон чемпиони** бўлди. 2015 йил рейтингини – 2715 баллга етказди. Чемпионлик даври – 1 йил (2004–2005).

Ўзбек ўғлони тарихий ғалабаси билан муқаддас заминимизда камолга етган буюк зотларга муносиб ворис эканини амалда исботлади. Бу ғалаба ўзбек халқининг юксак салоҳият, бой ақл-заковат соҳиби сифатида жаҳон миқёсидаги обрўсини ҳамда ватанимиз шон-шуҳратини оширди. Унинг ғалабаси мамлакатимиз ёшларининг шахматга нисбатан қизиқишини ошириш баробарида жаҳон ареналарида иштирок этишларига ҳам катта туртки бўлди.

2000 йил Р. Қосимжонов “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвонига сазовор бўлган. 2004 йил “Амир Темур” ордени билан мукофотланган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги „Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари



тўғрисида”ги фармони юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга қаратилган бўлиб, мамлакат спортчиларининг халқаро майдонларда муносиб иштирок этишини таъминлаш зарурлиги белгиланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралда тасдиқланган 2019–2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги қароридан республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, барча аҳолини, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш, мамлакатдаги спорт инфратузилмасидан тўлақонли ва самарали фойдаланишни таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланган.

Бошқа спорт турлари қатори шахматга бўлган эътибор ҳам кучаймоқда. Ўзбекистоннинг биринчи президенти И.Каримов ташаббуси билан Тошкент шаҳрида биринчи “РИБЎСМ” (Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби) ташкил этилди. Бу эса ёшларимизнинг халқаро турнирлар, Жаҳон чемпионатлари ва Олимпиадаларда иштирок этиши учун кенг имконият яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2018 йил 9 августдаги ПҚ–3906 сонли “Ўзбекистонда шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қароридан сўнг, мазкур “РИБЎСМ”га “Халқаро шахмат академияси” мақоми берилди.

Шахмат бўйича кўплаб мусобақалар ўтказилмоқда. Бир қатор ҳамюртларимиз жаҳон тан олган шахматчилар билан тенгма-тенг дона сурмоқда. Бунинг исботи сифатида 2019 йил Туркиянинг Конья шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон Шахмат Олимпиадасида рекорд натижа кўрсатишди. Россия, Хитой, Украина ва Ҳиндистон гроссмейстерларини енгиб, илк марта олтин медални қўлга киритишди. Ушбу натижа тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилди.



### Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Бутунжаҳон Шахмат Олимпиадаси ғолиби

Бундан ташқари уларга муносиб ўринбосарлар (ёш спорт усталари) ҳам вояга етмоқда. Яна бир ютуқ шуки, иқтидорли шахматчимиз Жавоҳир Синдаров 12 ёшида гроссмейстерлик талабини бажариб, жаҳондаги энг ёш гроссмейстерлар рўйхатидан жой олди. Нодирбек Абдусатторов 13 ёшида, Нодирбек Якуббоев ва Шамсиддин Воҳидов эса 17 ёшида гроссмейстерлик талабини бажаришди. Бундай иқтидорли шахматчилар сафи ортиб бормоқда.

Мўминова Нафиса Ўзбекистондаги аёллар орасида биринчи бўлиб гроссмейстер бўлган шахматчи ҳисобланади. У 2002 йил Ўзбекистон чемпиони, 2008 йил Осиё чемпионати ва 2010 йилги Жаҳон чемпионатида кумуш медаллар соҳибаси бўлган.

Ҳозирда Нафисанинг издошлари Гулрухбегим Тохиржонова, Нодира Нодиржонова, Сарвиноз Қурбонбоева, Севара Боймуродова, Ирина Геворгян, Баҳора Абдусатторова, Ситора Сапарова, Нилуфар Ёқуббоева ҳамда ёшларимиздан Умида Омонова ва Афрўза Хамдамовалар халқаро аренаalarda Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.



### Шахмат бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари


Бундан ташқари 6 ёшли Хумоюн Бекмуродов энг ёш спорт усталигига номзод шахматчи бўлиб, номи Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Ёш, иқтидорли шахматчиларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Бунинг барчаси юртимизда спортга берилаётган эътибор самарасидир.

## IV БОБ. ШАХМАТ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

### Шахмат тахтаси


Шахмат энг қадимий ўйинлардан бири. У гўёки икки лашкарнинг жанг санъатини эслатади. Лекин бу ўйин фикрлар курашига асосланган ўзига хос санъатдир.

Шахмат тахтаси 64 та тенг катакларга бўлинган, 32 таси оқ ва 32 таси қора. Тахтанинг бўйи ва эни бўйлаб 8 тадан қаторлар жойлашган. Катакларни хоналар деб атаса ҳам бўлади. Ўйин учун тахта шундай туриши керакки, чап томондаги бурчак қора хона бўлиши керак (1-шакл):




1-шакл

Тахтанинг бўйига томон кетма-кет жойлашган хоналари – *вертикал қаторлар* дейилади. Улар шахматда 8 та бўлади. Ҳар бир вертикал қатор лотин – А (а), В (бе), С (це), D (де), Е (е), F (эф), G (же), H (аш) ҳарфлари билан белгиланган (2-шакл):



**2-шакл**


Пунктир (----) орқали кўрсатилган йўллар эса: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 рақамлари билан белгиланган ва улар – *горизонтал қаторлар* дейилади (3-шакл):




**3-шакл**

Тахтанинг бир хил рангдаги хоналарини туташтирувчи эгри йўллар эса – *диагонал катаклар* дейилади (4-шакл).

Изоҳ: Шаклда фақат оқ катаклар бўйича диагонал кўрсатилган:



*4-шакл*



## ТАХТАНИНГ БЎЛИНИШИ


**Шахмат тахтасини шартли равишда  
3 қисмга бўлиш мумкин:**

A1- A8 - C8- C1 тўртбурчагидан иборат қисми – *фарзин қаноти* (фланги) дейилади.

F1- F8- H8- H1 тўртбурчагидан иборат қисми эса – *шоҳ қаноти* (фланги) дейилади.

Шахмат тахтасининг F4- E4- D4- C4- C5 - D5 - E5- F5 квадратида иборат қисми – *катта марказ* дейилади.

Шахмат тахтасининг E4 - E5 - D4 - D5 квадратида иборат қисми эса – *кичик марказ* дейилади (5-шакл):



**5-шакл**

## КАТАКЛАРНИНГ НОМЛАРИ

Шахмат тахтаси билан танишиб чиқдик. Ўйин қоидалари ва доналарнинг ҳаракатини ўрганишдан олдин шахмат ёзуви, яъни алифбосидан фойдаланишни билиш зарур. Ҳатто, тахтага қарамай туриб, катаклар рангини билиш керак.

Тахтанинг ҳар бир катаги – вертикал ҳарф ва горизонтал рақам билан ифодаланган. Масалан, e4 хонасидан 2 та диагонал ўтказиш мумкин. (b1– h7 ва h1– a8). Тахтанинг ҳар бир катагини ёзувда ифодалаш учун шу хона жойлашган ҳарф ва рақамдан фойдаланилади, яъни уларни туташтирсак, катакнинг номи келиб чиқади.

Масалан: v1, c2, d3, e4, f5, ... ва ҳоказо (6-шакл):

8	a8	b8	c8	d8	e8	f8	g8	h8
7	a7	b7	c7	d7	e7	f7	g7	h7
6	a6	b6	c6	d6	e6	f6	g6	h6
5	a5	b5	c5	d5	e5	f5	g5	h5
4	a4	b4	c4	d4	e4	f4	g4	h4
3	a3	b3	c3	d3	e3	f3	g3	h3
2	a2	b2	c2	d2	e2	f2	g2	h2
1	a1	b1	c1	d1	e1	f1	g1	h1
	a	b	c	d	e	f	g	h

6-шакл



## Шахматчиларга дастлабки таълим бериш услуби

Машғулотга жалб қилинган ўқувчиларнинг аксарияти шахмат назарияси ҳақида маълумотга эга бўлмайди. Шунинг учун дастлаб уларга ўйиннинг мақсади, шахмат алифбеси ўргатилади. Тахта ва доналар ҳақида, уларнинг қисмларга бўлиниши, ўйин қоидалари, рокировка ва унинг турлари ҳақида тушунча берилади. Бундан ташқари шахматга доир адабиётларда учрайдиган қисқа белгилар ва шахматга доир атамалар ҳақида тушунтирилади.

### Ҳозирча дастлабки зарур атамалар билан

#### танишамиз:

- а) шакл** – шахмат тахтасининг тасвири;
- б) вазият, ҳолат** – шахмат тахтасидаги доналарнинг маълум бир ҳолатда жойлашуви;
- с) тахта** – шахмат ўйини ўйналадиган майдон, жой;
- д) хона** – шахмат тахтасидаги маълум катак;
- е) дона** – шахмат ўйинида иштирок этувчи пиёда ва сипоҳ.

### Машқ ва топшириқлар

1. Дафтарингизга шахмат тахтасини чизиб, вертикал бўйича ҳарфларни ва горизонтал бўйича рақамларни ёзинг.
2. Шахмат тахтаси ёрдамисиз хаёлда “d” вертикали ва 5-горизонталдаги катакларни оғзаки айтинг ва ёзинг.
3. a1–h8 ва h1–a8 қия катаклари бўйича худди шу тариқа хоналарнинг номларини оғзаки айтинг ва ёзинг.
4. Шахматтахтасидаги энг қисқа ва энг узун қия катакларни топинг, уларнинг сонини аниқлаб, дафтарингизга ёзинг.

## ШАХМАТ ДОНАЛАРИ

Шахмат тахтасида ҳамиша оқ доналар пастда, қора доналар юқорида жойлашган бўлади (7-шакл):



*7-шакл*

Шахмат ўйинида ҳар бир томонда 8 тадан сипоҳ ва 8 тадан пиёда, жами 16 та дона бўлади. Ўйинда 32 та дона иштирок этади. Сипоҳларнинг 5 та тури мавжуд: 1 тадан шоҳ ва 1 тадан фарзин, 2 тадан рух, 2 тадан фил ва 2 тадан от бўлади.

Оқ доналар 1 ва 2 горизонталда, қора доналар эса 7 ва 8 горизонталда терилиши шахмат адабиётларида ифодалаш учун асос қилиб олинган.

Амалда ўйновчининг чап томонидаги бурчак қора, ўнг томонидаги бурчак эса оқ рангда бўлиши шарт.

Оқ фарзин оқ катакда, қора фарзин қора катакда терилишини унутманг.

*Эслатма:* Фарзин ўз рангидаги катакда туради.

Шахмат доналари 2 қисмга бўлинади:

1) пиёдалар – 8 та.

2) сипоҳлар (фигуралар) – 8 та.

Сипоҳларнинг ўзи ҳам 2 қисмга бўлинади:

1) оғир сипоҳлар – фарзин ва рухлар.

2) енгил сипоҳлар – отлар ва филлар.

Адабиётларда доналарни ифодалаш учун қисқача белгилардан фойдаланилади (жадвалга қаранг).

т/ р	Доналарнинг ўзбекча номланиши	Доналарнинг русча номланиши	Қисқача белгиси	Доналар тасвири
1.	Шоҳ	Кароль	Ш	
2.	Фарзин	Ферзь	Фз	
3.	Рух	Ладья	Р	
4.	Фил	Слон	Ф	
5.	От	Конь	О	
6.	Пиёда	Пешка	-	


## ДОНАЛАРНИНГ ЮРИШИ

Энди доналарнинг юриш қоидаси билан танишамиз. Тахтада ҳаракатланувчи доналар турлича кучга эга.

ШОҲ – энг бебаҳо ва бош сипоҳ ҳисобланади. Ёзувда қисқача Ш ҳарфи билан белгиланади.

Айтайлик, шоҳ марказда d4 хонасида жойлашган бўлсин (8-шакл). У ҳолда – Шd4 тарзида ёзамиз. Энди унинг ҳаракат доирасини кўриб чиқайлик.

**Шоҳ фақат бир хона юра олади.**



**8-шакл**

Шоҳ ҳимоясиз рақиб донасини ютиб олиши мумкин. Ютиб олинган сипоҳ ўйинда қайта иштирок этмайди. “Кишт бериш” – рақиб донасининг шоҳга ҳужумидир. Икки шоҳ бир-бирига ёнма-ён туриши мумкин эмас.

“Мот” – бу кишт берилганда шоҳнинг юриш имкониятлари тўла чекланган ҳолатидир. Шоҳ юра олмаса “мот” бўлади. Демак, ўйин ниҳоясига етган ҳисобланади. Шоҳни уриб олиш мумкин эмас.


## ФАРЗИН

**Фарзин** – шахмат сипоҳлари ичида энг кучлиси. Чунки у ҳаракатчан ва эпчил дона. Ёзувда қисқача **Фз** ҳарфи билан белгиланади.

Фарзин ҳам шоҳ сингари юриши ва ютиши мумкин. Лекин фарқ шундаки, шоҳнинг ҳаракат доираси фақат ён қўшни катаклар билан чегараланса, фарзин шу йўналишлар бўйича исталган катакларга юра олади.

8-шаклдаги вазиятда шоҳнинг ўрнига фарзинни қўйиб кўрамиз. Шоҳ бу хонадан 8 та катакка юриши мумкин эди. Фарзин эса бир йўла 27 та катакка юриш имкониятига эга (9-шакл).

Демак, фарзин шоҳга нисбатан анча тезкор! У узоқдаги рақиб доналарини ҳам бемалол юта олади.




**9-шакл**

Фарзин – вертикал, горизонтал ва диагонал бўйлаб хоҳлаган катаккача юра олади.

## РУХ

**Рух** – фақат вертикал ва горизонтал бўйлаб тўғри юрувчи сипоҳдир. Ёзувда қисқача **Р** ҳарфи билан белгиланади.

10-шаклда рухнинг ҳаракатланиш имкониятлари кўрсатилган. Бўш тахтанинг қаерида турганлигидан қатъи назар, рух 14 та хонага юриши мумкин.



**10-шакл**

Рух фарзидан деярли икки баробар кучсиз, чунки у қия йўлақлар бўйлаб (фарзин сингари) юриш ҳуқуқидан маҳрум. Бироқ икки рух ҳамжиҳатликда ёлғиз фарзидан кучлироқ ҳисобланади.


### **Машқ ва топшириқлар**

1. Рух вертикал бўйлаб нечта хонани босиб ўтиши мумкин? Горизонтал бўйлаб-чи?

2. Фарзинни а8 хонасига қўйинг. У нечта хонага юриш қилиши мумкин? Ушбу юришларни дафтарингизга ёзинг.

## ФИЛ

**Фил** – диагонал бўйлаб ҳаракатланувчи енгил сипоҳ ҳисобланади. Ёзувда қисқача **Ф** ҳарфи билан белгиланади. е5 хонасидаги фил фақат а1–h8 ва h2–b8 қия йўлаклари бўйлаб исталган хонага юриш ҳуқуқига эга (11-шакл).



**11-шакл**

Рақибларда ўйин пайтида 2 тадан фил бўлиб, булардан бири оқ катаклар бўйлаб, иккинчиси эса қора катаклар бўйлаб юради.

Оқ хоналар бўйича юрувчи фил – **оқ фил** деб аталади.


Қора хоналар бўйича юрувчи фил эса – **қора фил** деб аталади.

11-шаклдаги вазиятда е5 хонасидаги фил фақат қора хоналар бўйлаб юра олади. Марказда турган фил 13 та хонага юриш имкониятига эга. Бурчакда турган фил эса фақат 7 та катакка юра олади.

Юқорида келтирилган мисоллардан шундай хулоса чиқариш мумкин: марказий хоналарда жойлашган ҳар қандай сипоҳ – чекка хоналардаги сипоҳдан кучлироқ.

## ОТ

**От** – фарзин, рух ва филга нисбатан бошқача ҳаракат қиладиган сипоҳ. У ҳаракатни бир йўналишда бошлаб, иккинчи йўналишда тугатади. Ёзувда қисқача **О** ҳарфи билан белгиланади. Шахмат адабиётларида: от – “Г” ҳарфи шаклида юради, – дейилган (12-шакл):



**12-шакл**

Отнинг ҳар бир юришида катакнинг ранги алмашади. Яъни, оқ хонада турган от кейинги юришда албатта қора хонага юради.

Марказда турган от – 8 та хонага юра олади.

Бурчакда турган от эса фақатгина 2 та хонага юриши мумкин. Бундан кўришиб турибдики, марказдаги от кўп хоналарни ўз назоратига олади.


Отнинг яна бир хусусияти – ўзининг ва рақибининг доналари устидан бемалол сакраб ўта олишидир. Шахматда бошқа ҳеч бир дона бундай имкониятга эга эмас. Енгил сипоҳлар туркумига кирувчи от ва фил – куч жиҳатдан деярли тенг.



## ПИЁДА ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ


**Пиёда** – шахмат қўшинидаги жанговар аскарлардир. Ҳайъатда томонларда 8 тадан жами 16 та пиёда иштирок этади (7-шакл). Уларнинг бошланғич ҳолати худди сафда турган аскарларга ўхшайди. Пиёдаларни ёзувда ифодалашда фақат турган хоналарини кўрсатиш кифоя.

Пиёдаларнинг юриши ўзига хос: у фақат олдинга юриди (вертикал бўйлаб). Пиёдалар фақат бир хона силжий олади. Бошланғич вазиятда эса икки хона олдинга юриши ҳам мумкин. Бундай имконият пиёдага фақат бир марта, ўзининг бошланғич вазиятида берилади (13-шакл):



**13-шакл**

Пиёдалар рақиб доналарини ютиб олиши, шоҳга “кишт” бериши мумкин. Пиёдаларни ўйлаб, эҳтиёткорлик билан юриш лозим, чунки улар орқага юрмайди ва орқадаги донани уриб ололмайди. У қаршисида турган донани эмас, балки қўшни вертикалдаги донани қия (диагонал) шаклда уриб олиш ҳуқуқига эга (14-шакл):



**14-шакл**


Пиёдаларнинг яна бир хусусияти – **йўлда уриб олиш** қоидасидир. Доналарни уриб олиш қоидасига кўра, ҳамма ҳоллардагидек “йўлда уриб олиш” мажбурий эмас.



**15-шакл**

**“Йўлда уриб олиш” қондаси шундай ифода этилади:** агар пиёда дастлабки ҳолатидан икки хонага юрса ва шу билан рақиб пиёдаси зарбаси остида бўлган хонани босиб ўтса, унда рақибнинг пиёдаси йўли очиқ пиёдани ютиб олиш ҳуқуқига эга (15-шакл).

Пиёданинг яна бир хусусияти қизиқарли: у охирига қаторга етиб борса, (оқларники саккизинчига, қораларники биринчига) юриш чегараси тугайди ва пиёда – фарзинга, рухга, филга ёки отга “айланади”. Пиёда ўрнига янги шоҳни қўйиш мумкин эмас. Бу шахмат ўйини қондасига зид (16-шакл):



**16-шакл**

Охирига қаторга етиб борган пиёдани қайси сипоҳ деб эълон қилиш, тахтада қайси сипоҳ борлигидан қатъи назар ўйновчининг хоҳишига боғлиқ. Шунинг учун тахтада назарий жиҳатдан 9 тагача фарзин бўлиши мумкин. Шунингдек, рух, фил ва отларнинг сони ҳам чекланмаган. Оқ пиёда ўрнига оқ, қора пиёда ўрнига эса албатта, қора сипоҳ қўйилади.

Пиёдалар, одатда сўнгги қаторга етганда энг кучли сипоҳ – фарзинга айланади. Лекин шундай вазиятлар бўладики, фарзин ўрнига бошқа сипоҳ, масалан: рух, фил ёки отни қўйиш фойдалироқ.

Пиёда сипоҳларнинг барчасидан кучсиз. Шундай бўлсада, машҳур француз шахматчиси Франсуа Филидор пиёдаларга шундай таъриф берган: **“пиёдалар – шахматнинг жонидир”**.

## ШОҲНИ ЯШИРИШ – РОКИРОВКА

Доналарнинг ҳаракатланиш қоидалари билан танишиб чиқдик. Лекин шахмат ўйинида яна бир ўзига хос юриш мавжуд. Бу катта жанг арафасида шоҳни яшириш, яъни “рокировка” қилиш қоидасидир.

Рокировкада бир йўла икки сипоҳ – шоҳ ва рух билан юриш имконияти берилади. Рокировкани томонлар ўйинда фақат бир мартадан қўллашлари мумкин. Маълумки, шоҳ ўйин бошида марказий йўлда жойлашган бўлади. Уни қанот (фланг)лардан бирига, яъни хавфсиз жойга олиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Рокировка шу мақсадда қўлланилади.

### Рокировканинг 2 хил тури мавжуд :

1. **Кичик рокировка** – шоҳ қаноти томонга бажарилади.
2. **Катта рокировка** – фарзин қаноти томонга бажарилади.

Кичик рокировка қуйидагича амалга оширилади (17-шакллар):



**17-(а) шакл**

Кичик рокировкадан  
олдинги ҳолат



**17-(б) шакл**

Кичик рокировкадан  
кейинги ҳолат

Шоҳни бошланғич ҳолатдан бир хона ташлаган ҳолда кейинги хонага, рухни эса шоҳнинг бошқа томонидаги хонага олиб ўтиб ёнма-ён қўйилади. Рокировка қилганда аввал шоҳ, сўнгра рух жойидан қўзғатилади. Рокировкани иккала томонга ҳам қўллаш мумкин.

Катта рокировка қуйидагича амалга оширилади (18-шакллар).



**18-(а) шакл**

Катта рокировкадан  
олдинги ҳолат



**18-(б) шакл**

Катта рокировкадан  
кейинги ҳолат

### **Рокировка қилиш қуйидаги ҳолларда мумкин эмас:**

1. Рокировка вақтида шоҳ ва рух орасида ўзининг ёки рақибининг сипоҳи турган бўлса.
2. Рокировкада қатнашадиган шоҳ ёки рух юрган бўлса (аввал юриб, кейин яна жойига қайтиб келган бўлса ҳам).
3. Шоҳга кишт берилган пайтда.
4. Рокировка қилинган, шоҳига кишт бўлиб қолса.
5. Шоҳ (фақатгина шоҳ) рокировка пайтида рақиб донларининг зарбаси остидаги хонадан ўтса.

## ЎЙИН ҚОИДАЛАРИ

Шахмат ўйини оқ ва қора доналарнинг курашига асосланган.

Ўйновчи томонлардан бири оқ, иккинчиси қора доналарни бошқаради. Уларни рақиблар деб атаймиз. Одатда, шахмат ўйини икки рақиб ўртасида ўйналади. Дастлаб томонларда кучлар тенг, яъни 16 тадан дона бўлади.

Ўйинда томонлар навбат билан юришади. Ўйинни оқлар бошлайди. Қоралар жавоб юришини амалга оширади. Юриш галида фақат битта дона юриш мумкин (рокировка қоидаси бундан мустасно).

Юриш галини ўтказиб юбориш ёки юришни қайтариб олиш тақиқланади (бу ўйин қоидасига зид).

Шахмат доналари нафақат ташқи кўриниши, балки ҳаракат қоидалари, кучи билан ҳам фарқланади.

Ўйиннинг энг муҳим донаси – шоҳ ҳисобланади.

Агар шоҳ юриш имкониятларига эга бўлмаса, яъни кишт берилганда мот бўлса, шу томон ўйинни ютқазган бўлади. Шунинг учун шоҳ доимо ҳимояланади.

Шахмат ўйинининг бош мақсади шу асосда қурилган.

Томонлардан бири ўйин ҳолатига қараб, шоҳи мот бўлмасдан олдинроқ ўзини ютқазган ҳисоблаши, яъни таслим бўлиши мумкин. Рақиблар ўзаро келишган ҳолда маълум вазиятда (имкониятлар барабар бўлса), ўйинни дуранг ҳисоблашлари ҳам мумкин.

Мусобақа вақтида ютган томонга 1 балл, ютқазган томонга 0 балл берилади. Ўйин дуранг натижа билан тугаса, балл икки томонга бўлинади, яъни 0,5 баллдан берилади.

Ўйин учун ажратилган муддат – **назорат вақти** дейилади.

Шахматда ўйлаш вақтини чегаралаш учун мусобақаларда махсус соатлар қўлланилади. Вақт иккала томон учун бирдек тақсимланади, назорат вақти турлича бўлиши мумкин.

Ўйин учун ажратилган вақт давомида рақиблардан бири ўз вақтини тугатиб қўйса, шу томон ўйинни ютқазган ҳисобланади.

Расмий мусобақаларда (баъзан оддий ўйинларда) юришлар ёзиб борилади. Вақт танг ҳолатларда (цейтнот ҳолатида) ёзиш вақтинча тўхтатилиши мумкин.

Ўйин вақтида рақибга турли йўллар билан халақит бериш, айтайлик, гапириш, столни чертиш кабилар тақиқланади. Шахмат инсонни сабр-тоқатли, интизомли ва иродали бўлишга ўргатади.

Юқорида айтиб ўтилган қоидалардан ташқари, мусобақаларда (турнир ва матчларда) яна қуйидаги қоидалар ҳам борки, уларга риоя қилиш ҳам мажбурий:

1. Ким ўзининг қайси донасини ушласа, ўша донани юришга мажбур бўлади. Буни *“ушлаганни юриш”* дейилади.

2. Кимки рақиб доналарини бирини ушласа, ўша донани уриб олишга мажбур бўлади.

3. Донани бир хонадан иккинчи хонага олиб қўйиб, ундан қўл узгандан кейингина юриш қилинган ҳисобланади.

4. Агар доналарни катакчаларга тўғрилаб қўйиш зарурати туғилса, унда *“тўғрилаяпман”* деб огоҳлантириш керак.

5. Донани қайси қўл билан юрса, соатни ҳам шу қўл билан босиш керак. Шахматни икки қўлда ўйнаш қоидага зид.

6. Томонлар бир-бирининг шоҳига ҳужум қилганда, *“шоҳ”* деб айтишлари шарт эмас, ўйновчиларнинг ўзлари кўришлари керак.

Шахмат ўрганувчиларга мусобақаларда ўйнаган партияларини ёзиб боришга одатланиш тавсия қилинади. Чунки улар томонидан қўйилган хато ва камчиликлар мураббий томонидан тушунтирилиши керак. Бу билан улар ўз ўйинларини таҳлил қилади, йўл қўйган хатоларини топади ва тузатади.

## ШАХМАТ НОТАЦИЯСИ

Шахмат тахтасидаги ҳар бир хона ўз номига, ҳар бир сипоҳ эса ўзининг қисқа ифодасига эга. Махсус белгилар ёрдамида партия, яъни тахтадаги сипоҳларнинг юриши ёзиб борилади.

Бундай ёзиб бориш – **шахмат нотацияси** дейилади. Унинг ёрдамида турли вақтларда турли шахматчилар томонидан ўйналган партияларни ўқиш ва ўз партияларини ёзиб бориш мумкин.

Хоналар ва сипоҳлар ифодасини билиб, ҳар қандай вазиятни осонгина ёзиб оласиз. Партияни ёзиб олиш учун аввал юриш рақами, кейин доналарнинг қисқача белгиси ҳамда катакнинг номи ифодаланади.

Шахмат адабиётларидан фойдаланганимизда бир қанча қисқа белгиларга дуч келамиз. Улар билан танишамиз.

### Қисқа белгилар:

1. (-) – юриш
2. (:) – уриш
3. (+) – шоҳ
4. (++) – икки ёқлама шоҳ
5. (x) – мот
6. (0-0) – кичик рокировка
7. (0-0-0) – катта рокировка
8. (!) – яхши юриш
9. (!!) – кучли юриш
10. (?) – ёмон юриш
11. (??) – қўпол хато
12. (+ -) – оқларда устунлик
13. (- +) – қораларда устунлик
14. (=) – вазият тенг



## **Шахмат ўйинини чуқур ўргатиш ва уни таҳлил қилиш**

Шахмат ўйинини чуқурроқ ўрганиш учун – доналарнинг бир-бирига нисбатан кучини, ҳужум қилиш ва ҳимояланиш усулларини, ўйин давомида аниқ ва тўғри режа тузишни билиш керак.

### **Доналарнинг нисбий кучи**

Шахмат тахтасидаги кураш – рақибларнинг бир-бирига ҳужум қилиши ва ҳужумдан ҳимояланиш тарзида давом этади. Ана шундай ҳужум қилиш ҳамда ҳимояланиш пайтида доналар алмаштириб турилади ва натижада, устунликка эришган томон ғалаба қилади. Демак, доналарни алмаштиришдан олдин уларнинг бир-бирига нисбатан кучини билиш керак. Акс ҳолда, алмаштириш ёрдамида фойда қиламан деб зарар кўриш мумкин.

Маълумки, доналар қанчалик ҳаракатчан бўлса, уларнинг кучи ҳам шунчалик зўраяди. Лекин шуни айтиш керакки, доналарнинг бир-бирига нисбатан кучи ҳамма вақт ҳам бир хил бўлавермайди. Шахмат ўйинида доналарнинг қуйидаги қиймат бирлиги мавжуд:

- 1. Фарзин – 9 балл.**
- 2. Рух – 5 балл.**
- 3. Фил – 3 балл.**
- 4. От – 3 балл.**
- 5. Пиёда – 1 балл.**

Ушбу қиймат бирлигини ҳисобга олиб, шахматчилар доналарнинг қайси бирини қай ҳолатда бошқасига алмаштириш кераклигини билиб оладилар. Агар тахтадаги мавжуд доналарнинг бир-бирига нисбатан кучи бўйича бир томон иккинчисидан юқори бўлса, ўша томон *доналар устунлигига эришди* дейилади.

Бундай устунлик деярли ҳамма вақт ютуққа замин бўлади.  
Устунлик 2 хил:

**1. Моддий устунлик** – доналар сони жиҳатидан.

**2. Вазият устунлиги** – доналар жойлашуви жиҳатидан.

### **Ҳужум қилиш ва ҳимояланиш**

Шахмат ўйинида ҳужум қилиш ва ҳимояланиш мавжуд.  
**Ҳужум қилиш** деганда – кейинги юриш билан рақибнинг бирор-бир донасини уриб олиш хавфи тушунилади.

Рақиб донасини йўқотиш учун унга ҳужум қилиш керак. Ҳужум бир томонлама ёки ўзаро бўлиши мумкин. Ҳужум қилиш ва ҳимояланиш ҳамда доналарни алмаштириш пайтида уларнинг бир-бирига нисбатан кучини ҳисобга олиш зарур. Ҳужум қилганда шахматчи ўз шоҳининг хавфсизлигини ҳам унутмаслиги керак. Бу нарса шахматда жуда муҳим.

Ҳужум қилинганда ҳимояда турган томон қўйидаги усуллардан бирини қўллаши мумкин:


- 1) ҳужум қилаётган сипоҳни йўқ қилиш (олиш);
- 2) ҳужум қилинган сипоҳни ҳимоя қилиш;
- 3) ўз сипоҳи билан рақиб сипоҳига ҳужум қилиш;
- 4) ўз сипоҳи билан зарбадан кетиш;
- 5) ҳужум қилаётган сипоҳнинг йўлини тўсиш.

Шахматчи ўз тажриба ва билимига суяниб, ҳимояланишнинг турли имкониятларидан ўзига фойдали деб билганини танлайди.

Ҳимоя – ҳужум қилинган сипоҳни олиш фойдали бўлмай қоладиган жавоб юришидир.

## ИККИ ЁҚЛАМА ЗАРБА

Шахмат ўйинида шундай бир юриш борки, унда сипоҳ бир вақтнинг ўзида рақибнинг икки донасига бирваракайига ҳужум қилади. Бундай юришга – **икки ёқлама зарба** дейилади (19–20-шакллар):




19-шакл




20-шакл

Қуйида сизга **“икки ёқлама зарба”** мавзусига доир бўлган мисоллардан намуна келтирамиз. Тахтада юзага келган вазиятга ҳамда амалга оширилган комбинацияга диққат билан эътибор қилинг (21–22-шакллар):



21-шакл



22-шакл

## ЎЙИНДАГИ РЕЖА ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Шахмат тахтасида вужудга келадиган чексиз ўзгаришлар, ўйновчиларқиладиган юришлар натижаси бўлиб, буюришлар тасодифий эмас. Ҳар бир юриш қандайдир афзалликка эришишни, уларнинг йиғиндиси эса ғалаба қозонишдан иборат бўлган умумий мақсадни кўзлайди. Умуман режасиз ўйнагандан кўра, хато бўлса ҳам режали ўйнаган яхши.

Маълум мақсадларни кўзда тутган бир неча юришлар ўйин режасини ташкил этади. Режа олдиндан тузилади ва бу – шахмат стратегияси деб аталади. Бу режани амалга ошириш эса – шахмат тактикаси ҳисобланади.

**Стратегия** – мақсадга эришиш учун нима қилиш кераклигини, қандай вазифаларни ҳал қилиш лозимлигини аниқлаб беради. Мақсадни амалга оширишдаги босқичлар – тактикадир.

**Тактика** – ҳар бир вазифани тахтада вужудга келган муайян вазиятларга қараб ҳал қилади, яъни ўйновчи энг яхши юришларни танлаб, уларни изчил равишда амалга оширади.

23 ва 24-шакллардаги масалаларда оқлар бошлаб ғалаба қозонади. Жавобни топишга ҳаракат қилиб кўринг.



23-шакл



24-шакл

Изчил давом эттирилган ҳар бир шахмат партияси стратегия ва тактиканинг бирлигидан намунадир. Шахматчи ўйиннинг маълум бир босқичида вазиятни таҳлил қилиш йўли билан стратегик режа тузади ва кейинчалик уни зарур тактик воситалар ёрдамида амалга оширади. Унинг аналитик қобилияти қанчалик зўр бўлса, режаси шунчалик таъсирчан ва натижа кўнгилдагидек бўлади.

Шахматчилар машғулот давомида ўйин услубини чуқурлаштириб боради. Шахмат назариясига доир билимларини амалда қўллаш учун улар ўртасида ўртоқлик учрашувлари ўтказилади. Улар ўйнаган партияларини ёзиб боришлари керак. Барча партиялар мураббий ва тўғарак аъзолари билан биргаликда таҳлил қилинади.

Шахмат адабиётларидан таниқли гроссмейстер ва жаҳон чемпионлари ўйнаган партияларни вақти-вақти билан таҳлил қилиб бориш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Чунки бундай таҳлиллар шахматчининг вазиятга тўғри баҳо бера олишига катта ёрдам беради.

Назария ва амалиёт уйғунлашса, шахматчилар малакаси ошиб боради ва мусобақаларда яхши натижалар кўрсатишади. Чунки бу– тажрибада бир неча марта қўлланилган ва ўз исботини топган усулдир.

### **Машқ ва топшириқлар**

1. Рокировканинг неча хил тури мавжуд ва улар ёзувда қанақа белги билан ифодаланади?

2. Шахмат адабиётларида учрайдиган қисқача белгиларни айтиб беринг ва уларни дафтарингизга ёзинг.

3. Доналарнинг солиштирама куч бирлигини айтинг ва уларни дафтарингизга ёзинг.

4. Шахмат ўйини қоидаларини айтиб беринг ва ўзингиз ҳам шу қоидаларга амал қилинг.

## КИШТ БЕРИШ ВА МОТ (оғир сипоҳлар билан)

Шахмат ўйинидаги бош мақсад – рақиб шоҳини мот қилишдан иборат. Ўйин давомида шоҳдан бошқа барча сипоҳ ва пиёдалар ютиб олиниши мумкин.

Шоҳга хужум қилинганда ҳимояланишнинг иложи бўлмаган ҳолат – **МОТ** деб аталади. Бу – шоҳ мағлуб бўлганини, ўйин яқунланганлигини англатади.


Яхши шахматчи режа асосида ўйнайди. Шунда бетакрор юришларни топиш осонлашади. Энди фарзин билан мот қилиш режасини тузиб чиқамиз:

1. Рақиб шоҳини фарзин ёрдамида *“от юриши”* шаклида тахтанинг ихтиёрий бир бурчагига сиқиб борилади.

2. Фарзин рақиб шоҳига 2-3 катакни ҳаракат учун қолдирган ҳолда, четки вертикал ёки горизонталда ушлаб туради.

3. Кучли томоннинг шоҳи ўз фарзини томон ёрдамга боради ва рақиб шоҳи фарзин ёрдамида мот қилинади (25-шакл):


### Фарзин билан мот қилинган ҳолат:



25-шакл

## Икки рух билан мот қилиш

Икки рух шоҳни ўз шоҳининг ёрдамисиз ҳам мот қила олади. Рухлар галма-гал кишт бериб, қора шоҳни тахтанинг чеккасига сиқиб боради. Бу мот – *чизиқли мот* дейилади (26-шакл). Бундай мот қилиш усулини – *“оёқча шаклида мот қилиш”* деб ҳам аташади.



**26-шакл**

Ёлғиз шоҳни битта рух билан мот қилиш бир оз мураккаброқ. Унда шоҳнинг ёрдами керак бўлади. Мот ҳар галгидек тахта четида қўйилади. Лекин рақиб шоҳини қандай қилиб “қувиб” бориш мумкин? Бунинг учун “қарши ҳолат” (оппозиция) усулидан фойдаланамиз.

Шоҳларнинг бир-бирига қарама-қарши туриши, яъни улар бир горизонталда ёки бир вертикалда жойлашган бўлиб, уларни бир хона ажратиб турган ҳолат – *қарши ҳолат (оппозиция)* дейилади.

### Оппозиция 3 хил бўлади :

**1) кичик оппозиция** – (икки шоҳ орасидаги масофа – 1 каттак бўлади);

**2) ўрта оппозиция** – (икки шоҳ орасидаги масофа – 3 каттак бўлади);


**3) катта оппозиция** – (икки шоҳ орасидаги масофа – 5 каттак бўлади).

Оппозиция ҳолати шахмат ўйинида катта аҳамиятга эга. Чунки ўйин охирида устунлик оппозицияни эгаллаган томонда бўлади.

Бир рух билан мот қилганда – шоҳ билан рух биргаликда ҳаракат қилиши керак. Рақиб шоҳини тахтанинг чекка хонасига мажбурий равишда сиқиб борилади ва мот қўйилади (27-шакл).

Эътибор қилинг, мот бўлган вазиятда икки шоҳ оппозиция ҳолатида турибди, бу жуда ҳам муҳим.

### Бир рух билан мот қилинган ҳолат:



*27-шакл*



## Машқ ва топшириқлар

1. Фарзин билан мот қилиш тартиби қандай? Уни амалда тахтада бажариб кўрсатинг.


2. Икки рух билан мот қилиш тартиби қандай? Уни амалда тахтада бажариб кўрсатинг.

3. Бир рух билан мот қилиш тартиби қандай? Уни амалда тахтада бажариб кўрсатинг.

4. Қарши ҳолат (оппозиция) нима дегани ва унинг неча хил тури мавжуд?

## Икки фил билан мот қилиш

Икки фил шоҳ ёрдамида якка шоҳни мот қила олади. Аммо у фарзин ва рухлар билан мот қилишдан кўра анча мураккаброқ. Бироқ бунда ҳам рақиб шоҳини тахта четига сиқиб бориш йўли билан эришилади. 28-шаклдаги вазиятни кўриб чиқамиз.



**28-шакл**

1. Фg2–f3!

Фил рақиб шоҳини ҳаракат доирасини сиқиб қўйди. Энди қора шоҳ филларнинг олдига яқинлаша олмайди.

1. ... Шf5–e5

2. Шс4–с5                      Ше5–f5

3. Шс5–d6!

“От юриш” усули ҳам бу вазиятда иш беради.

3. ...                              Шf5–f6

4. Фf3– g4                      Шf6–g6

5. Шd6–e7!                      Шg6–g7

6. Фg4–h5

Учбурчак торайиб бормоқда. Фақат пот вазиятларидан эҳтиёт бўлиш керак.

6. ...                              Шg7–h7

7. Ше7–f7                      Шh7–h8

8. Фс1–g5                      Шh8–h7

9. Фh5–g6+                      Шh7–h8


10. Фg5–f6x

Эътибор беринг. Оқ филларнинг ҳаракати қатъий режага асосланди. Ҳар бир юриш эса аниқ бир мақсадни кўзлади.

## Икки от шоҳга қарши

Ўйин охирида икки от якка шоҳга қарши қолганда, тўғри ҳимоя ёрдамида кучсиз томон дуранг қила олади.

29-шаклдаги вазиятда қора шоҳ тахтанинг бурчагига сиқиб борилган. Бироқ мот қилишнинг ҳеч иложи йўқ.



**29-шакл**


Айтайлик, e7 хонасида турган от билан c6 хонасига юриб қора шоҳга кишт берилди. Агар шоҳ кўпол хатога йўл қўйиб, бурчакдаги a8 хонасига юрса, унда иккинчи от билан f7 хонасидан мот қилса бўлади.

1. Oe7–c6+            Шb8–a8 ??
2. Oe6–c7x

Лекин қоралар шоҳини c8 хонасига юриши ва озодликка чиқиши мумкин. Энди қора шоҳ мот бўлмайди.

1. ...                    Шb8– c8!

Баъзан кучсиз томонга ўзининг пиёдаси халал беради.  
30-шаклдаги вазиятни кўриб чиқамиз:



**30-шакл**

а) 1. Ohf5! – h4 2. Od4 – h3 3. Oc6 – h2 4. Ob5 – h1Ф 5. Oc7x  
ёки

б) 1. Ohf5! – Шb8 2. Od4 – Ша8 3. Oc6 – h4 4. Ob5 – h3 5. Oc7x


Агар h5 хонасидаги пиёда бўлмаганда, ўйин пот, яъни дуранг бўларди. Лекин қоралар ёлғиз пиёдасини суришга мажбур. Бу эса мотга олиб келади. Қора пиёданинг юришлари хато эмас, балки ночорлиқдир. Юриш навбатида фойдаси бўлмаса ҳам юриш зарур. Ўйиннинг қоидаси шунақа. Бундай ночор вазиятларда мажбурий юриш қилиш – *цугцванг ҳолати* дейилади.

### **От ва фил билан мот қилиш**

Икки енгил сипоҳ – от ва фил якка шоҳни мот қила олади. Бунинг учун кучли томоннинг фили қайси рангда бўлса, кучсиз томоннинг шоҳи шу рангдаги бурчакка қувиб борилади.

Тахтада оқ катакли фил бўлса, h1 ва a8 хоналарида, қора катакли фил қолса, a1 ва h8 хоналарида мот бўлади. Бу мураккаб усул билан тажриба ва малака ошгач, танишиб чиқиш тавсия қилинади.

Ҳозирча кучсиз томоннинг шоҳи бурчакда жойлашган ҳолатда мот қилиш йўлини кўриб ўтамиз (31-шакл).



**31-шакл**

1. ... Шh7 2. Шf7 – Шh8 3. Шg6 – Шg8 4. Oh6+ Шh8 5. Фf6x

Якка шоҳни керакли бурчакка жалб қилиш осон иш эмас. Ҳатто, таниқли шахматчилар орасида ҳам бу вазифани уддалай олмаганлари бор. Шахмат қондасига кўра, бундай вазиятларда 50 юриш давомида мот қўя олмасангиз, ўйин тўхтатилади ва дуранг натижа қайд этилади.

### **Машқ ва топшириқлар**

1. Икки фил билан мот қилиш тартиби қандай? Уни амалда тахтада бажариб кўрсатинг.

2. Икки от билан якка шоҳни мот қилиб бўладими? Сабабини тушунтириб беринг.


3. Қандай вазиятларда икки от билан пиёдаси бор шоҳни мот қилиш мумкин?

4. От ва фил билан мот қўйиб бўладими? Қайси қоидага риоя қилиш керак?


5. Оғир ва енгил сипоҳлар билан мот қўйиш усулларини тўлиқ дафтарингизга ёзиб олинг.

## ПОТ

Шахмат партиясида яна бир дуранг ҳолатини кўриб чиқамиз. Тахтадаги шоҳга ҳужум бўлмаган ва сипоҳларнинг ҳеч бирини юриш йўли бўлмаган ҳолати – **пот** деб аталади (32–33-шакллар):



**32-шакл**



**33-шакл**

Бир қарашда ноҳақликдек туюлади, лекин шахмат қоидаларига тўла мос келади. Вазиятдаги муҳим хусусият шундаки, қора шоҳ атрофидаги барча катаклар ҳужум остида, лекин шоҳнинг ўзи дахлсиз, яъни унга “кишт” эълон қилинмаган. Шоҳнинг эса юрадиган йўли йўқ.

Шахматда баъзан шунақаси ҳам бўлиб туради. Уўзкучингиз ва имкониятларингиз билан мақтанмасликка ўргатади. Ҳар қандай ишда диққат, аниқ ҳисоб зарур. Эҳтиётсизлик, пала-партишлик ҳаётда ҳам, шахматда ҳам муваффақият келтирмайди.

## КИШТИ ҚОЙИМ

Шахмат ўйини ҳар доим ҳам томонлардан бирининг ғалабаси билан яқунланмайди. Бошқа спортда бўлгани каби дуранг натижа бўлиши мумкин, яъни ҳеч ким ғалабага эришмайди.

**“Кишти қойим”** – бу рақиб шоҳи беркина олмайдиган ва кетма-кет бир неча марта шоҳ беришдир.



*34-шакл*



*35-шакл*

34 ва 35-шакллардаги вазиятда қора шоҳ ҳеч қаерга беркина олмайди. Қоралар дурангга мажбурий рози.

Шахматда “кишти қойим” натижасидаги дуранг шунга ўхшаган вазиятлардан бири бўлиши мумкин.

### **Яна қуйидаги ҳолатларда ҳам йин дуранг ҳисобланади:**

- а) шахмат тахтасида фақатгина якка шоҳлар қолганда;
- б) ўйнаётган томонларнинг ҳар бирида биттадан енгил сипоҳ қолганда;
- в) рақибларнинг бирида мот қўйиш учун етарли устунлик бўлмаганда, яъни, шоҳ ва фил шоҳга қарши ёки шоҳ ва от шоҳга қарши бўлган ҳолатлар;

г) икки томоннинг розилиги билан дуранг қилиш ҳам мумкин.

### **Машқ ва топшириқлар**

1. Пот нима ва унга таъриф беринг.
2. Пот ҳолатида нега ўйин тўхтатилади?
3. Кишти қойим нима ва унга таъриф беринг.
4. Яна қандай вазиятларда ўйин дуранг ҳисобланади?

### **ЎЙИННИ ҚАНДАЙ БОШЛАШ КЕРАК ?**

Ҳурматли ўқувчи! Сиз шахматнинг бошланғич қоидалари ва мот қилиш усуллари билан танишдингиз. Демак, энди сиз шахмат ўйнашни ўргандингиз.

Қизиқарли ва ақлли ўйин – шахматни яхши ўзлаштириш, юқори натижаларга эришиш учун яна нималарга эътибор бериш даркор? Ўйин бошида қандай юришлар қилиш керак? Бу саволлар ҳар бир ҳаваскор шахматчини ўйлантиради.

Маълумки, ўйин бошида икки томонда ҳам имкониятлар тенг бўлади. Оқ ва қора доналар тенг худудга, симметрик ҳолатга эга бўлади. Тўғри, оқлар кичик устунликка эга. Бу биринчи бўлиб юриш ҳуқуқидир.

Ўйинлар тажрибаси шуни кўрсатадики, шахмат усталарининг учрашувларида оқларнинг устунлиги маълум вақт сезилиб турса-да, бора-бора қоралар ўйинни тенглаштириши мумкин.

Қайси доналарда ўйнашидан қатъи назар, билими ва маҳорати устун ўйинчи ғалаба қозонади. Амалда ўйналган жуда кўп ўйинларнинг натижаси назарий текширишларда дебют вариантлари ва вазиятлари “сир”лари очилган.

Шахматда вақт юришлар сони билан белгиланади. Шундай экан, дебютдаги асосий мақсад – марказни эгаллаш, қисқа муддатда кўпроқ кучни ҳаракатга келтириш ва рақибга қийинчиликлар туғдиришдан иборатдир.



## Ўйиннинг бошланиш қисми

Шахмат ўйинидаги дебют юришлар асосан 1. e2–e4 ва 1. d2–d4 тарзида учрайди. Улар ортидан эса енгил сипоҳлар – отлар ва филлар тезроқ ўйинга чиқарилади.

Отлар учун энг ҳаракатчан хонани тўғри танлаш ҳам муҳим. Булар – f3 ва c3 хоналаридир.

Сипоҳларни қулай хоналарга жойлаштиришда кечикиш мағлубиятга етаклаши мумкин. Майдонда қанча кўп сипоҳ бўлса, ўйин шунча қизиқарли бўлади. Шунинг учун бир сипоҳ билан бир неча марта юрмаслик керак.

Муҳими шоҳингиз хавфсизлигини таъминлашни, яъни имкон қадар тезроқ рокировка қилишни унутманг!

Кейинги режалар оғир сипоҳлар – фарзин ва рухларни қулай хоналарга жойлаштиришдан иборат бўлади.

**Дебютлар** одатда, 8–12 юришни ўз ичига олади.

Ҳар бир дебютнинг ўз номи бор. Масалан: “Италянча партия”, “Испанча партия”, “Французча ҳимоя”, “Сицилианча ҳимоя” ... ва ҳоказо.

Маҳоратли шахматчи бўлиш учун кўпроқ дебютларни билиш керак. Лекин, муҳими ўйин бошидаги асосий қоидаларга амал қилиш ва қўллашдир. Шахматчининг малакаси ошган сайин ўз ўйин услубига хос бўлган дебютларни мукамалроқ ўрганиши талаб этилади.

Бундан ташқари дебютда ўйинга чиқарилган сипоҳларнинг ҳужумга тайёрлигини ҳисобга олиб, улар ёрдамида комбинациялар ва фаол юришларни амалга ошириш йўллари излаб топиш керак.

Юқорида айтиб ўтилган фикрларга асосланиб қуйидагича хулоса чиқариш мумкин.

**Дебютда асосан учта қоидага амал қилиш керак:**

**1. Марказни эгаллаш.**

**2. Енгил фигураларни ўйинга чиқариш.**

**3. Тезроқ рокировка қилиш.**

Ўйиннинг бошланиши уч қоидага амал қилинган ҳолда бошланса, тахтада яхши вазият юзага келади.

### **МИТТЕЛЬШПИЛДА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК ?**

Дебютдан кейин аста-секин ўйин ўртаси – *миттельшпил* бошланади.

**Миттельшпил** – шахмат ўйинининг асосий қисми. Унда оқлар ва қораларнинг ҳаракатдаги қўшини – сипоҳларнинг асосий жанги содир бўлади.

Миттельшпилнинг мураккаблиги шуки курашда иштирок этаётган сипоҳлар ва пиёдаларнинг барчасини бир хил бошқариш зарур.

Шахматчиларнинг фикрига қараганда сипоҳлар бир-бирларига ёрдам бериши ўзаро боғлиқликда ҳаракат қилишга интилиши зарур. Миттельшпилда рақибнинг фикрини пайқаш ва режа бўйича ўйнашга ҳаракат қилиш керак.

Шахматда режа – бу камида яқин 3–4 юришнинг олдиндан ҳисобланиши. Режа тузиш малакаси амалиёт ва тажриба асосида шаклланади. Шунинг учун кўпроқ ўйнаш ва мағлубиятлардан қўрқмаслик керак... Хатосиз ўйнайдиган ва ўйинни ютқазмаган шахматчи жаҳонда ҳали бўлмаган. Мағлубият сизни ҳушёрликка, хатоларни такрорламасликка ўргатади.

### **Бир неча фойдали маслаҳатлар:**


- а) фаол, ижодий ва сабот билан ўйнанг;
- б) кўп сипоҳларингиз курашда иштирок этишига ҳаракат қилинг;
- в) рақибнинг имкониятларини инобатга олинг, шундан сўнг ўз режангизни тузинг.

Ўйиннинг миттельшпил қисмида вужудга келадиган вазиятларда шахматчи кўпроқ бош қотириши керак. Шунинг учун дебютда ўйиннинг стратегик режасини тузиш катта аҳамиятга эга. Миттельшпилда ташаббусга эриша олиш ёки эриша олмаслик ҳам айнан шунга боғлиқ.

### ЭНДШПИЛДА ҚАНДАЙ ЎЙНАШ КЕРАК ?

Ҳар бир ўйин ўртасида, яъни тахтада сипоҳлар кўп бўлганида аксарият ҳолатларда рақиб шоҳига мот кўйиб бўлмайди. Сипоҳлар кўпчилиги алмаштирилганда партия эндшпилга ўтади. Кучлар чекланганлиги сабабли мот қилиш қийин. Пиёдани фарзинга олиб чиқиш ғалабага етаклайди. Бу ерда ҳам кўп билим талаб қилинади.

Шоҳ билан пиёда шоҳга қарши қолган ҳолатдаги энг оддий партия якунини кўриб чиқамиз (36-шакл):



**36-шакл**

Эндшпилларнинг кўпчилигида мавжуд бўладиган асосий вазиятлар шундай бўлади. Уни яхши эслаб қолиш керак. Бу ерда натижа юриш навбатига боғлиқ бўлади. Агар юриш

қоралардан бўлса, оқлар ғалаба қозонади, юриш оқлардан бўлса, ўйин дуранг билан яқунланади.

**Қоида қуйидагича:** агарда пиёда охиридан иккинчи қаторга (горизонтал бўйича 2 ва 7) шоҳ эълон қилмай туриб олса, пиёда фарзинга чиқади. Акс ҳолда ғалаба бўлмайди.

**Текшириб кўрамиз.** Агар юриш оқлардан бўлса, 1. d7+ Шd8. Пиёдани йўқотишни хоҳламайсиз, бу ҳолда дарҳол дуранг бўлади. Оқлар юриши керак. 2. Шd6. Бу пот – яъни дуранг.

Айёрлик қилишга уриниб кўриш мумкин. 1. Ше5 Шd7 2. Шd5. Энди қоралар жуда хушёр бўлиши ва қоидани эсда сақлаши керак. 2. Шd8 ўйналса, тўғри бўлади. Чунки, 3. Шс6–Шс8, ёки 3. Ше6–Ше8 юриб, оппозицияни қоралар эгаллайди ва ўйин дуранг бўлади.

Қораларнинг 2. ... Шс8 ёки Ше8 юришдаги хатоларидан кейин оқлар Шс6 ёки Ше6 ўйнайди. Энди қораларнинг юриш навбати билан дастлабки ҳолат келиб чиқади, бу мағлубиятдир. 1. ... Шd8 2. d7 Шс7 3. Ше7 ва пиёда фарзинга чиқади.

### **Эндшпил турлари ва қоидалари**

Агар тахтада сипоҳлар кам қолиб, шоҳга унча катта хавф-хатар туғдирмаса, бу – ўйиннинг охири, яъни **эндшпил** қисми ҳисобланади.

Шахматда турли ўйин охирлари юзага келади.

Булар: **а) фарзинли ; б) рухли ; с) филли ;**  
**д) отли ; е) пиёдали.**

Бу каби ўйин охирларини ғалаба билан яқунлаш учун эндшпилнинг учта қоидасига амал қилиш муҳим.

### **Эндшпилнинг биринчи қоидаси:**

Шоҳ – фаол ҳужум қиладиган сипоҳдир. Ҳа, бутун ўйин давомида қўриқланган шоҳнинг ўзи энди ҳужумга ўтади. Мана шу қоида кўпинча пиёдали эндшпилларда ўз исботини топади.

### **Эндшпилнинг иккинчи қоидаси:**

Ҳар қайси сипоҳнинг фаоллиги ва ҳаракат доирасининг кенгалиги. Эндшпилда кам сипоҳ қолса, унинг қиймати ҳам юқори бўлади, яъни ўйин охирида тахтада мавжуд бўлган барча кучларни фаоллаштириш ва уларнинг ҳаракат доирасини кенгайтириш лозим.

### **Эндшпилнинг учинчи қоидаси :**

Пиёдалар жойлашуви катта роль ўйнайди. Кўпгина эндшпилларда пиёдаларнинг қай тартибда жойлашиши ўйиннинг тақдирини ҳал қилади.

Якка ва қават пиёдалар – вазиятнинг нуқсонидир. Эндшпилда асосан шу уч қоидага амал қилиш керак. Булардан ташқари эндшпилнинг бир қанча кичик қоидалари ҳам борки, улар билан шахматчилар амалий ўйин давомида дуч келадилар.

Эслатма тариқасида шуни айтиб ўтиш керакки, ўйин охирлашган сайин пиёдаларнинг кучи ортади. Истаган енгил сипоҳни уч пиёдага алмаштирса бўлади, сабаби ўйин охирида уч пиёда – филдан ҳам, отдан ҳам кучли ҳисобланади.

## ШАХМАТ ЎЙИНИНИНГ БЎЛИНИШИ

Шахмат ўйини 3 қисмга бўлинади:

1. **Дебют** – ўйиннинг боши.
2. **Миттельшпил** – ўйиннинг ўртаси.
3. **Эндшпил** – ўйиннинг охири.

Дебютларнинг ўзи ҳам 3 қисмга бўлинади:

1. **Очиқ дебютлар**
2. **Ярим очиқ дебютлар**
3. **Ёпиқ дебютлар**

Умумлаштирган ҳолда айтадиган бўлсак, шахмат ўйинида 50 дан ортиқ дебют туркуми бор. Улар билан бирма-бир танишиб чиқамиз:

### Очиқ дебютлар мундарижаси:

1. Шоҳ гамбити – (e4 – e5, **f4** – ...)
2. Фолькбеер контргамбити – (e4 – e5, f4 – **d5**, ...)
3. Венача партия – (e4 – e5, **Ос3** – ...)
4. Фил дебюти – (e4 – e5, **Фс4** – ...)
5. Панциан дебюти – (e4 – e5, Of3 – Oc6, **с3** – ...)
6. Марказий дебют – (e4 – e5, **d4** – ed, **Фzd4** – ...)
7. Марказий гамбит – (e4 – e5, d4 – ed, **Фс4** – ...)
8. Латыш гамбити – (e4 – e5, Of3 – **f5**, ...)
9. Шотландча партия – (e4 – e5, Of3 – Oc6, **d4** – ed, **Od4** – ...)
10. Шотландча гамбит – (e4 – e5, Of3 – Oc6, d4 – ed, **Фс4** – ...)
11. Филдор ҳимояси – (e4 – e5, Of3 – **d6**, ...)
12. Русча партия – (e4 – e5, Of3 – **Of6**, ...)
13. Уч от дебюти – (e4 – e5, Of3 – Oc6, Oc3 – **Фс5**, ...)
14. Тўрт от дебюти – (e4 – e5, Of3 – Oc6, Oc3 – **Of6**, ...)
15. Венгерча партия – (e4 – e5, Of3 – Oc6, Фс4 – **Фе7**, ...)
16. Италианча партия – (e4–e5, Of3–Oc6, Фс4–**Фс5**, ...)
17. Икки от ҳимояси – (e4 – e5, Of3 – Oc6, Фс4 – **Of6**, ...)

18. Тракслер контратакаси - (e4 - e5, Of3-0c6, Фc4-Of6, Og5-Фc5)

19. Испанча партия - (e4 - e5, Of3 - 0c6, **Фb5** - ...)

20. Маршалл контратакаси - (e4 - e5, Of3-0c6, Фb5-a6, Фа4-Of6, 0-0-Фe7, Pe1-b5, Фв3-0-0, c3-d5, ...)

### Ярим очик дебютлар мундарижаси:

1. Французча ҳимоя - (e4 - **e6**, ...)

2. Пирца -Уфимцев ҳимояси - (e4 - **d6**, ...)

3. Каро-Канн ҳимояси - (e4 - **c6**, ...)

4. Икки ёқлама фианкетто - (e4 - **в6**, ...) , (e4 - **g6**, ...)

5. Скандинавия ҳимояси - (e4 - **d5**, ...)

6. Сицилианча ҳимоя - (e4 - **c5**, ...)

7. Алёхин ҳимояси - (e4 - **Of6**, ...)

8. Нимцович дебюти - (e4 - **0c6**, ...)

### Ёпиқ дебютлар мундарижаси:

1. Фарзин гамбити - (d4 - d5, **c4** - ...)

2. Альбин контргамбити - (d4 - d5, c4 - **e5**, ...)

3. Чигорин ҳимояси - (d4 - d5, c4 - **0c6**, ...)

4. Капабланка системаси - (d4 - d5, c4 - **e6**, ...)

5. Славянча ҳимоя - (d4 - d5, c4 - **c6**, ...)

6. Каталонча бошланиш - (d4 - d5, c4 - e6, **g3** - ...)

7. Янги ҳиндча ҳимоя - (d4 - Of6, c4 - e6, **Of3** - ...)

8. Блюменфельд гамбити - (d4 - Of6, c4 - e6, Of3 - c5, d5 - **b5**)

9. Рагозин ҳимояси - (d4 - d5, c4-e6, 0c3-Of6, 0c3-**Фb4**)

10. Нимцович ҳимояси - (d4 - Of6, c4 - e6, 0c3 - **Фb4**, ...)

11. Будапешт гамбити - (d4 - Of6, c4 - **e5**, ...)

12. Грюнфельд ҳимояси - (d4 - of6, c4 - e6, 0c3 - **d5**, ...)

13. Эски ҳиндча ҳимоя - (d4 - Of6, c4 - **g6**, 0c3 - Фg7, e4- **d6**)

14. Бенони ҳимояси - (d4 - **c5**, ...)

15. Вольжский (Бенко) гамбити - (d4 - Of6, c4 - c5, d5 - **b5**, ...)

16. Фарзин пиёдалари дебюти - (d4 - d5, Of3 - **Of6**, ...)

17. Голландча ҳимоя - (d4 - **f5**, ...)
18. Инглизча бошланиш - (**c4** - ...)
19. Ларсен дебюти - (**b3** - ...)
20. Рети дебюти - (**Of3** -...)
21. Берда дебюти - (**f4** - ...)
22. Сокольский дебюти - (**b4** - ...)

Ҳурматли ўқувчи! Шахмат ўйинида учрайдиган дебют туркумларининг мундарижаси билан танишиб чиқдингиз.

Уларни яна ҳам пухта ўрганиш учун шахмат адабиётларидан мунтазам фойдалансангиз янада кўпроқ маълумотга эга бўласиз.



## V БОБ. КОМБИНАЦИЯ ВА УНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

Аввало, шахмат комбинацияси ва у нималигини яхши тушуниб олиш керак. Лекин комбинацияни содда бир нарса ёки атама деб тушуниш нотўғри.

Шахмат комбинацияси ҳақида шахмат назарийчилари жуда кўп фикр ва ғояларини айтганлар. Кейинги йилларда шахмат адабиётлари ва журналларида ҳам комбинация тўғрисида кўп мақолалар босилди. Бироқ, ҳозиргача шахмат комбинацияси хусусида ягона бир фикрга келингани йўқ.

Шахмат комбинациясини тўғри тушуниш ва “ҳазм қилиш” учун амалий ўйинларда учрайдиган бир неча мисолларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Доналарни қурбон қилиш билан боғлиқ мажбурий юриш ёки юришлар – **комбинация** деб аталади. Мажбурий юриш ёки тўғри комбинация шахматчининг миясида пайдо бўлади. Аммо уларнинг тахтада амалга оширилиши у ёки бу шахматчи томонидан ўйлаб топилмай, балки тахтада вужудга келган вазият хусусиятига боғлиқдир.

Мажбурий юриш ёки комбинация қилиш мумкинлигидан дарак берувчи хусусият – **имкон (мотив)** деб аталади. Мотивлар шахматчининг асосий эътибори нимага қаратилиши лозимлигини “айтиб беради”. Баъзан мотивлар ўзининг салмоқсизлиги туфайли мажбурий юриш ёки комбинация қилиш учун етарли бўлмайди, бошқа ҳолларда улар салмоқли бўлади ва асосий зарбани қайси томонга йўналтиришни кўрсатиб беради.

Шахматчи устунлик берувчи аниқ йўлни топиши керак. Бу йўл қурбон бериш билан бошланадиган ҳар қандай комбинацияларда икки босқичдан иборат бўлади. Қурбон бериш ёрдамида маълум бир мақсад амалга оширилади. Ана шу мақсад – **комбинациянинг ғояси** дейилади.

Ўйновчи комбинация қилганда муҳим камчиликлардан ташқари кўзга “илинмайдиган” камчиликлардан ҳам фойдаланиши керак. Комбинациянинг иккинчи босқичида қурбон бериш йўли билан янгидан яратилган мотивлар амалга оширилади. Янги мотивларни амалга оширувчи сўнгги юриш – **яқунловчи зарба** дейилади.

Комбинацияни шахмат тахтасида рўй берадиган ўзига хос “портлаш” деса бўлади. Портлаш пайтида одатдаги ҳисоб ва тушунчалар ўз аҳамиятини бирмунча йўқотади. Комбинация тугагандан кейингина одатдаги ҳисоб ва тахминлар ўз кучига киради.

**Комбинация** – аниқ ҳисоб-китоб юритишни талаб қилади. Баъзан мотивлар аниқ ва ғоянинг мавжуд бўлишига қарамай, яхши ҳисоб-китоб юритмаслик туфайли режадаги комбинация амалга ошмай қолади. Ўйин давомида кўпинча томонлардан бири режали равишда ўйнаб бориб мотивлар яратади ва улар асосида комбинацияни амалга оширади. Комбинация шахматдаги энг муҳим қуролдир. Комбинациялар ҳужумда ҳам, ҳимояда ҳам бўлиши мумкин. Фақат уларни топа билиш керак.

Комбинация қилганда вазиятдаги энг кичик ўзгаришлар ҳам эътибордан четга қолмаслиги керак, акс ҳолда рақиб кутилмаган зарба бериши мумкин. Моҳир шахматчи бўлиш учун комбинацион вазиятларни чуқур ҳис қила олиш керак. Шундай етарли мотивлар бўлса, ўша ерда комбинация ҳам мавжуд. Демак, комбинация келиб чиқиши тасодифий эмас, балки қонуний.

37–40-шакллардаги масалаларда оқлар чиройли комбинацияни амалга ошириб, ғалаба қозонади. Ушбу комбинацияни топишга ҳаракат қилиб кўринг.



**37-шакл**



**38-шакл**



**39-шакл**



**40-шакл**

### **Машқ ва топшириқлар**

1. Дебют нима ва унинг неча хил тури бор?
2. Миттельшпил нима ва унга таъриф беринг.
3. Эндшпил нима ва унинг қоидаларини айтиб беринг.
4. Комбинация нима ва у қандай пайдо бўлади?

## КОМБИНАЦИЯЛАР

Шахматда чиройли юришлар, кутилмаган қурбонлар қадрланади. У шахматчиларга эстетик завқ беради, яхши кайфият улашади. Шахмат ўйинининг гўзаллиги айниқса, комбинациялар рўй берганда яққол кўзга ташланади. Ўйинда мажбурий юришлар кетмакетлиги *йўналиш* деб аталади.

### “Тегирмон” усули

Бу комбинация қизиқ ва ёрқин кўринишга эга. Унда хужум қилувчи томон кишт ва очиб кишт бериш йўллари билан ғалаба қозонади (41-шакл):



**41-шакл**

Ушбу вазиятда қоралар фарзин билан g2 хонасидан мот қилмоқчи. Аммо оқлар вазиятга чуқур ва тўғри баҳо бериб, g6 хонасини кўриқлаётган рухни йўқотади ва “тегирмон” ишга тушади.

1.  $\text{Ф}d2 : g5 !$      $h6 : g5$
2.  $\text{P}f6 : g6 +$      $\text{Ш}g7-h7$
3.  $\text{P}g6 : e6 +$

“Очиб кишт”. Бир йўла ўлжа йиғиш бошланади.

3. ... **Шh7-g7**

4. **Pe6-g6 + Шg7-h7**

5. **Pg6 : d6 + Шh7-g7**

Рухнинг олтинчи қатордаги такрорланувчи ҳаракатлари тегирмоннинг айланишини эслатади.

6. **Pd6-g6 + Шg7-h7**

7. **Pg6 : b6 + Шh7-g7**

Қоралар ўз шохи билан g8 хонасига юрса ҳам бўлади, бироқ бу вазиятни ўзгартирмайди.

8. **Pb6-g6 + Шg7-h7**

Ниҳоят, олтинчи қатордаги “қўлга илинадиган” доналарнинг барчаси ютиб олинди. Кейинги режа – фарзинни ютишга қаратилади.

9. **Pg6-a6 + Шh7-g7**

10. **Pa6 : a2**

Оқлар катта моддий устунликка эришди. Энди ғалаба қозониш қийин эмас (42-шакл):




**42-шакл**

Оқларнинг фарзин қурбони билан бошлаган “тегирмон” комбинацияси чиройли яқун топди. Оқ рух олтинчи горизонтал бўйлаб йўлига дуч келган барча рақиб доналарини “майдалаб” ташлади. Демак, шахмат ўйинида узоқни кўра билиш ва аниқ ҳисоб юритиш жуда ҳам муҳим.

### “Жалб қилиш” усули

Бу ғоя ҳужум вақтида тез-тез ишлатилади. Унинг мақсади рақиб сипоҳини ўзига ноқулай бўлган хонага жалб қилишдан иборат.



43-шакл

40-шаклда оқ шоҳ мот тўрида, уни тўғридан-тўғри ҳимоялаш қийин. Қоралар бир сипоҳ ортиқча бўлишига қарамай оқлар “жалб қилиш” усулидан фойдаланиб, рақиб шоҳини тезроқ мот қилишга эришади.

**1. Фзд5-а8 + !! ...**

Яна фарзин ўзини қурбон қилмоқда. Мақсад – қора шоҳни а8 хонасига жалб қилишдир. Шунда тезроқ мот қилиш учун суръат ютилади.

**1. ... Шб8 : а8**

2. **Фb5-c6 + Ша8-b8**

3. **Pf1-b1 +**

Мотни бир юришга кечиктириш мумкин, холос.


3. ... **Фd6-b4**

4. **Pb1 : b4 x**

Албатта, комбинация бошлашдан олдин шахматчи бошқа йўллари ва охириги ҳолатни хаёлан тасаввурида ҳисоблаб чиқиши зарур. Шундан сўнг комбинацияни бошлаши керак.

### “Чалғитиш” усули

Бундай комбинацияларни амалга оширишда рақибнинг сипоҳини муҳим хонани ҳимоялашдан чалғитилади.



44-шакл

41-шаклдаги вазиятда қора шоҳнинг ҳимоя кўрғони мустаҳкам эмас. Шоҳга очиқ вертикал бўйлаб ҳужум қилиш мумкин. Оқ сипоҳлар фаол жойлашган. Айниқса, b2 хонасидаги фил зўр тазйиқ кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси комбинация қилиш учун асос бўлади. Вазиятни таҳлил қилайлик. Агар оқ фарзин g3 хонасидан кишт берса, қора

шоҳнинг аҳволи янада оғирлашади. Лекин бу муҳим хонани қора фарзин кўриқламоқда. Демак, фарзинни чалғитиш керак. Бу қуйидаги комбинацияни бошлаш имконини беради.

**1. Pd1-d7!** ...

Агар рух олинмаса, “тегирмон” усули ишга тушади.

(1. ... Фзс7-b8 2. Pd7-g7+ Шг8-h8 3. Pg7-g5+ Pf8-f6 4. Фf6 x)

**1. ... Фзс7 : d7**

Оқлар сипоҳни қурбон қилиб, қора фарзинни чалғитишди.

Энди кишт бериш мумкин.

**2. Фzf2-g3 + Шг8-f7**

**3. Фзг3-g7 x**

### Комбинациялар бўйича топшириқлар

Сиз шахматнинг сеҳрли олами билан ошно бўлдингиз. Лекин юқори натижаларга эришиш, шахматни чуқурроқ ўрганиш учун ҳали кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Зеро, изланиш ва тинимсиз меҳнат инсонни кўзлаган мақсади сари етаклайди.

Энди ақлингизни қуйидаги топшириқларда синаб кўринг.

45-54-шакллар. Ушбу ўнта масалада чиройли комбинациялар яширин. Уларнинг ечимини мустақил топишга ҳаракат қилинг. Барча вазиятларда оқлар бошлайди ва ғалаба қозонади.



45-шакл



46-шакл





47-шакл



48-шакл



49-шакл



50-шакл



51-шакл



52-шакл



53-шакл



54-шакл

## ЎҚУВ ПАРТИЯЛАРИ

Чиройли шахмат ўйнаш учун кўп ўрганиш зарур. Сиз сипоҳларни тердингиз, ўйинни бошламоқчисиз. Партияни қандай бошлаган маъқул? Биринчи навбатда, шахмат ўйини мақсадини эсга олиш керак. Рақиб шоҳига ҳужум уюштириш ва уни мот қилиш – асосий мақсад. Ҳужумни эса фақат жангга киритилган пиёдалар ва сипоҳлар амалга оширади. Ҳар бир юриш мазмунга эга бўлиши керак. Келинг, чиройли бир партияни биргаликда кўриб чиқамиз, унда содир бўлаётган ҳодисаларни тушунишга ҳаракат қиламиз.

### 1-ўқув партияси

#### 1. e2–e4 e7–e5

Оқлар ва қораларнинг биринчи юришлари ўйин бошланишидаги энг тўғри юришлардан ҳисобланади. Пиёдалар марказни эгаллайди. Филлар ва фарзинга йўл очилади.

#### 2. Oг1–f3

Оқлар отини жангга олиб чиқди. Рақиб пиёдасига ҳужум қилиб, тўғри юришни амалга оширди.

## **2. ... Ob8-c6**

Қоралар ҳам ўз отини ўйинга олиб чиқиб, ҳужумда қолган пиёдасини ҳимоя қилди.

## **3. Фf1-c4**

Оқлар яна бир енгил сипоҳини ўйинга олиб чиқиб, рокировка қилиш учун тайёргарлик кўрмоқда.

## **3. ... Oc6-d4**

Тузоқ юриш. Қоралар марказдаги пиёдасини атайин текинга бериб, ўйинга чиққан оти билан дебютдаёқ иккинчи марта юрмоқда. Оқлар ҳушёр бўлиши керак.

## **4. Of3 : e5 ?**

Жавоб ҳам хато. Оқлар ҳам пиёда қурбонини қабул қилмоқда. Ахир у марказий пиёда ва жуда “ширин”. Унинг ўрнига, 4. Od4 уриб, сўнгра 5. 0-0 юриши яхши эди.

## **4. ... Фzd8-g5 !**

Қоралар яна бетакрор юриш қилди. Улар фарзини билан рақиб отига ҳужум қилиб, иккинчи пиёдасини ҳам қурбон қилмоқда.

## **5. Oe5 : f7 ??**

Рақибнинг иккинчи пиёдасини ҳам ютиб олиб, икки ёқлама зарба берилди. Оқлар ютаяпман деб ўйлаб, хато қилади.

## **5. ... Фzg5 : g2**

Оқлар пиёдаларни “ейиш” билан овора бўлиб, мана энди хато қилганини тушунди. Улар ўз руҳини ҳимоя қилишга мажбур.

## **6. Ph1-f1 Фzg2 : e4+**

## **7. Фc4-e2**

Фарзин билан ёпиш мумкин эмас. Чунки рақибнинг отини зарбаси остида қолади. Фил билан ҳимояланишга тўғри келади. Бу эса жазоланади.

## **7. ... Od4-f3 x**



**55-шакл**

**Хулоса:** Оқлар қораларнинг пиёдалари ортидан қувиб юриб, ўз шоҳининг хавфсизлигини таъминлай олмади, натижада “буғма мот” бўлди. Рақиб пиёдалари эса “захарланган” бўлиб чиқди.

### **2-ўқув партияси**

**1. e2-e4            e7-e5**

**2. Oг1-f3**

Оқлар ҳар доимгидек, енгил сипоҳини чиқариб, тўғри юрмоқда.

**2. ... d7-d6**

Яхши юриш, қоралар е5 пиёдасини ҳимоя қилмоқда. Бироқ, f8 хонасидаги филнинг ҳаракати чекланди.

**3. Фf1-c4**

Оқлар навбатдаги сипоҳини ҳам энг яхши хоналардан бирига олиб чиқди. Келажакда фил f7 пиёдага хужум қилмоқчи.

**3. ... h7-h6 ?**

Бу юриш жиддий хато ҳисобланади. Қоралар нима мақсадда пиёда сурганини тушуниш қийин. Бунинг ўрнига бирор бир енгил сипоҳни ўйинга чиқариш керак эди.

#### **4. Ob1-c3**

Ўйин тўғри давом эттирилмоқда. Чунки яна бир сипоҳ ўйинга чиқди.

#### **4. ... a7-a6 ?**

Четдаги пиёда билан яна бир мақсадсиз юриш. Қоралар сипоҳларини ривожлантиришда жуда орқада қолмоқда.

#### **5. 0-0**

Ҳар томонлама фойдали юриш. Қоралар ўз сипоҳини ўйинга чиқариши кераклиги эсига тушди ва уни амалга оширди. Лекин буни яхши бажармайди.

#### **5. ... Фc8-g4**

Агарда бу юриш ўрнига 5. ... Of6 юрилганида яхшироқ бўлар эди. Чунки шоҳ томондаги от ва фил ўйинга чиқарилса, рокировка қилиш учун имконият пайдо бўларди. Қоралар томонидан амалга оширилган юриш эса анча кучсиз.

#### **6. Of3 : e5 !**

Ушбу вазиятда оқлар амалга оширган юриш кучли ва ҳам чиройли. Сипоҳлар ўйинга олиб чиқилган ва шоҳ хавфсиз бўлганда фаол ҳаракатларга киришиш керак.

#### **6. ... Фg4 : d1 ??**

Хатога йўл қўйди деб ўйлаган қоралар оқ фарзинни ютиб олди. Ҳатто, энг яхши бўлган 6. ... d6 : e5 юришида ҳам оқлар 7. Фз : g4 юриши билан жуда қулай ҳолатда пиёдани ютиб оларди.

Энди XVIII асрдаёқ маълум бўлган ва уни биринчи бор амалга оширган шахматчи номи билан аталган машҳур “Легаль моти” амалга оширилади.

#### **7. Фc4 : f7+      Ше8-e7**

#### **8. Oc3-d5 x**



**56-шакл**

Шундай қилиб, оқлар томонидан жангга киритилган учта сипоҳ қораларнинг бутун қўшинидан кучли бўлиб чиқди. **Қоида:** Ўйин бошида ўз сипоҳларингизни тезроқ ўйинга олиб чиқишга ҳаракат қилинг. Четдаги пиёдаларнинг юришига вақт сарфламанг. Бефойда ва мақсадсиз юришлар қилманг.

### **3-ўқув партияси**

**1. e2–e4 e7–e5**

**2. Oг1–f3 f7– f6 ?**

e5 пиёдасини нотўғри ҳимоялаш. Чунки қора шоҳга бараварига икки диагональ бўйича йўл очилади: a2–g8 ва h5–e8. Пиёдани 1. ... Ксб юриши ёрдамида кўриклаш энг тўғри йўл ҳисобланади.

Ҳозир оқлар оддийгина 3. Фс4 юриши мумкин ва қора шоҳ узок вақт рокировка қила олмайди. Лекин оқлар янада кучли юришни амалга ошириши керак.

**3. Of3 : e5 !**

Отни қурбон қилиб, оқлар кучли ҳужум имконига эга бўлади.

**3. ... f6 : e5**

Қабул қилинган қурбонлик оғир оқибатларга олиб келади. Бошқача юрилганда яхшироқ бўларди.

### **Масалан:**

3. ... Фзе7 4. Of3–Фз:е4+ 5. Фе2, лекин бу ҳолатда ҳам қораларга яхши бўлмайди. Чунки фарзин ўйинга эрта чиққанлиги сабабли оқ сипоҳлар ҳужуми остида қолади.

#### **4. Фзд1–h5+      Ше8–e7**

4. ... g6 юриши яхши эмас, чунки оқлар 5. Фзе5+ юриши билан h8 хонасидаги рухни ютиб олади. Энди қора шоҳ хавфли “саёҳат” га чиқишга мажбур. Иккинчи юришда хатоликка йўл қўйишнинг оқибати шу. Шоҳнинг ҳимоячиси – f7 пиёда энди йўқ.

#### **5. Фзh5 : e5+      Ше7–f7**

#### **6. Фf1–c4+      Шf7–g6**

Қораларнинг ҳимояланиш йўллари кам. Агарда 6. ... d5 юрилса, унда 7. Ф:d5+ Шg6 8. h4–h6 9. Ф:b7! – Фd6 (9. ...Фb7 10. Фzf5 x) 10. Фза5 юришидан сўнг оқлар катта устунликка эришади.

Ҳозир шоҳ ўз қўшинидан олдинда бўлиб қолди. Бир ўзи ракиб сипоҳларига қарши. Шоҳ учун жуда ёмон ҳолат.

#### **7. Фзе5–f5+      Шg6–h6**

#### **8. d2–d4+**

Пиёда билан ҳам марказ эгалланди, ҳам ракиб шоҳига ҳужум бўлди. Фил эса, ҳатто юрмай туриб, шоҳга ҳужум қилди.

#### **8. ...                      g7–g5**

#### **9. h2–h4 !**

Ҳужумга янги куч – h1 хонасидаги рух киритилмоқда.

#### **9. ...                      Шh6–g7**

Шоҳ мот бўлмаслик учун ўз қўшини орасига чекинишга мажбур. Акс ҳолда оқлар икки ёқлама шоҳ бериб, барибир ҳужум қилар эди.

#### **10. Фzf5–f7+      Шg7–h6**

Қора шоҳ яна h6 хонасига боришга мажбур. Энди ўйинни икки ёқлама зарба якунига етказди.

#### **11. h4 : g5 x**



**57-шакл**

Ўйин бошида йўл қўйилган биргина хатонинг оқибати нималарга олиб келди. Умуман олганда, фақат шоҳ томонидан ҳимояланган f7 ва f2 хоналари ўйин бошида алоҳида эътиборни талаб қилади.

## **ДЕБЮТДАГИ ВАЗИФАЛАР**

Энди дебютда қандай ўйнамаслик кераклигини билиб олиш зарур.

### **Фойдали маслаҳатлар**

**Биринчидан.** Пиёдалар билан юришлар сипоҳларни ривожлантириш учун тайёргарлик ҳисобланади. Шунинг учун ўйин бошида пиёдалар билан кўп юриш керак эмас. Сипоҳлар бемалол жангга чиқишлари учун пиёдалар билан 2–3 юриш етарли. Четдаги пиёдалар билан юриш сипоҳларни қулай хонага жойлаштиришга олиб келмай, кўпинча кераксиз бўлади. Бу юришларни бажармаслик ва зарурат бўлмаса юрмаслик керак.

**Иккинчидан.** Ўйин бошида фарзинни эрта олиб чиқмаслик керак. Фарзин – энг кучли оғир сипоҳ ва рақибнинг енгил



сипоҳлари томонидан ҳужумга дуч келади. У чекиниб, вақтни йўқотишга мажбур бўлади. Бу билан рақиб кучларини ривожлантиришига ёрдам беради. Шундай қилиб фарзинни эрта олиб чиқиш, деярли ҳар доим ривожланишдан ортда қолишга сабаб бўлади. Бу эса фақат фарзинни эмас, балки ўйинни ҳам ютқазиб қўйишга сабаб бўлиши мумкин.

**Учинчидан.** Зарурат бўлмаса ўйинда бир сипоҳ билан такрорий юришлар қилиш керак эмас. Бу вақт ичида рақиб ўз сипоҳларини ўйинга олиб чиқиши ҳамда ҳужумга ўтишини эсдан чиқарманг. Ахир майдонда якка жанг қилиб бўлмайди-ку?!

**Тўртинчидан.** Рокировкани амалга оширишни кечиктирмаслик керак. Ўйин бошида шоҳнинг хавфсизлиги бўлажак жангдаги муваффақият гарови ҳисобланади.

#### 4-ўқув партияси

1. e2–e4                      e7–e5

2. Oг1–f3

Биринчи навбатда, жангга енгил сипоҳлар – отлар ва филларни олиб чиқиш зарур.

2. ...                      Ф3d8–f6 ?

Мана бу юришга ҳали эрта. Фақатгина кўринишидан кучли юришдек туюлади. 2. ... Oс6 ёки 2. ... Oф6 юрилса, яхшироқ бўларди.

3. Фf1–c4

Оқлар иккинчи сипоҳини ҳам фаол ҳолатга олиб чиқдилар.

3. Oс3 юриши ҳам яхши ҳисобланади.

3. ...                      Ф3f6–g6 ?

Фарзин иккита – e4 ва g2 пиёдаларига ҳужум қилмоқда. Бироқ ривожланиш ўрнига пиёдалар ортидан қувиш жуда хавfli.

4. 0–0

Шоҳ хавфсиз жойга беркинади, рух ҳам ўйинга киради.

**4. ...                      Фзг6 : e4**

Қоралар пиёдани ютиб олиб, ривожланишда жуда ортда қолди.

**5. Сс4 : f7+                Ше8-d8**

Филни олиш мумкин эмас эди. 5. ... Шf7 бўлса, 6. Og5+ ва икки ёқлама зарбадан сўнг қора фарзин ҳалок бўларди.

Бу ерда оқлар е8 хонасини рух билан эгаллай олса, қора шоҳ мот бўлишини кўриб қолдилар. Демак, “е” вертикалини тозалаш керак.

**6. Of3 : e5 !                Фзе4 : e5 ?**

Фарзин оқ сипоҳларга қарши бир ўзи ўйнашда давом этмоқда.

**7. Pf1-e1                    Фзе5- f6**

Фарзин рухнинг хужумидан чекинишга мажбур.

**8. Pe1-e8 x**



**58-шакл**

**Хулоса:** Қоралар дебютда бир фарзинни ўйинга чиқариб, пиёдалар ортидан қувиб юрди ва ривожланишдан ортда қолди. Бу эса дебют қондасини бузиш демакдир. Бир сипоҳ билан ўйнашнинг жазоси шу !

## 5-ўқув партияси

### 1. e2-e4                      b7-b6

Ўйинни чекка хоналардаги пиёдани суриш билан бошласа ҳам бўлади, бироқ бу марказни бериб қўйишга олиб келади.

### 2. d2-d4                      Фc8-b7

Қоралар филини ўйинга чиқариб, марказдаги e4 пиёдани ютиб олмоқчи.

### 3. Фf1-d3                      f7-f5 ?

Гўёки қоралар оқларга “тузоқ” қўйгандек. Бир қарашда f5 пиёдасини ютиб бўлмайди. Бироқ:

### 4. e4 : f5 !

Қоралар учун кутилмаган юриш.

“f” пиёдаси сурилганидан кейин қораларнинг шоҳ томони анча заифлашиб қолди. Бу эса ҳужум қилиш учун яхши имконият.

### 4. ...                      Фb7 : g2

### 5. Фzd1-h5+                      g7-g6

### 6. f5 : g6

Ҳозир h1 хонасидаги рухни ютишга вақт йўқ. Чунки оқлар пиёдани очиб фарзин билан кишт берса, қора шоҳ мот бўлади.

### 6. ...                      Og8-f6 ??

Қоралар фарзинга ҳужум қилди. Фарзин чекинса, h1 хонасидаги рух ютилади ва бир сипоҳ ортиб қолади. Аммо оқлар ўйинни чиройли комбинация билан тугатади.

### 7. g6 : h7+ !                      Of6 : h5

### 8. Фd3-g6 x



**59-шакл**

*Эслатма:* Ҳар қандай фаол ҳужум қилишдан олдин ўз шоҳингизни хавфсизлигини унутманг. Акс ҳолда рақиб томонидан ҳам кутилмаган зарба ёки қарши ҳужум бўлиши мумкин.

### **6-ўқув партияси**

- |                   |               |
|-------------------|---------------|
| <b>1. e2-e4</b>   | <b>e7-e5</b>  |
| <b>2. Oг1-f3</b>  | <b>Oб8-c6</b> |
| <b>3. Ob1-c3</b>  | <b>Og8-f6</b> |
| <b>4. Фf1-c4</b>  | <b>Фf8-c5</b> |
| <b>5. O-0 O-0</b> |               |

Ҳозир иккала томон ҳам дебют қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда ўйнамоқда.

- |                 |              |
|-----------------|--------------|
| <b>6. d2-d3</b> | <b>d7-d6</b> |
|-----------------|--------------|

Қоралар дурангга эришиш мақсадида оқларнинг юришларини такрорлашга қарор қилди. Рақиб юришларини такрорлаш нимага олиб келишини ушбу партия кўрсатади.

- |                  |               |
|------------------|---------------|
| <b>7. Фc1-g5</b> | <b>Фc8-g4</b> |
|------------------|---------------|

Ҳозир юришларни қайтаришдан воз кечишга қулай вазият келган эди, қоралар 7. ... h6 ёки 7. ... Феб юргани яхши эди. Бу билан улар вазиятни тенглаштиришга эришарди.

- |                  |               |
|------------------|---------------|
| <b>8. Oc3-d5</b> | <b>Oc6-d4</b> |
|------------------|---------------|



### 60-шакл

Оқлар рақибнинг фикрини пайқаб қолди ва тузоқ кўйишга қарор қилди.

**9. Фзд1-d2      Фзд8-d7**

**10. Фg5 : f6      Фg4 : f3**

Ҳозир такрорлашдан воз кечишга кеч бўлди, агар 10. ... g:f юрилса, унда 10. Of6+ ва қоралар фарзинсиз қоларди.

**11. Od5-e7 +**

Шоҳ! Шахматда такрорлаш мумкин бўлмаган ҳолат. Ўйин қоидаси бўйича шоҳни ҳимоя қилиш зарур.

**11. ...      Шg8-h8**

Энди 12. g:f юриши хато, чунки 12. ... Of3 дан кейин энди оқлар фарзинсиз қолади. Оқ сипоҳлар ҳужумга шай турибди. Демак, ўйинни чиройли комбинация билан тугатиш имконияти мавжуд.

**12. Фf6 : g7+ !      Шh8 : g7**

**13. Фзд2-g5+      Шg7-h8**

**14. Фzg5-f6 x**



**61-шакл**

**Хулоса:** Рақиб юришларини кўр-кўрона такрорлаш мумкин эмас.

## ПИЁДАЛАР ЖОЙЛАШУВИ

Партия бошланишида бўлажак жанг учун иккала рақиб ҳам кучларни яхши жойлаштиришга интилади. Масалани муваффақиятли бажариш учун пиёдаларни тўғри жойлаштириш зарур. Пиёда шахмат қўшинида кучсиз дона бўлса ҳам унга катта вазифа юклатилади. Пиёдалар ҳужумда ҳам, ҳимояланишда ҳам муҳим вазифани бажаради.

Агарда пиёда бирор хонага ҳужум қилган бўлса, бу хонада турадиган рақиб сипоҳи йўқ қилинади. Айнан пиёда муҳим хоналарни кўриқлайди. Пиёдалар олдинга ҳаракатланганда рақиб сипоҳлари кириб келиши мумкин бўлган хоналар очилади, энг хавфлиси пиёдалар сурилганида шоҳнинг олди очилиб, заифлашиб қолади. Бошқа томондан, пиёдаларни олдинга ҳаракатлантириб, рақиб сипоҳларини сиқиб чиқариш осон бўлади.

Пиёдаларнинг жойлашуви кўпинча, сипоҳлар ҳолатини ва ўйинни давом эттириш режасини белгилаб беради. Мисол

